

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№2. 2022

**2022 ЙИЛ – ИНСОН ҚАДРИНИ
УЛУғЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**



Аёл – дунёнинг энг буюк хилқати. У оқиллик ва донолик, яратувчанлик ва бунёдкорлик хислати билан чор-атрофга эзгулик нурини таратади. Жиззах мелиоратив экспедициясида 31 йилдан буюн меҳнат қилиб келаётган Жамила Ўрозова худди шу сифатларни ўзида мужассам этган аёл.



ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ

– Жамила опа ўз зиммасидаги вазифаларни маромига етказиб адо этишга одатланган, – дейди ташкилот раҳбари ўринбосари Орзубек Холбеков. – У сув ҳўжалиги мелиоратив шароитларни комплекс таҳлил қилиш бўлимида ишлайди. Ўз номи билан гарданига масъулиятли юмуш юкланган ушбу бўлим томонидан амалга оширилаётган ишларнинг қанчалик самарали бўлиши, кўпинча мана шу малакали мутахассис меҳнатига ҳам боғлиқ. Зеро, мавжуд мелиоратив иншоотлар – кузатув кудуқлари дейсизми, ёпиқ-ётиқ дренажлар дейсизми, гидропостларми – буларнинг барчасини доимий равишда мониторинг қилиб бориб, ўрганиш натижаларини ўз вақтида вазирликка тақдим этиш ўта заҳматли иш. Жамила опа аёл боши билан ана шу юмушларни ўз вақтида, сифатли қилиб бажариши билан ҳам жамоамиз аҳлининг меҳри ва эътиборини қозонган.

Бугун Жиззах мелиоратив экспедициясида 300 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Уларнинг 39 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Ушбу жамоа фаолиятига аёл ходимларнинг қўшиб келаётган ҳиссаси қанчалик салмоқли эканини таъкидлаш учун кейинги йиллар ичида қайд қилинган бир фактни келтиришнинг ўзи кифоя: 1999 йилда Жиззах мелиоратив экспедицияси бўлим бошлиғи Дилнаво Каримова “Сув ҳўжалиги аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Ўтган 2021 йида эса, худди ана шундай эътирофга лавҳамиз қаҳрамони Жамила Ўрозова ҳам муяссар бўлди.

– Мелиораторларни экин майдонларининг докторлари, десак хато бўлмайди, – дейди Ж.Ўрозова. – Зеро, уларнинг меҳнати туфайли исталган ҳудуддаги ернинг ҳолати, шўрланиш даражаси қандайлиги, сизот сувлари сатҳининг паст-баландлиги каби кўрсаткичлар маълум бўлади. Уларни меъёрига келтириш чоралари кўрилади. Статистик маълумотларга кўра, кейинги уч-тўрт йил ичида Жиззах воҳаси деҳқонларининг асосий экинлар – пахта ва ғалладан олаётган ҳосили чўғи 10-15 фоизга ошган. Такрорий ва полиз экинлари, боғ-роғлар ҳосили ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Ана шундай ижобий ўзгаришларда биз – мелиораторларнинг ҳам камтарона ҳиссамиз борлиги қалбимизга мамнунлик бахш этади...

Халқимиздаги “Дарахт бир жойда кўкаради”, деган нақлнинг тасдиғини Жамила Ўрозованинг ҳаёти ва фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Қаҳрамонимизнинг меҳнат дафтарчасида фақат битта – “1990 йилда Жиззах мелиора-

тив экспедициясига ишга қабул қилинди”, деган ёзув қайд қилинган, холос.

– Ҳамкасбларим ярми ҳазил, ярми чин билан “Опа, шу кетишда пенсияга шу ердан чиқасиз” дейишади. Мен эса, ичимда “илоҳим, шундай бўлсин!”, деб қўяман. Зеро, мана шундай аҳил ва жипс, энг муҳими, ўта масъулиятли ишни бажараётган меҳнат жамоасида ишлашнинг ўзи катта бахт!

– Жамила опага ҳаммамиз ҳавас қиламиз, – дейди жамоа ходими Лола Тўйчиева. – У барчага, айниқса, ҳамкасб аёлларга кўлидан келган ёрдамни аямайди. Шахсан ўзим нафақат ишда, балки ҳаётда ҳам у кишидан жуда кўп нарсаларни ўргандим, ҳамиша ёнимдалигини ҳис қилиб тураман.

Ж.Ўрозова тақдир тақозоси билан турмуш ўртоғидан жуда эрта айрилди. Тўрт нафар ўғилга ҳам она, ҳам ота ўрнини босишига тўғри келди. Шунга қарамасдан, турмуш синовлари ва қийинчиликларини мағрур ва матонат билан босиб ўта олди.



Бугун эса, опа чеккан заҳматларининг мевасини тотмоқда. Фарзандларининг икки нафари олийгоҳнинг магистратура, яна биттаси бакалавриат йўналишида таҳсил олаётир. Жамила Ўрозова нафақат оилада, балки маҳаллада ҳам ўзига яраша обрў-эътиборга эга. 2021 йил якунида қўлига олган “Сув ҳўжалиги аълочиси” кўкрак нишони эса, унинг элу-юрт равнақига қўшаётган камтарона ҳиссаси учун берилган наватдаги юксак баҳо бўлди...

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Жамила Ўрозова (чапда биринчи) шогирдлари Лола Тўйчиева ҳамда Шоҳрух Баҳромовлар билан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган **300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар қўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнлар ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда **“Инсон қадрини учун” таъминли** асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган

ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” таъминли** асосан ишлаб чиқилган қуйидаги еттита устувор йўналишдан иборат **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** (кейинги ўринларда – Тараққиёт стратегияси) ва уни **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид** давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда **адолат ва қонун устуворлиги** таъминлиларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш; **маънавий тараққиётни таъминлаш** ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда **умумбашарий муаммоларга ёндашиш**;

мамлакатимиз **хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат** олиб бориш.

2. Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **уч ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш

миллий стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш** йўлга қўйилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсин;

в) **2023 йил 1 январдан бошлаб** пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) **уч ой муддатда** Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига қуйидаги ўзгартiriшлар киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин:

аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришlash таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш;

болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш.

3. Маҳалланинг “фаол” моделини жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида **2022 йилда:**

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самарали йўлга қўйилсин;

барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгилансин;

маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилсин;

маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, молиявий имкониятлари кенгайтирилсин;

маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширилсин;

маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин;

маҳаллани жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг

ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан, маҳалла раиси томонидан маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг самарали механизмлари йўлга қўйилсин;

фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институти жорий этилсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (М.Убайдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда кенг жамоатчилик, шу жумладан, маҳалла тизимида кўп йиллик иш стажига эга ходимларни жалб қилган ҳолда маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва янгиланган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда икки ой муддатда Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида:

умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605 миллиард сўм ажратилсин;

141 мингта янги ўқув ўринлари яратилсин ва уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги ўқув ўринларини яратиш ва мактаб ўқувчиларини касб-хунарга ўқитиш бўйича чораларни кўриб борсин.

5. Тараққиёт стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) ҳудудларда бирламчи тиббий хизмати “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда тегишли қурилиш ишларини 2022 йил якунига қадар якунлаш бўйича амалий чораларни кўрсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда икки ой муддатда хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўллашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга бепул тиббий хизматларни кўрсатиш механизми жорий қилинишини таъминласин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар:

2022 йилда иқтидорли ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчи ва шифокорларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин ҳамда малакани баҳолаш услубиёти асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2022 йилда йиллик инфляция даражасини 9 фоизгача ва 2023 йилда 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилсин.

Бунда давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқарилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) Марказий банк (М.Нурмуратов) билан

биргаликда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларни **доимий равишда** кўриб борсин;

б) **2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи** ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида **фойда солиғи** ставкаси 15 фоизгача **туширилсин**.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) **“Яшил иқтисодиёт”** технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўриلسин.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида қуйидаги лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

Энергетика вазирлиги (А.Султанов), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) **2022 йил 1 мартга қадар** – қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш дастурлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А.Султанов) **2022 йил 1 июнга қадар** – саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш дастури ҳамда электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича қарор.

8. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шароити “оғир” бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттирилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 октябрга қадар** шароити “оғир” бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси

1 фоиз ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан **1 фоиз** ставкада тўлаш тизимини жорий этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич **тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш** тартиби жорий этилсин ҳамда такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, **ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилсин**.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д.Қосимов) ва Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов) билан биргаликда **уч ой муддатда** тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар қатловдан ўтказиб, уларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли йўналишлар бўйича ягона реестрга киритиш ҳамда ушбу реестрни **2025 йилга қадар тўлиқ ишга тушириш** юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. **2022 йил 1 апрелга қадар** тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда соддалаштирилсин:

айрим фаолият турларига фақат ма-лакавий талабларни белгилаш орқали бино ва иншоот, хона, асбоб-ускуна, техника воситалари, бошқа жиҳозлар ҳамда уларга бўлган шартларни бекор қилиш; фаолият йўналишидаги эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисни танлаш ҳуқуқини бериш орқали штатида мавжуд бўлиши шарт бўлган ходимларга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш;

муайян фаолият билан кўчма тартибда, шу жумладан, автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда шуғулланиш имкониятини яратиш;

хизмат кўрсатиш мамлакат ҳудудидан ташқарисида амалга оширилиши сабабли хориждан келган буюртмалар бўйича миллий стандарт ва талабларни бекор қилиш;

“боғловчи-оператор” сифатида масофавий хизмат кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари (агрегаторлар) фаолиятига доир махсус шартларни белгилаш орқали айрим лицензия

ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш бўйича талабларни бекор қилиш.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар талабларининг мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

11. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва **хусусий сектор учун кенг йўл очиш** мақсадида эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига **25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар** тугатилсин:

2022 йилда – 14 та, шу жумладан, сертификатлаштириш хизматлари;

2023-2025 йилларда – 11 та, шу жумладан, нефть маҳсулотларини сақлаш, темир йўлларда ташишда қўшимча хизматларни кўрсатиш, аэровокзал ва вокзал олди комплексларини юритиш хизматлари, темир йўлда экспедиторлик хизматлари.

12. Тараққиёт стратегиясида **ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш** бўйича белгиланган вазифалар доира-сида **ҳудудлар билан ишлашнинг** қуйидагиларни назарда тутувчи **янги тартиби** ўрнатилсин:

2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча **туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини** чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади;

ҳар чорак якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги** вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисобот беради;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган **муҳим лойиҳалар** барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда **маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин** қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** 2022-2026 йилларга мўлжалланган республиканинг ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар лойиҳаларини тасдиқласин.

13. Давлат бошқаруви органларининг **“Давлат – инсон учун” таъминоти** асосида **ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш** ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида:

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилсин;

барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан, жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин;

давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамагарини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб борилин;

давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш тизими яратилсин;

ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **тўрт ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган тизимни самарали йўлга қўйиш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инobatга олинишини таъминлаш мақсадида **2022 йилда:**

фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек, ўзаро

боғлиқ давлат хизматларини мурожаатни кутмасдан таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

“Фуқароларнинг рақамли паспорт” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобида аҳолидан туғилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаҳодатнома ва диплом каби муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинсин;

кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилсин.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) **2022 йил 1 октябрга** қадар давлат хизматлари тизимини халққа янада яқинлаштириш, навбатларни қисқартириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва хусусий секторга ўтказиш чораларини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Тараққиёт стратегиясида **адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида **2022 йилда:**

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан **бепул юридик ёрдам кўрсатиш** тартиби жорий этилсин;

қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминлансин;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилсин.

16. Жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун **“дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш** тизими жорий қилинсин.

Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик

ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) **уч ой муддатда** “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тизимини ишга туширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) ва Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой муддатда** ривожланган мамлакатлар тажрибасини инobatга олган ҳолда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш бўйича дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратиш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашга ҳамда **“Очиқ бюджет”** ахборот портали орқали йўналтирилаётган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилсин.

18. **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) ҳамда унинг ишчи гуруҳи таркиблари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия ва ишчи гуруҳ зиммасига Тараққиёт стратегиясига қиритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, уни 2023-2026 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларининг тайёрланишини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

19. Белгилаб қўйилсинки:

Тараққиёт стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади;

Тараққиёт стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

20. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва

фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Касаба уюмлари Федерацияси ҳамда “Тараққиёт стратегияси” маркази таъсисчиларининг “Тараққиёт стратегияси” марказининг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ **тадқиқот ва “ақл» маркази сифатида қайта ташкил этиш** ҳамда қуйидаги қўшимча вазифалар юклатиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

тегишли йўналишларда аниқланган тизимли муаммоларни, жумладан, бюрократик тўсиқлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, ишламаётган ҳуқуқий механизмлар, эскириб кетган қоидаларни умумлаштириш;

қўтарилаётган тизимли муаммолар ва Тараққиёт стратегиясида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиб бориш;

тадбиркорлар, олимлар, экспертлар ҳамжамияти ва жамоатчилик вакиллари билан бирга тизимли муаммоларни муҳокама қилган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

тегишли йўналишлар бўйича мавзули ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий изланишлар олиб бориш.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** “Тараққиёт стратегияси” марказининг фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, шунингдек, ислохотларни амалга ошириш жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш учун **“илмий майдон”** яратиш бўйича чораларни кўрсин.

21. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Ватандошлар” фондининг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнларига миллий ва халқаро ҳамжамиятни кенг жалб қилиб боришга қаратилган қуйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб боровчи **Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилик гуруҳини** ташкил этиш;

ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаолларидан иборат **Тараққиёт стра-**

тегиясини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш ва тизимли равишда жамоатчилик эшитувларини ўтказиб бориш;

фуқаролар томонидан қўтарилаётган ташаббусларни умумлаштириб, фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда **жамоатчилик лойиҳаларини** илгари суриш.

22. “Тараққиёт стратегияси” маркази Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан таҳлилий ва ахборот материалларини Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва оммавий ахборот воситаларида акс эттириб бориш чораларини кўрсин.

23. “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг **жойлардаги ижроси натижадорлигини аҳолига етказиш бўйича онлайн портални** ишга туширсин.

Бунда чора-тадбирлар ижроси бўйича аҳолининг фикрлари, таклиф ва эътирозларини қабул қилган ҳолда илгари сурилган ташаббуслар тизимлаштирилиб, ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борилсин.

24. Вазирлар Маҳкамаси:

мунтазам равишда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

ҳар чоракда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ижро этиш ҳолатини ҳар томонлама муҳокама қилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўйган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриб бориш;

Тараққиёт стратегиясини кейинги йилларда амалга ошириш бўйича йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини ўз вақтида тайёрлаб борилишини таъминласин.

25. Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатиб бориш;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб бориш.

26. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда **мунтазам равишда:**

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини **ҳар ойда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш **Республика комиссияси** зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 январь*

БЕШ ЙИЛЛИК РАВНАҚ

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси: аграр соҳани янада ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг устувор вазифалари хусусида

Жорий йилнинг 26 январь куни Президентимиз раислигида Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни аниқ кўрсатиб ўтди.

Бу борада жорий йил 28 январь куни Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан тасдиқланган тараққиёт стратегияси ва уни “**Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили**”да амалга оширишга оид Давлат Дастурининг Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш деб номланган учинчи йўналишида қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали соҳанинг барча тармоқлари раванқини таъминлайдиган мақсад ва вазифалар батафсил баён этилган.

Мазкур ҳужжатга асосан яқин келажакда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар самарасини ошириш ва ушбу жабҳани ривожлантириш юзасидан қуйидаги:

аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш;

фермер ва деҳқонлар даромадини **2 баробарга** кўпайтириш учун зарур шароитларни яратиш;

қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини **5 фоизга** етказиш вазифалари белгиланди.

Улар доирасида 3 та бош мақсад белгиланиб, 15 та вазифалар ва 46 та тизимли тадбирлар амалга оширилади:

Биринчидан, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида **2 баробарга** ошириш, **қишлоқ хўжалигининг йиллик**

ўсишини камида 5 фоизга етказиш борасидаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали 2022 йилда даромад камида 25 фоизга оширилади:

– маҳсулот таннархи **30-35 фоизга** қисқартирилиб, пахтадан ўртача **37 центнер** ва ғалладан **70 центнер** ҳосил олишга эришилади;

– биологик эскирган навлар ўрнига серҳосил, эртапишар, тола ва дон сифати юқори бўлган **8 та** ғўза ва **12 та** ғалла навлари майдони кенгайтирилади;

– замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига пахта ва дон ҳосилдорлигини гектаридан **7-10 центнерга** оширишга эришилади;

– **200** минг гектар пахта ва ғалла майдонларида лазерли текислашни жорий қилиш ҳисобига **20-25 фоиз** сувни иқтисод қилиш ва қўшимча **5-6 центнер** ҳосил олиш имкони яратилади.

2. Мева-узумчиликда янгидан **4 та** “In-vitro” лабораториялари ҳамда **4 та** замонавий кўчатхоналар ташкил этиш орқали ҳар йили камида **10 млн. дон** вирусиз кўчатлар етиштириб борилади:

дунёдаги машҳур хўраки ва винобоп узумнинг **7 та** навлари “In-vitro” (вирусиз) усулида кўпайтирилади.

3. Сабзавот ва полиз экинлари селекциясини қучайтириш ҳисобига маҳаллий навларнинг улуши кескин оширилади:

картошканинг вирусга чидамли **2 та** нави асосида маҳаллий навлар яратилади;

23 минг гектарда сабзавот экинларини интенсив усулда етиштириш йўлга қўйилади.

4. Худудларда **110 та** мева-сабзавотчилик кооперациялари ва **35 та** ғаллачилик кластерлари фаолияти йўлга қўйилади:

бунда, кластерларнинг мева-сабзавот ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда экспортдаги улушини **2 бараварга** ва иш ўринларини **3 бараварга** оширишга эришилади.

Қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатларини камида **5 фоизга етказиш** бўйича қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинди:

1. **2022 йилда деҳқончиликда** ўсиш суръатини ўртача **6 фоизга** ошириш чоралари кўрилади:

(**23,7 млн. тоннага** асосий турдаги мева-сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари етиштирилади);

сабзавот экинларини **157,4 минг** гектарга экиш ҳамда ўртача ҳосилдорликни **234 центнердан 260 центнерга** етказишга эришилади;

картошка асосий майдонлари **22 минг** гектарга оширилиб, **71,8 минг** гектарга етказилади ҳамда ҳосилдорлик **210 центнердан 230 центнерга** етказилади;

полиз экинлари асосий майдонларини **4,4 минг** гектарга ошириб, **75,9 минг** гектарга етказилади ҳамда ҳосилдорликни **170 центнердан 200 центнерга** етказишга эришилади;

25 минг гектарда интенсив боғлар ва **50 минг гектарда** янги узумзорлар барпо этилиб, ўртача ҳосилдорлик мевада **84 центнердан 110 центнерга**, узумда **120 центнердан 135 центнерга** етказилади.

2. **2022 йилда чорвачиликда ўсиш суръати** ўртача **6,2 фоизга** оширишга эришилади:

қорамоллар бош сонини **14,5 млн. бошга**, шундан **сигирлар** бош сонини **4,9 млн. бошга**, **ғўшт** ишлаб чиқаришни **2,7 млн. тоннага**, **сут** **12,2 млн. тоннага** етказилади;

8,2 млрд дон тухум ва **468,4 минг тн** парранда ғўшти, **700 минг тонна балиқ** ишлаб чиқарилади;

Туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш борасида устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

Боғдорчиликка **46 та**, узумчиликка **48 та**, сабзавот-полизчиликка **51 та**, картошкачиликка **40 та** туман ихтисослаштирилади.

Ушбу туманларда плантация усулида **25 минг** гектар мевали боғ, **50 минг** гектар узумзор, **49 минг** гектар сабзавот, **24 минг** гектарга полиз, **20 минг** гектарга картошка экилиши таъминланади.

Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Ерларни ўзлаштиришда ҳар 10 гектар ер учун **1 дон**а тик қудуқ қазилар ва насос агрегатини ўрнатиш ҳамда ҳар йили сарфланадиган электр энергияси харажатларининг бир қисmini субсидия ҳисобидан қоплаб бериш механизми татбиқ этилади.

2. Сув тежаш технологияларини жорий қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаб бериш учун субсидия ажратиш тартиби такомиллаштирилади. Бунда:

биринчи йили субсидиянинг **50** фоизини бериш, ҳосилдорлик ошиши ва ускуналар ишлатилишига қараб, келгуси йили қолган **50** фоизини тўлаб бериш;

юқори ҳосилдорликни сақлаб қолган пахта, ғалла ва мева-сабзавот кластерларига, фермерларга учинчи йилда қўшимча **20** фоиз субсидия бериш;

сув тежовчи технологиялар ўрнатувчи корхоналарнинг ягона электрон реестрини жорий қилиш, субсидияларни унга кирган корхоналар иштирокида амалга оширилган лойиҳаларга бериш йўлга қўйилади.

3. Иссиқхоналарда муқобил энергия технологиясини жорий қилиш харажатларининг бир қисmini субсидия ҳисобига қоплаб берилади.

4. Қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш масаласи кўриб чиқилади.

Янги ва фойдаланишдан чиққан **129** минг гектар майдонни ўзлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Суғориш қудуқларини қазилар, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларни (республика ва маҳаллий бюджет ҳамда ташаббускорлар ўз маблағлари) аниқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда, **2022 йилда** янги

ва фойдаланишдан чиққан **129** минг гектар ерларни ўзлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ҳамда маблағ ажратиш тизими йўлга қўйилади.

2. Ерларни фойдаланишга кириш ҳисобига жами **2022 йилда 1,5** млн. тонна қўшимча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини **1,5 баробар** ва иссиқхоналарни **1,2 баробар** кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна **1 млрд АҚШ долларига** ошириш мақсадида:

1. 2022 йилда 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғоришни жорий қилган ҳолда, интенсив боғлар ташкил қилинади.

2. “Тайёр ҳолда топшириш” механизми асосида **1,5 минг гектарда** интенсив боғ ва токзорлар барпо этилади.

3. Иқтисодий самарасиз бўлган **8** минг гектар боғлар реконструкция қилинади.

4. Сертификатланган 5 млн. дона мева кўчатлари билан таъминланади.

5. 2022 йилда 50 минг гектар майдонда токзор барпо этилади.

6. 2022 йилда 1 минг гектарда иссиқхоналар ташкил этилиб, жами майдон **6,5** минг гектарга етказилади.

7. Экспорт салоҳиятини келгуси **3** йилда яна **1 млрд АҚШ долларига** ошириш чоралари кўрилади.

Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш қуйидаги тизимли тадбирлардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқилади.

Қонун лойиҳасида:

-тупроқлар ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш шартлари аниқ белгиланади;

-тупроқлар ва унинг унумдорлигини муҳофаза қилишнинг иқтисодий чоралари ишлаб чиқилади;

-тупроқ ҳолатини яхшилаб, унумдорлигини оширишга эришган ердан фойдаланувчиларни иқтисодий рағбатлантириш масалалари назарда тутилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига

ва белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига киритилади.

Илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

1. Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Навоий, Хоразм вилоятлари агрохизматлари марказларини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни хизматлар билан қамраб олиш даражасини **30** фоизга етказишга эришилади.

ҳар бир ҳудудий агрохизматлар марказларига **12 нафардан (8 та** йўналишда, ўсимликлар ҳимояси ва карантини, зоотехния, механизация, агрохимё-тупроқшунослик, агрономия, ветеринария, иқтисодиёт, ирригация), жами **72 нафар** юқори малакали мутахассис ходимлар жалб этилади.

2. Соҳага 10 нафар хорижий экспертларни жалб этган ҳолда агрохизматлар марказлари учун етук кадрларни тайёрлаш, уларни доимий малакасини ошириш йўлга қўйилади.

Агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини **1,5 баробар** ошириш мақсадида:

1. 2022 йилга мўлжалланган қуйидаги аниқ мақсадли тадбирларни ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилади;

саноатбоп мева-сабзавот ҳажми **3,4** млн. тоннага, қайта ишлаш қувватлари **3,1** млн. тоннага ва қайта ишлаш даражаси **16** фоизга етказилади;

мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватлари **3,1** млн. тоннага (**107** фоиз), сут – **2,9** млн. тоннага (**111,5** фоиз), гўшт – **410** минг тоннага (**119** фоиз) етказилишига эришилади;

озик-овқат маҳсулотлари ассортименти (қайта ишланган гўшт-сут, мева сабзавот, ёғ-мой ва бошқалар) **898** тадан **1100** тага етказилади;

3,2 мингта янги иш ўринлари яратилади.

Агрологистика марказларини ривожлантириш ва замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

1. Агрологистика марказлари сони 73 тага ва қувватларини **1,1** млн. тоннага етказиш бўйича чоратадбирлар кўрилади;

2. Халқаро молия институтлари

маблағи ҳисобига хусусий секторни жалб қилган ҳолда кичик агрологистика марказлари тармоқлари кенгайтирилиб, бунда:

Жаҳон банки иштирокида хусусий шериклик асосида агрологистика марказларини қуриш тартиби ишлаб чиқилади;

талабгорларга танлаш бўйича танлов ўтказилиб, лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тендер савдолари ўтказилади;

тендер ғолиби томонидан лойиҳа объекти тайёр ҳолда қуриб топширилади.

2. Замонавий лабораториялар сони кўпайтирилиб, шу жумладан, “Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази” ДУК таркибида Андижон вилоятида халқаро даражада аккредитацияланган ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида комплекс таҳлил қилувчи референс лабораториялар ташкил этилади.

Уруғчилик ва кўчат етиштиришда миллий дастурни амалга ошириш бўйича қуйидаги устувор вазифалар белгиланмоқда:

қуйидаги чора-тадбирларни қамраб олган **Миллий дастур ишлаб чиқилади:**

қишлоқ хўжалиги экинларининг нав муаллифлари, илмий-тадқиқот институтларини (нав оригинаторлари) **ҳуқуқий ҳимоя қилиш такомиллаштирилади;**

қишлоқ хўжалиги экинларини **серҳосил, сифат кўрсаткичи юқори, жаҳон андозалари талабларига мос бўлган навлар хориждан олиб келиниб, маҳаллий навлар ҳамда F₁ дурагайлари яратилади;**

соҳада фаолият кўрсатадиган илмий муассасалар ва уруғчилик хўжаликлари салоҳияти **муустаҳкамланади;**

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан **халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик янада муустаҳкамланиб, экспертлар жалб қилинади;**

“In-vitro” лабораториялар сони **6 тадан 10 тага етказилиб, ўртача вирусдан холи маҳаллий, хорижий мева ва узум навларининг йилига 26 млн. дона кўчатлари тайёрланади;**

Биринчи репродукцияли дурагайлاردан олинadиган оргинал уруғлар уруғчилик хўжаликларида кўпайтирилади;

Илмий тадқиқот институтлари-

да касаллик ва зараркунандаларга ҳамда қурғоқчиликка бардошли мева, узум ва резаворларнинг янги навлари яратилади;

Нуфузли халқаро илмий марказлар ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ташкил этилиб, 2022/2023 ўқув йилида камида **200 нафар** талабани ўқишга қабул қилиш чоралари кўрилади.

Хорижий олий таълим муассасаларининг **8 нафар** профессорлари жалб этилиб, **16 нафар** маҳаллий профессор-ўқитувчиларнинг малакаси хорижда оширилади.

Иккинчидан, Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислох қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгиланмоқда:

1. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳар йили камида 7 млрд куб метр сув иқтисод қилинади:

сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш ҳисобига сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича дастур ишлаб чиқилади;

2022 йилда 260 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобига 534 млн. куб метр сувни иқтисод қилишга эришилади.

2. Ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳисобига 335,1 минг гектарнинг сув таъминоти ва 125,4 минг гектарнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, 543 млн. куб метр сув иқтисод қилинади.

2022 йилда 427,1 км канал, 131,9 км лоток, 13,2 км қувур ва 886,0 км коллектор-дренаж тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинади.

3. Сув хўжалиги тизимидаги 6610 та объектга рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига 155 млн. куб метр сув иқтисод қилинади.

Учинчидан, Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баравар кўпайтириш борасидаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

Чорвачиликнинг озуқа базасини муустаҳкамлаш борасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Умумий экин майдонларида озуқабоп экин майдонлари чорва бош

сонига мутаносиб равишда ошириб борилиб, асосий майдонларга **393 минг гектар** озуқабоп экинларни ўз муддатларида экилиши назоратга олинади.

2. Ғалладан бўшаган 221,6 минг гектар такрорий майдонларда озуқабоп экинларни етиштириш ташкил этилади.

3. Иқтисодий самарасиз паст ҳосилли экин майдонларида алмашлаб экиш тизими жорий қилиш орқали 50 минг гектарда бедазорлар ташкил этилади.

4. Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти қошида Чорвачилик озуқа экинлари марказини ташкил этиш ва унга озуқабоп экинлар суперэлита ва элита уруғларини етиштириш ҳамда тажрибадан ўтказиш учун Тошкент вилоятида 50 гектар ер майдони ажратилади.

5. Озуқабоп экинларнинг серҳосил навлари кўпайтирилиб, йил давомида 2-3 марта ҳосил олиш ва ҳосилдорликни 1,2 баробарга оширишга эришилади;

6. Яйловлардан самарали фойдаланиш, қайта тиклаш ва ҳосилдорликни ошириш чоралари кўрилади;

7. 2,2 млн. гектар яйловларда геоботаник тадқиқотлар амалга оширилиб, яйловларни қайта тиклаш ишлари олиб борилади;

8. Чўл яйлов ўсимликлари уруғчилиги базаси яратилади.

Ушбу вазифалар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва интенсив ривожлантириш борасида агрокластер ҳамда кооперациялар тармоғини кенгайтириш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоялаш, соҳа ходимлари, ер эгаларининг илм-фан ютуқлари, замонавий технологиялар ва илғор тажрибалар асосида билим ва малакасини ошириш тадбирлари тизимли равишда амалга оширилади.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси,

Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ,
вазирнинг ижроия аппарати раҳбари, и.ф.н.,

Бунёд БАЛЛАСОВ,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти таянч докторанти.



БАҲОР ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Сабзавот экинлари кўчатларини етиштириш ва совуққа чидамли сабзавотларни экиш тадбирлари Республикамизда асосий майдонда етиштирилаётган помидор, бақлажон ва ширин қалампир каби иссиқсевар сабзавотлар кўчатларини кўчатхоналарда сифатли тайёрлаб олиш ўзига хос муҳим бир юмуш ҳисобланади. Сифатли кўчатлар тайёрлашда танланган навлар бўйича униб чиқиш хусусияти юқори, бегона ўт ҳамда навлар аралашмасидан холи уруғлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Помидор, ширин қалампир ва бақлажон кўчатларини тайёрлаш ишлари учун энг қулай муддат республикамининг марказий минтақасидаги вилоятларда помидор учун 10-20 феврал, ширин қалампир ва бақлажон учун 1-10 феврал, жанубий минтақадаги вилоятларда 15-20 кун олдинроқ, шимолий минтақада эса 15-20 кун кечроқ амалга оширилиши лозим.

Очиқ майдонда етиштириш учун қуйидаги маҳаллий навлар тавсия этилади: помидорнинг “Барлос”, “Юлдуз”, “Дархон”, “Баходир”, “Ситора”, ТМК-22, “Авиценна”, “Сурхон-142”, ширин қалампирнинг “Маржона”, “Дар Ташкент”, “Заря Востока”, “Зумрад”, “Наргиза”, “Тонг”, “Сабо”, “Шодлик”, бақлажоннинг “Сурхон гўзали”, “Феруз”, “Аврора”, “Алмаз” навлари.

Сабзавот уруғларининг тўқ ва пучларини ажратишда уруғлар ош тузнинг 3-5% ли эритмасига 30 дақиқа солинади. Бунда пуч уруғлар чўкмай ажралиб қолади.

Кўчат тайёрлашда уруғларни экишдан олдин турли зарарли вирус касалликларига қарши қиздириб олиш тавсия этилади. Бунинг учун помидор, ширин қалампир, бақлажон уруғларини термостат ёки қуришти шкафида икки сутка 50-52 даражада ва бир сутка 80 даражада қиздирилади.

Сабзавот кўчатларини етиштириш учун кўчатхона тупроғи 20-25 см

чуқурликда юмшатилади ва 0,8-1,0 метр қилиб пушта олинади. Пуштада уруғларнинг яхши униб ўсиши учун икки қисм чириган гўнг, бир қисм тупроқ, бир қисм қум аралашмаси солиб, текисланади.

Аралашма қалинлиги ниҳол тайёрлаш учун 10-12 см. дан, кўчириб экиладиган иссиқхоналарда эса 18-20 см дан кам бўлмаслиги лозим.

Иссиқсевар помидор уруғидан нам тупроққа ҳар 1 м² майдонга 8-10 г, кўчирмай бир жойнинг ўзиде етиштиришда ҳар 1 м² майдонга 2,0-2,5 г ҳисобида уруғ сепилади.

Бақлажон ҳар 1 м² майдонга 8-10 г, кўчирмай бир жойнинг ўзиде етиштиришда ҳар 1 м² майдонга 3-4 г ҳисобида уруғлар сепилади. Ширин қалампир экинида ҳар 1 м² майдонга 14-16 г, кўчирмай бир жойнинг ўзиде етиштиришда ҳар 1 м² майдонга 4-5 г ҳисобида уруғ сарфланади. Уруғлар сепилиб, устидан 1,0-1,5 см қалинликда эланган чириган гўнг ёки чириган қипиқ солинади, устидан сув сепилади.

Бир гектар майдонга етарли миқдорда кўчат тайёрлаш учун 800-1000 г ширин қалампир, 600 г бақлажон ва 350-400 г помидор уруғлари сарф бўлади.

Сифатли кўчат тайёрлашда кўчатхона ҳарорати, тупроқнамлиги ва ниҳолларни озиклантириш муҳим аҳамиятга эга. Сепилган уруғлар тез униб чиқиши учун кўчатхонадаги ҳарорат бир ҳафта давомида кундузи 20-25°, кечаси 10-14°, кейинги ҳафтадан кундузи 20-22°, кечаси 14-15° бўлиши талаб этилади. Кўчатхона тупроғи

намлигига кўра, кўчатларнинг ўсув даврида ҳар 1 м² майдонга 6-7 литр сув меъёрида суғорилади. Кўчатлар 2-3 барг чиқарганда орасини 5х6 см қилиб кўчириб ўтказилади. Кўчириб ўтказилган кўчатларга 10-12 кундан сўнг биринчи озика: 10 литр сувга 5 г аммоний сульфат ёки карбамид, 40 г суперфосфат ёки аммофос ва 10 г калий ўғитлари эритилиб, барг устидан берилади. 6-7 кун ўтказиб, иккинчи маротаба юқоридаги миқдорни 2 марта кўпайтириб озиклантирилади. Учтинчи озиклантириш кўчат далага экишдан 4-5 кун олдин амалга оширилади.

Етиштирилаётган кўчатлар экиш учун тайёр бўлгач, очиқ далага олиб чиқишдан 6-8 кун олдин плёнкаларни очиб, кўчатларни ташқи муҳит шароитига мослаштириб чиниқтириш муҳим аҳамиятга эга.

Далага экиш олдида кўчатларга иссиқхонанинг ўзиде занг, ўргимчаккана ва шираларга қарши ишлов берилиб экилиши мақсадга мувофиқдир. Кўчатларга ишлов беришда экишдан 1-2 кун олдин 2,5% ли Децис дорисидан 0,2 мл. 10 литр сувга аралаштириб 20 метр кв. майдондаги кўчатга сепилади ёки тавсия этилган препаратлардан биронтасидан фойдаланиш мумкин.

Ширин қалампир, бақлажон, ва помидорни 50-55 кунлик кўчатлар 15-18 см узунликда, 5-7 та барг чиқарганда очиқ далага экиш учун тайёр бўлади.

Шу билан бирга, полиэтилен қопчаларда, кичик ҳажмли стаканларда махсус субстратлар асосида тайёрланган кўчатларини экиш ҳам яхши самара беради. Ушбу усулда очиқ майдонга экилган кўчатларнинг ривожланиши яхши кечади, қаторда ўсимликларнинг, хатоси камаяди ҳамда эртароқ ҳосилга киради.

Тавсия этилаётган усул бугунги кунда ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Ушбу ойнинг муҳим тадбирларидан яна бири совуқ ҳавога нисбатан чидамли бўлган оқбош қарам, гулкарам, пиёз, сабзи, редис, ош лавлаги, укроп, кашнич, петрушка ҳамда салат каби сабзавотлар экинларини экиш учун режалаштириб қўйилган майдонлар экишга кузда тайёрлаб қўйилган бўлиши лозим.

Қарам совуққа чидамли экин бўлиб, эртаги навлар кўчатларни очиқ майдонларга экиш марказий вилоятларда



феврал ойининг 2-3 ўн кунлигида, жанубда жойлашган вилоятларда 15-18 кун олдин, шимолий вилоятларда эса 18-20 кун кечроқ амалга оширилади.



Эртаги карам экиладиган ер кузда тайёрлаб қўйилган бўлиши яхши самара беради. Кузда тайёрлаб қўйилган эгاتларга қўчат экилганда ҳосили баҳорда тайёрланган майдонга нисбатан 8-10 кун илгари етилади ва 20% кўпроқ ҳосил беради.

Эртаги муддатда экиш учун карамнинг – “Июнь”, “Номер-1”, “Назоми F₁”, “Парел F₁”, “Фарао F₁”, “Моррис F₁” каби эртапишар, серҳосил нав ва дурагайлари тавсия этилади. Эртаги карам 70x25 (30) см схемада экилади. Экиш даврида қўчатнинг ёши 40-45 кунлик, бўйи 14-16 см ва 6-7 та барглари сони бўлиши лозим.

Редиска сояга чидамли қисқа кунлик ўсимлик, ёруғлик етишмаса ҳам ўсаверади. Редиска ёзда экилмайди, чунки у ёз ойларида тез пишиб ўтиб кетади ва таъмини йўқотади. Уруғи экилиб, ниҳоллари пайдо бўлгандан жуда тез пишар навлари 25-30, ўртапишарлари 35-40 ва ўртача кечки навларининг илдизмевалари 40-45 кунда етилади. Редиска далага эрта баҳорда феврал охири-март ойида экилади. Экиш учун “Лола”, “Эртапишар”, “Майский”, Рудольф F₁, Сора F₁, Селеста F₁ нав ва дурагайлари тавсия этилади. Редиска уруғи кичик майдонларда қўл кучи ёрдамида, катта майдонларда сабзавот сеялкаси билан пушталарга икки қатор қилиб сепилади. Бунда пушталар ораси 50-70 см, пуштадаги йўллар ораси

8-10 см қилиниб, ҳар гектарга 14-18 кг уруғ экилади. Уруғ сепилгандан сўнг пушталарни чиринди билан мульчалаш самаралидир.

Редиска кўкариб, бир-иккитадан чинбарг чиқарганда яғаналанади ва бирийўла ўтоқ қилинади. Бунда тезпишар илдизмеваси майда редиска навлари ҳар 3-4 см, кечпишарлари эса 5-6 см да бир тупдан қолдирилади.

Укроп уруғини экиш муддатлари маҳсулот чиқариш муддатларига қараб белгиланади. Укропнинг тезпишарлигидан фойдаланиб, уни иссиқхоналарда бир неча марта экиш мумкин. Баҳорги иситилмайдиган иссиқхоналарда укроп февраль бошидан то март ўрталаригача асосий экинни экишдан олдин етиштирилади. Укроп уруғлари бир сутка давомида ивителиди, сўнг ундирилади, бўртиб чиққан уруғлар бироз қуритиб, кейин экилади. Қуруқ уруғлар экилганда 10-12 кун ўтгач, ундирилганлари эса 3-5 кундан кейин униб чиқа бошлайди. Укропни кўпқаторли лентасимон усулда, улар орасидаги масофа 10 см қилиб экилади. Уруғларни экиш чуқурлиги 0,5-1 см, сочма усулда 1 м²га 20-30 г уруғ сепилади. Зичловчи экин сифатида етиштирилганда 4-6 қатор ленталарга экилиб, 1 м² 10-15



г уруғ сарфланади. Укропнинг “Анет”, “Голдкрон”, “Ўзбекский-243”, “Ором” ва “Харковская-85” навлари экиш учун тавсия этилган.

Укроп уруғи экилгандан сўнг илиқ сув билан суғорилади. Шундан сўнг уруғ устидан 0,5 см қалинликда майда чиринди сепилади.

Кашничнинг экиш муддати укропни экиш муддати билан бир хил. Уруғи ҳам ёппасига сочма ёки кўп қаторли лентасимон усулда экилади. У ҳам асосий ёки зичловчи экин сифатида етиштирилади. Кашнич уруғларининг унувчанлиги яхшироқ бўлганлиги учун бир сутка давомида ивителиди. Уруғни экиш

меъёри укропга нисбатан камроқ. Ўзи мустақил экилганда 1 м² га 12 г уруғ сарфланади. Ўзбекистонда кашничнинг маҳаллий “Орзу” ва Россиянинг “Янтарь” навлари экилади.

Петрушканинг “Нилуфар”, “Сахарная” ва “Новас” навлари Давлат реестрига киритилган. Пол қилиб сепилганда гектарига 3-4 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади. Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бироз яғаналаш ва вақтида суғоришдан иборат. Ўсиш даврида 4-6 мартагача суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 м³ сув сарфланади.



Пиёз, сабзи, редис, ош лавлаги, салат сингари сабзавот уруғлари ҳамда картошка туганаклари Республиканинг жанубий минтақасида 20 январдан 25 февралгача, марказий минтақада 5 февралдан 20 мартгача, шимолий минтақада эса 20 февралдан 25 мартгача экилади.

Эртаги муддатда экиш учун ош лавлагининг маҳаллий “Диёра”, “Ягона”, “Бордо-237”, “Бикорес”, “Боро F₁”, “Пабло F₁”, “Водан F₁” нав ва дурагайлари каби серҳосил маҳаллий навлари тавсия этилади.

Майда уруғли сабзавотлардан пиёз ва сабзи уруғларини катта майдонларда сабзавот уруғлари экиш сеялкасида лента шаклида, қўш-қаторлаб (50+20 см ораликда) кичик майдонларда қўлда сочма усулда экиш мумкин.

Сабзавот уруғларини эккандан сўнг кетма-кет ва тез орада ҳар бир эгат устига чириган гўнг ёки ёғоч кипиғидан сешиб, мулчалаш тадбирининг амалга оширилиши уруғларни ердан қисқа фурсатда униб чиқиши учун қулай шароитларни яратади.

Эртаги муддатда экиш учун пиёзнинг маҳаллий “Равнак”, “Истикбол”, “Зафар”, “Алдова”, “Дайтона”, “Сибир”, “Манас”, “Радар”, сабзининг маҳаллий “Мшак”, “Нурли”, “Мирзойи сарик”,

“Мирзойи қизил”, “Зийнатли”, “Фаровон”, “Барака” ва чет элнинг “Нантская”, “Шантане” навлари тавсия этилади.

Ушбу экинлардан барвақт ҳосил олиш учун тупроқусти мулчалаш билан бирга уларни шаффоф плёнка остида парваришlash яхши самара беради. Кеч куз ойларида экилиб мулчаланган ва плёнка билан беркитилган майдонлардаги сабзи, пиёз, ош лавлаги ҳамда кўкат сабзавотлар уруғлари қишки ёгинлар, ҳаводаги намлик таъсири натижасида аста-секин бўртади ва совуққа чиниқади. Эрта баҳор ойлари ҳаво ҳароратини ноқулай, паст бўлишига қарамай уруғлардан униб чиққан майсалар тез суръатлар билан жадал ўсиб, ривожланади. Эрта кўкламдаги қисқа муддатли совуққа чидамли бўлиб ўсади ва ушбу экинларни эрта баҳор ойларида экишга қараганда ҳосили 20-25 кунгача эртароқ пишиб этилади ва ҳосилдорлиги эса 15-20% га ошади.

Эртаги картошка етиштириш. Эртаги муддатда картошка етиштирилиши асосий аҳамиятли жиҳати бу халқимизни йил давомида картошкага бўлган талабини қондириш ҳисобланади.

Картошка ҳосилдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг асосий омилларидан бири экин навини тўғри танлаш ва сифатли уруғлик материални экиш ҳисобланади. Эртаги муддатда экиладиган картошка экиш жараёни асосан феврал-март ойларида тўғри келади. Эртаги сабзавотлар сингари эртаги картошка экиладиган майдонлар кузда тайёрлаб қўйилади. Тайёрланган бўлмаса, ерларни хайдаб, текислаб ҳар гектарига 25-30 тонна маҳаллий ўғит, фосфорли ва калийли ўғитларни 20-25% солинади, чизел қилиниб КРН-2,8А русумли культиватор ёрдамида 70 ёки 90 см ораликда суғориш эгатлари олиниб экишга тайёрлаб қўйилади.

Картошка ҳосилини ошириш, сифатини яхшилаш ва эрта етилишини таъминлаш учун уни ундирилган туганакларидан экиш керак. Ундирилган туганакларни баҳорги муддатларда экиш ундирилмаган туганакларни экишга қараганда ҳосилни 12-15% ошириб, 10-15 кун эрта пишишига имкон беради.

Уруғлик картошкани ундиришга қўйиш олдида сараланиб, чириган, эзилган ҳамда касалга чалинганларидан холи қилиниб, соғлом тоза туганаклар ундириш хоналарига қўйилади.

Маҳаллий шароитда тайёрланган уруғлар ундириш хоналарига экишдан 30-35 кун олдин, четдан келтирилган уруғликлар 20-25 кун илгари қўйилади.

Ундириш хонасида ёруғлик ва 18-22°C даража иссиқ ҳарорат яратилиши лозим. Уруғликлар майда йириклигига қараб (40-60, 60-80, 80-100 г) саралаб ундириш хонанинг полларига, сўкчакларга (стеллаж) 2-3 қатламдан оширмай ёки 12-20-25 кг яшикларга қўйиш лозим. Уларнинг яшил нишлари экиш давригача 0,5-1 см дан ошиқ ўсиб кетишига йўл қўймаслик лозим акс ҳолда экиш даврида синиб кетади. Агар қўлда қўйиб кетмон билан ёпиб экиладиган бўлса, нишларини 3-4 см гача ўстириб экилса, ундан ҳам яхши бўлади. Уруғликларни катта кичикларига қараб алоҳида экилади. Бунда ўсимликларни ердан униб чиқиши, ўсиб ривожланиши ҳамда ҳосил етилиши бир хил бўлишини таъмин этади.

Оғирлиги 100 г дан катта туганакларни баҳорда экиш учун икки-уч бўлакка бўлинади. Туганаклар кесилганда уларнинг униб чиқиши биров кечикади.

Эрта баҳорда картошка экишнинг энг муқобил муддатлари: Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Бухоро, Навоий вилояти ва Фарғона водийси учун 25 феврал-10 март; Сурхондарё, Қашқадарё вилояти учун 15 феврал-1 март; Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти учун 10-20 март ойлари ҳисобланади. Экиш схемаси 70x25-30 ёки 90x25 см, экиш чуқурлиги 7-9 см ни ташкил этиши лозим.


Эрта баҳорда экиш учун қисқа давр ичида пишиб этиладиган картошканинг эртаги “Санте”, “Ред Скарлет”, ўрта эртапишар “Альвара”, “Аринда”, “Латона”, “Марфона”, “Пикассо” ва бошқа навлари тавсия этилади.

Эртаги картошкadan ўртача ҳисобда 20 тонна ҳосил олиш учун 25-30 тонна маҳаллий гўнг, 200 кг азот, 170 кг фосфор, 100 кг ўғити соф ҳолда солинади. Бунда органик ўғитнинг ҳаммаси ва фосфорли, калийли ўғитларнинг 70% ҳайдовда бериш ва қолган фосфор ва калий ўғитларининг 30% ҳам да азотнинг 50% картошка униб чиққандан сўнг биринчи ишловда, қолган азотнинг 50% гуллашдан олдин берилади.

Ўсув даврида сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда 7-8 марта суғорилади. Суғориш ҳар ҳафтанинг 1 марта, ҳосил туганаклари пайдо бўлиши билан 5-6 кунда гектарига 400-500 м³ ҳисобидан бериб турилади. Ҳар икки суғориш оралиғида қатор оралари 10-12 см чуқурликда юмшатилади. Бу тадбир мақсадида культиватор билан ўсимликлар шоналагунча амалга оширилади.

Эртаги муддатда барвақт экилиб, ўсув давридаги барча парваришlash тадбирлари ўз вақтида амалга оширилган майдонлардаги картошка экини ҳосили ҳам эрта етилиб йиғиб олиниши, ушбу майдонларни ўз вақтида қайта экишга тайёрланиб, такрорий сабзавот экинларини қулай муддатларда экиб, улардан мўл ҳосил етиштиришнинг асосий омили ҳисобланади.

**Рустам Низомов, қ.х.ф.д.,
Фахриддин Расулов, қ.х.ф.д.
Сабзавот, полиз экинлари ва
картошкачилик ИТИ.**



Маълумки, чигит экиш сифати кўп жиҳатдан далаларда майин тупроқ ҳосил қилинишига боғлиқ. Буни яхши англаган пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликларининг механизаторлари айни кунларда устахоналарида тишли ва дискли борона, чизель-культиватор ҳамда мола-текислагич каби ерларни экишга тайёрлаш машиналарини таъмирлаш ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Зеро, шудгорланган ерларга майин тупроқ ҳосил бўладиган қилиб юза ишлов берилса, далалар бегона ўтлар қолдиқларидан тозаланса ва сифатли текисланса чигитни бир хил чуқурликда экиб, ундириб олишга, ғўза қатор ораларига тўласича ишлов берилишига, ниҳолларнинг дала бўйлаб бир текис суғорилишига эришилади.



ЕРНИ ЭКИШ УЧУН СИФАТЛИ ҲОЛГА КЕЛТИРИШ

БЗСС-1,0, БЗТС-1 ва БЗТХ-1,0 русумли тишли бороналарда қуйидаги нуқсонлар кўпроқ учрайди: тишлар маҳкамланадиган планкалар ва бороналарни бир-бири билан улайдиган илгакларнинг эгилиши ва буралиши, тишларининг ўтмасланиши, ейилиши ва эгилиши. Бу нуқсонларни тузатиш учун борона қисмларга ажратилади, планкалар ҳамда илгакларнинг эгилиши ва буралиши болғалаш йўли билан совуқлайин тўғриланади.

Ўтмасланган, ейилган ва эгилган тишлар темирчилик усулида қиздирилади, болғалаб чўзилади, тўғриланади ва текисланади. Таъмирланган тишлар бир хил узунликда бўлиши ҳамда ўткир учининг қалинлиги 2 мм. дан ошмаслиги лозим.

Чўзилган ва тўғриланган тишнинг иш қисми темирчилик печкасида 820-840°C гача қиздирилади ва 30-35°C ли сувга ботирилиб тобланади. Сўнг борона қайтадан йиғилади ва назорат плита устида текшириб кўрилади. Қуйидаги шартлар бажарилганда тишли борона тўғри таъмирланган ҳисобланади:

- борона планкалари ва тишларининг эгиклиги 3 мм. дан ошмаслиги лозим;
- тишлар планкага гайка ва шайбалар ёрдамида маҳкамланган бўлиши ҳамда улардаги резьбаларнинг 2-4 та ўрами гайка сиртидан ташқарига чиқиб туриши керак;
- тишлар планкаларга қирраси ва ўткир томони билан ҳаракат йўналишига қараб турадиган қилиб ўрнатилиши даркор;
- тишларнинг тик ҳолатдан оғиши ± 5 мм атрофида бўлиши лозим;
- тишларнинг учлари билан назорат плитаси сирти орасидаги масофа 10 мм дан кичик керак;
- тишлар қолдирган излар орасидаги масофа 50 мм бўлиши, бундан четланиш эса 5 мм. дан ошмаслиги керак.

БДТ-2,2, БДТ-3,0 ва ТДБ-3/5 дискли бороналарида энг кўп таъмирталаб қисм – бу сферик дисклардир. Носозларининг сиртлари қийшайган, қирралари ўтмаслашган бўлади. Сиртларни жойида уриб тўғрилаш мумкин эмас. Қийшайган диск ўқидан ечиб олинади, андоза устига жойлаштирилади ва болға билан бир текис қилиб тўғриланади. Дискнинг заводдан келтирилган янгиси андоза вазифасини бажаради. Дискнинг марказидаги квадрат шаклидаги тешик едирилган бўлса, унинг ичига пўлат шайба пайвандланади ва эгов билан ўлчамига келтирилади. Диск батареясининг ўқи эгилган бўлса, болғаланиб тўғриланади. Борона рамасидаги дарз кетган жойлар пайвандланади. ТДБ-3/5 боронанинг таянч фидираги шиналари батамом едирилган бўлса, янгиларига

алмаштирилади. БДТ-3,0 боронадаги темир фидиракларнинг гардишлари эгилган бўлса тўғриланади, дарзлар пайвандланади, носоз подшипниклар ўрнига созлари қўйилади. Ишлатилаверганидан диаметри кичрайиб кетган дискларни янгиларига алмаштириш шарт.

ЧКУ-4А ва ЧК-4-6 чизель-культиваторларда юмшатувчи ва ўқёйсимон панжаларнинг ейилиши, ўтмасланиши ва синиши; улар ўрнатилган устунларнинг эгилиши ва буралиши; втулкалар, сальниклар бошқа туташма деталлардаги резьбаларнинг ейилиши; подшипникларнинг тўкилиши ва стопорларнинг ейилиши ва синиши; иш органлари ва бороналарни кўтариш механизмлари қисмларининг эгилиши ва буралиши каби носозликларни тузатиш талаб қилинади.

Ўтмасланган юмшатувчи ва ўқёйсимон панжалар юқори томонидан чархланиб тикланади. Бунда тигларнинг қалинлиги 1 мм дан катта бўлмаслиги лозим. Панжа тиғи кўп ейилган, ўтмасланган, синган ва дарз кетган бўлса, иш органи янгисига алмаштирилади.

Иш органларининг устунлари эгилган ва буралган бўлса, улар қиздириб тўғриланади. Панжалар устунларга сирти яримдоира шаклидаги болтлар билан маҳкамланиши керак. Устунлар эса рамага асосий болтдан ташқари иккита сақловчи (муҳофазаловчи) болтлар ёрдамида ўрнатилади.

Ейилган втулкалар, сальниклар, тўкилган подшипниклар, уларнинг ейилган ва синган стопорлари ҳамда бошқа носоз деталлар янгисига алмаштирилади.

Ўғит солувчи аппаратнинг бункерларидаги тешиклар ва ёриқлар пайвандланади. Айланувчи қисмлардаги носоз подшипниклар алмаштирилади. Ўғит солиш меъёрини ростловчи механизм деталлари эгилган, едирилган бўлса, таъмирланади.

Раманинг эгилган қисмлари тўғриланади, ёриқлар пайванд қилинади. Таянч фидиракларининг подшипниклари текширилади, носоз бўлса, тузатилади, тешик камералар ямалади, эски шиналар алмаштирилади.

МВ-6,0 мола текислагичда пичоқлар тўмтоқлашган бўлса, уларнинг тиғлари темирчилик усули билан ўткирланади. Батамом тўмтоқлашган ёки тиғлари охиригача едирилган пичоқлар янгисига алмаштирилади. Четки секцияларни тутиб турувчи тортқиларнинг эгилган жойлари тўғриланади.

Хуллас, ерларни экишга сифатли тайёрлаш чигит экиш тадбирининг оби-тобида ўтказилишини таъминлайди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
ҚХМИТИ профессори.



ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, II босқич”нинг ҳамкорларидан бири Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази ҳисобланади. Биз ушбу марказ директори Ш.Қурбонов билан суҳбатлашдик.

Савол: Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази қандай мақсадда ташкил этилган ва у вазифаларини тўлақонли бажара олаётими?

Жавоб: Сув ҳўжалиги вазирлигини соҳага оид ахборот ва таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш, сув ҳўжалигини ривожлантириш бўйича таҳлилий ҳужжатлар ва таклифларни тайёрлаш, замонавий ахборот технологияларини татбиқ қилиш асосида соҳага доир маълумот ва ахборот ресурсларини яратиш ҳамда уларни ривожлантириш, сув ҳўжалигида рақамлаштириш ва автоматлаштириш ишларини ташкил этиш, сув тежовчи технологиялар бўйича истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш каби вазифалар марказ олдига қўйилган. Уларни аҳил ва иноқ жамоамиз билан биргаликда қўлимиздан келганча уддалаямиз, деб ўйлайман.

Савол: Ўтган 2021 йил натижалари сизни қай даражада қониқтиради?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда кўмаклашдик.

Республика бўйича жами **3121** та сув олиш нуқтасига “Ақлли сув”, **2358** та мелиоратив кузатув қудуғига “Дайвер” ва насос станцияларда **454** та сувни “онлайн” назорат қилиш қурилмалари ўрнатилиб, **20** та йирик сув ҳўжалиги объектлари автоматлаштирилди.

Австралиянинг “Rubicon Water” компанияси технологиялари асосида Қашқадарё вилоятида **4** та сув олиш нуқтасида сув ресурсларини бошқариш жараёнлари автоматлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда **12** та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги Мелиоратив экспедициялар ходимлари учун Мелиоратив ахборот тизими (МАТ) дастурини ўргатиш ва тажриба алмашиш бўйича ўқув-тренинглар ташкил этилди.

Сув ҳўжалиги ходимлари, СИУ ва сув истеъмолчилари ўртасида қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи технологияларни жорий этиш масалаларини кенг тарғиб қилиш мақсадида **2000** дон қўлланма ва брошюралар чоп этилиб, сув ҳўжалиги тизим ташкилотлари ходимларига тарқатилди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Муҳими, 2021 йил учун белгиланган режаларимиз тўлиқ бажарилди.

Савол: “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, II босқич” билан ҳамкорликда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Жавоб: Лойиҳа билан ҳамкорликда 2021 йил 24 июнь - 9 июль кунлари Сув ҳўжалиги вазирлиги тизими ташкилотлари ва Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази ходимлари учун “Давлат-хусусий шериклик аспекти” мавзусида ўқув-тренинг ташкил этилди.

2021 йил 26 май куни “Ўзбекистон сув секторини гендер жиҳатдан баҳолаш масалалари” бўйича онлайн давра суҳбати, 8-12 ноябрь кунлари “Ўзбекистонда гендер тенглиги ва сув ресурсларини бошқаришда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” бўйича онлайн ўқув-тренинглар ўтказилди.

Декабрь ойида “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторинг қилиш” ахборот тизими яратилиб, синов тариқасида ишга туширилди.

“Сув ҳўжалиги миллий ахборот-бошқарув тизими” концепцияси ишлаб чиқилди, эндиликда сув ҳўжалиги соҳасига оид дастурий таъминотларни интеграциялаш имконини берувчи электрон платформа тизими яратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардим, лойиҳанинг II босқичи доирасида Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги барча туман ирригация бўлимлари компьютер, принтер, сув ҳисоблагичлари, офис мебеллари ва махсус жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳукумати ушбу лойиҳани амалга ошириш учун барча **156** ирригация бўлимлари биносини реконструкция қилиш учун молиявий маблағлар ажратган.

Савол: Мазкур лойиҳа билан ҳамкорлик бўйича 2022 йилдаги режалар?

Жавоб: Қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш масалаларини сув истеъмолчилари (агрокластер, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва бошқа истеъмолчилар)га кенг тарғиб қилиш мақсадида “Фермерлар мактаби” бўйича олиб борилаётган ўқув курслари давом эттирилади.

Ўзбекистонда гендер тенглиги ва сув ресурсларини бошқаришда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича янги ўқув-тренинглар ташкил этилади. Шу орқали сув ҳўжалиги соҳасида фаолият юритаётган аёл ва эркак ходимларнинг гендер тенглиги бўйича ҳуқуқий саводхонлиги оширилади.

Сув ҳўжалиги соҳасини рақамлаштириш бўйича ишлар ҳам доимий эътиборимизда бўлади.

Савол: Соҳани рақамлаштириш ва автоматлаштириш бўйича яқин истиқболда қандай ўзгаришлар бўлади?

Жавоб: **20** та йирик сув ҳўжалиги объектларининг бошқарув жараёнлари автоматлаштирилиб, соҳага “Rubicon Water” компанияси (Австралия) технологиялари кенг жорий этилади. Жумладан, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Миришкор ҳамда Қамаш каналларини бошқариш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилади.

Бундан ташқари, истиқболда **100** та йирик сув ҳўжалиги объектларини бошқариш жараёнлари автоматлаштирилиб, бунга Фарғона водийсидаги умумий узунлиги **134,8 км** бўлган Шимолий Фарғона магистрал канали ва **119,3 км** бўлган Жанубий Фарғона магистрал канали ҳам қиради.

2021-2023 йилларда **18 576** та сув ҳўжалиги объектида “Ақлли сув” тизими, **27 270** та мелиоратив кузатув қудуғида сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашганлик даражасини онлайн кузатиш имконини берувчи қурилмалар, **1 687** та насос станцияларида электр энергия ва сув сарфини онлайн ҳисоблаш имконини берувчи қурилмалари ўрнатилади.

М.МУҲАММЕДОВА суҳбатлашди.

ГИДРОМЕТРИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби мудом ошиб бориши туфайли сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу туфайли сув ресурсларини самарали бошқариш, аниқ ҳисоб-китобини юритиш ва истеъмолчилар ўртасида адолатли тақсимланишини йўлга қўйиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.



жойлашган 93 та сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш

воситалари билан жиҳозланди. Шунингдек, ирригация тармоқларидаги 21 минг 760 та гидростларда жорий ва капитал таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. 14 минг 465 та гидростларнинг метрологик ҳужжатлари намунавий шаклда расмийлаштирилди. Гидрометр ходимлар томонидан белгиланган режага асосан 14,9 млн марта назорат-кузатув ва 446,6 минг марта назорат-ўлчов ишлари амалга оширилиб, белгиланган тартибда гидростларнинг сув сарфи жадвалларига тузатишлар киритиб борилди.

2021 йилда тизим ташкилотлари томонидан 596 та сув ўлчаш воситалари тарировка ва қиёслаш кўригидан ўтказилди ҳамда 52 та янги сув ўлчаш воситаси, 138 та гидрометрик штанга ва 5029 та сув ўлчаш рейкалари харид қилинди.



Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳўзуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти томонидан сув ўлчаш воситаларини тарировка ва қиёслаш кўригидан ўтказиш имконини берувчи махсус лаборатория ишга ту-

ширилди. Шунингдек, институт билан ҳамкорликда махсус кўргазмали гидрометрия полигони қуриб фойдаланишга топширилди.

Сувнинг ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш ва гидрометрия хизматини янада яхшилаш бўйича гидрометр ходимлар учун ўқув-амалий семинарлар ташкил қилиб борилмоқда. Жумладан, ўтган йили ҳар бир вилоятнинг намунавий туманларида "Гидрометрия хизматини тартибга солиш ва сувнинг ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш" мавзусида 2 кунлик ўқув-амалий семинарлар ташкил этилди.

Жорий йилда ҳам сувнинг ҳисоб-китобини аниқ юритиш ва гидрометрия хизматини янада яхшилаш мақсадида 22 минг 491 та гидростларда таъмирлаш ишлари, 573,3 минг марта назорат-ўлчов ишлари олиб бориш режалаштирилган. Бундан ташқари, тасдиқланган режага асосан 2 минг 343 та гидростларнинг паспорти ва 9 минг 35 та гидростларнинг аттестация ҳужжатлари янгиланади. Тизим ташкилотлар томонидан 729 та сув ўлчаш воситалари (вертушка) тарировка ва қиёслаш кўригидан ўтказилади ҳамда 117 та янги сув ўлчаш воситалари, 5 минг 891 та сув ўлчаш рейкалари ва 211 та гидрометрик штангалар сотиб олиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, соҳада фаолият юритаётган гидрометр ходимларнинг малакасини ошириш бўйича тадбирлар ҳам давом эттирилади.

Жаҳонгир АХРОНҚУЛОВ,
Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳўзуридаги
Марказий диспетчерлик,
коммуникация ва кадастр
хизмати сектор бошлиғи.



ВЕТЕРИНАРИЯ СЕРВИС ХИЗМАТИДА “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Сўнгги маълумотларга кўра, республикамизга чегарадош ва савдо алоқалари ўрнатилган Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Афғонистон давлатларида куйдирги, оқсил, парранда гриппи касалликлари қайд этилган.

Хўш, айна пайтда дунёда ва юртимизда эпизоотик вазият қандай?! Мамлакатимизда бу борадаги барқарорликни таъминлаш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримиз шу каби саволларга жавоб олиш учун Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шўхрат Жабборовга мурожаат қилди.

– **Дастлаб, дунёдаги эпизоотик вазият хусусида маълумот берсангиз...**

– Халқаро ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилотининг маълумотида кўра, 2022 йилнинг ўтган даврда дунёнинг 27 та давлатида 140 ҳолатда оқсил, чўчка ўлати, юқори патогенли парранда гриппи, нодуляр дерматит ва бошқа тур касалликлар келиб чиқиши оқибатида кўплаб ҳайвон ва паррандаларнинг nobуд бўлиши кузатилган. Шунингдек, дунёнинг 3 та давлатида турли ҳайвонларда COVID-19 нинг қўзғатувчилари кузатилган.

– **Мамлакатимизда-чи, ўзимизда эпизоотик вазият барқарор деб айта оламизми?..**

– Хабарингиз бор, “Ветеринария тўғрисида”ги қонунга кўра, республика ҳудудини ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларидан ҳимоя қилиш, ветеринария осойишталигини таъминлаш ва истеъмол учун сифатли чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифаси ҳисобланади. Қўмита томонидан жорий йилда ҳудудларда ҳайвон касалликлари бўйича барқарор эпизоотик вазиятни таъминлаш ва сифатли ветеринария сервис хизмати кўрсатиш орқали маҳалла фаровонлигини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бунда биринчи навбатда ҳудудларда ҳайвонлар орасида касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини бўйича “Зарбдор 90 кунлик” баҳорги профилактик тадбирларни ўтказиш ойлиги белгиланган. Тадбирни сифатли ва самарали ўтказиш учун жами 1200 та ишчи гуруҳ ташкил этилиб, унга 5 мингга яқин раҳбар, ходимлар, соҳа мутахассислари ва масъуллар бириктирилди. Ҳайвон касалликларига қарши

ўтказиладиган профилактик тадбирлар “маҳаллабай” ва “хонадонбай” усулда амалга оширилишига келишилди.

– **Ветеринария сервис хизматида “маҳаллабай” ишлаш тизимини батафсилроқ тушунтириб берсангиз...**

– Тўғри таъкидладингиз. Шу ўринда илгариги иш тизимимиз хусусида икки оғиз тушунча бериб ўтсам. Авваллари баҳорги-кузги профилактик тадбирларни ўтказишда ҳар бир ветеринария участкасида фаолият юритаётган ветеринария врачлари ва унинг ёрдамчилари ўзига бириктирилган ҳудудда чорва моллари ва уй ҳайвонларини барча юқумли касалликларга қарши эмлар эди. Эндиликда “Зарбдор 90 кунлик” ойлиги давомида тумандаги барча ветеринария врачларидан иборат штаб ташкил қилиниб, мазкур штабга бириктирилган мутахассислар маҳаллама-маҳалла юриб, ҳар бир хонадондаги чорва моллари ва уй ҳайвонларини гуруҳ усулида эмлашни ташкил этиши белгиланди. Шу билан бирга, ҳудудларда ижтимоий ёрдамга муҳтож “Темир дафтар” ҳамда “Ешлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” га киритилган фуқароларнинг алоҳида рўйхати олиниб, уларга тегишли ҳайвонларга доимий ветеринария хизмати кўрсатиш назоратга олинди.

Шунингдек, маҳалларда ветеринария сервис хизмати кўрсатиш учун ҳудудий давлат ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Марказ мутахассисларига аҳоли ва бошқа хўжаликларда парвариш қилинаётган чорва моллари ва уй ҳайвонларини доимий равишда клиник кўрикдан ўтказиш, даволаш профилактика ишлари ва сунъий уруғлантириш ишларини олиб бориши тайинланди.

– **Кези келганда айтингчи, бизда юқори даражадаги ветеринария сервис хизмати кўрсатиш учун соҳада моддий-техника база етарлими?**

– Албатта, йилдан-йилга ветеринария сервис хизмати кўрсатиш борасидаги моддий-техника база яхшиланиб бормоқда. Дейлик, беш-олти йил аввал ветеринария врачлари учун зарур бўлган жиҳоз – термосумка топиш амримаҳол эди.

Кейинги пайтларда ветеринария тармоғида олиб борилган ислохотлар

самараси ўлароқ соҳада жиддий ўзгаришлар юз берди.

Халқаро молия институтларининг гранд маблағлари ҳисобига замонавий ускуналар билан жиҳозланган 6 донга кўчма лаборатория, 42 донга махсус (совутгичли, дезинфекцияловчи ва зарарсизлантирувчи мосламали) автотранспорт ҳамда ветеринария участкалари 20 донга контейнер билан таъминланди. Асосий юклар ҳаракатланувчи 8 та чегара божхона ўтказиш пунктларида замонавий дезинфекция йўлакларини қурилди. Андижон ва Фарғона вилоятларида 1 дондан замонавий ветеринария клиникалари ташкил этилди.

Ҳайвонлар миграцияси, профилактик тадбирлар ва эпизоотик вазиятларни кузатиб боришнинг рақамлаштирилган “REGISTON 2021” электрон дастури ишга туширилди. Эмланган паррандаларнинг иммунитет фаоллигини ҳамда касалликларини тезкор усулда ташхис қўйиш бўйича “Парранда касалликларини ташхислаш” ҳамда “Чорва моллари, паррандалар ва балиқлар озукаси таркибини таҳлил қилиш” лабораториялари ташкил қилинди.

– **Йил давомида барқарор эпизоотик вазиятни “ушлаб туриш” учун қўмита томонидан қандай ишлар амалга оширилипти?**

– Йил давомида 37 млн. бош чорва молларини 11 турдаги, 93 млн. бошга яқин паррандани 4 турдаги касалликка қарши эмлаш, диагностика текшириш ва ишлов бериш профилактик тадбирлари олиб борилади. Манфаатдор вазирлик идоралар билан ҳамкорликда ҳайвон ва одам учун умумий бўлган касалликларнинг олдини олиш ва оғоҳ бўлиш ҳамда чорва ҳайвонларини ўз вақтида касалликларга қарши эмлатиш борасида кенг қўламли тушунтириш ва ташвиқот ишлари олиб борилади.

Шу билан бирга, аҳоли истеъмоли учун етиштирилаётган маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлашда деҳқон бозорлари ва савдо расталарига келтирилган маҳсулотларнинг сифатини текширишда самарадорликни ошириш мақсадида ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари замонавий тезкор усулда текширадиган жиҳозлар билан таъминланади.

Ўз мухбиримиз.



ФЕРМЕР АЁЛЛАР ЎҚУВИ

2022 йил 29 январь Андижонда Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот ташкилотлари уюشمаси (CACAARI) Тошкент Давлат аграр университети, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка эгалари Кенгаши билан биргаликда Андижон вилояти фермер аёллари учун бир кунлик тренинг ўтказилди.

Ўқув-семинардан кўзланган мақсад: фермер аёлларнинг қишлоқ хўжалиги ва агрофирма амалиёти бўйича билим ва кўникмаларини оширишдан иборат.



Лойиҳа доирасида фермер аёлларни тайёрлаш, инновациялар ва ўқув модуллари каталогини нашр этиш, қишлоқ хўжалигидаги инновацион ишланмалар бўйича маълумотлар базасини яратиш билан бирга илмий-маърифий ўқув ва намоиш лабораториялари билан таништирилади.

Пахтачилик, ғаллачилик, мевачилик, сабзавотчилик, қовунчилик ҳамда чорвачиликда инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича билимларнинг етарли эмаслиги, ресурсларни тежайдиган технологиялар ва асбоб-ускуналардан хабардорликнинг камлиги, бизнесни жорий этишда хорижий ва маҳаллий илғор тажрибалардан фойдаланиш ушбу дастур учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дастурнинг мақсади фермер аёллар учун қишлоқ хўжалиги ва агробизнес амалиётида

Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот ташкилотлари ассоциацияси (АСНИОКАК) котибияти Экстеншн маркази билан биргаликда «фермер аёлларнинг қишлоқ хўжалиги ва агробизнес амалиётида билим ва кўникмаларини ошириш» лойиҳасининг учинчи босқичини амалга оширишга киришмоқда, шунингдек, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасининг кичик грантлар дастури доирасида Марказий Осиё мамлакатлари университет марказларининг минтақавий тармоқларида тажриба алмашиш бўйича ҳам ҳамкорлик давом эттирилади.



ўқув семинарлари ўтказиш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида билимларни тарқатиш учун университет марказларининг минтақавий тармоқлари бўйича тажриба алмашишдан иборат.

«Фермер аёлларнинг қишлоқ хўжалиги ва агробизнес амалиётида билим ва кўникмаларини ошириш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида билимларини тарқатиш бўйича университет марказларининг минтақавий тармоқлари бўйича тажриба алмашиш» дастурининг бажарилиши ҳақида батафсил маълумотни расмий веб-сайтларда топишингиз мумкин: www.cacaari.org; www.agrowebcee.net/awuz и www.agriculture.uz



ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ – ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

Кейинги йилларда ҳудудларда фермерларнинг фаолият юритишида хизмат турлари таъминотининг кенг қамровли самарали тизими яратиб берилаётгани уларнинг ердан янада юқори гаромга олишларига муҳим манба бўлмоқда.

Янги технологияларнинг жорий этилиши, хусусан, экинларни суғоришда томчилатиб суғориш тизимининг йўлга қўйилаётгани сувни тежаш баробарида ҳосилдорликни оширмоқда. Айниқса, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда бу усул жуда қўл келмоқда.

Бу борада Қашқадарё вилоятида 2021 йилда 400 дан ортиқ фермер ва кластер ташкилотларининг жами 10 минг гектардан ортиқ пахта майдонларида ушбу тизим жорий этилди ва бугун вилоятдаги кўплаб, деҳқон ва фермерлар томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини англаб етгани боис бу усул тобора оммалашмоқда. Вилоятнинг Қарши туманида ҳам 2022 йилда 163 та фермер хўжаликлари аъзолари 2 минг 670 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш тизимини жорий этишга бел боғлашган.

– Айтиш жоиз, бу технологиянинг устувор жиҳати кўп экан, аввало намнинг сақланиш даражаси меъёрида бўлиб, жўяқда бегона ўтлар бўлмас экан. Мавсум давомида экинга барча минерал ўғитлар сув билан берилиши, техника харажатларини қисқартиради. Сув сарфи ўртача 40 фоизга камайиб, шу билан унумдорлик ошиб, ҳосил анча эрта етилади. Бугун туманимиз

деҳқон ва фермерлари ҳам томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини аллақачон англаб етган. Шу боис, бу усул тобора оммалашиб, нафақат пахта далалари, иссиқхоналар, сабзавотчилик ва полизчилик тармоқларида ҳам кенг жорий этилмоқда. Пировардида, табиий ва моддий ресурслар тежалиши билан бирга, ҳосилдорлик ҳам муттасил ошиб бораётир, – дейди Қарши тумани ирригация бўлими бошлиғи Зокир Ҳамроев.

Албатта, бугунги кунга келиб, воҳада пахта майдонларида сув тежовчи лойиҳаларни кенг оммалаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бошланган. Бу бежизга эмас. Ҳисобкитобларга кўра, томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатилган далаларда ариқлар олинмаслиги туфайли кўплаб майдонлардаги ғўза нобуд бўлишидан сақлаб қолинади. Бундан ташқари, томчилатиб суғоришда ҳам, эгилувчан қурурлардан фойдаланилганда ҳам сув исроф бўлмасдан, ниҳолнинг илди-зига тўғри етиб боради. Натижада, сув тақчил бўлган йилда ҳам ғўза яхши ривожланади. Бу эса деҳқончиликдаги муаммолар бартараф этилиб, харажатни камайтиради, даромад ошишига олиб келади.

Ўз мухбиримиз.

ШҶР ЮВИШ – МУҲИМ АГРОМЕЛИОРАТИВ ТАДБИР

Манбаларда келтирилишича, республикаимизда суғориладиган ерларнинг 65-70 фоизи табиий шўрланишга мойил ерлар ҳисобланади. Чунки бундай ерларда минераллашган сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашгани уларнинг доимий бўғланишига ва тузларнинг ер юзасига чиқиб, сақланиб қолишига олиб келади. Шунинг учун ҳар йили шўрланган ерларнинг тузини ювиш муҳим агромелиоратив тадбир ҳисобланади. Шўр ювишдан асосий мақсад, қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши учун зарарли бўлган ортиқча тузларни тупроқдан ювиш ва сизот сувларининг минераллашганлигини камайтиришдан иборатдир.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, Навоий вилояти бўйича шўр ювиладиган жами майдон 13 минг 100 гектардан иборат бўлиб, бунинг 5 минг 800 гектари Қизилтепа тумани, 4 минг 300 гектари Навбаҳор, 1 минг 700 гектари Кармана, 1 минг 300 гектари Хатирчи туманларига тўғри келади. Вилоят бўйича 1 минг 014 гектар ер майдони кучли шўрланган бўлса, 3 минг 612 гектар ўрта, 8 минг 474 гектар кучсиз шўрланган майдонлар сирасига киради. Ана шу мақсадда вилоят ҳудуди бўйлаб ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва мазкур агромелиоратив тадбирни сифатли ўтказиш мақсадида жойларда фермерлар иштирокида кўргазмали семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Шундай семинарлардан бири Хатирчи

туманидаги “Соҳибжон Рустам бобо” фермер хўжалиги майдонида бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш Инспекциясининг Хатирчи туман бўлими ходимлари, туман ҳокимлигининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўлими вакиллари ва бошқа дахлдор ташкилотлар масъуллари ҳамда фермерлар иштирок этишди. Тарғибот тадбирида туманда шўр ювиш ишларини сифатли ташкил этиш хусусида сўз борди. Жумладан, шўр ювиладиган ерлар 35-40 сантиметр чуқурликда шудгор қилиб молаланади. Узун елканли текислагич билан икки йўналишда қиялик фарқи 5 сантиметр қилиб текисланади. Чунки нотекис ерларда тупроқни бир хилда сув бостириб,

тузлардан тозалаб бўлмайди. Бунда сувдан тежамли фойдаланиш имконияти ҳам йўқолади. Шўрланган ерлар асосан бостириб суғорилади. Шўр ювишда участка ўқариқлари ва челлар олиниб, бўлақларга бўлинади, полларнинг катта-кичиклиги даланинг нишабблери ва текислаш сифатига қараб белгиланади. Шунингдек, тадбирда шўр ювишни аввал кучли шўрланган майдонлардан бошлаш кераклиги, бу тадбир кечаю кундуз давом этиши сабаб фермер хўжалиги сувчилари резина этиклар, махсус хона ва тошфонарлар билан таъминланган бўлиши зарурлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Айтиш жоизки, шўр ювиш муддати кечиктирилса, яъни баҳорда ўтказилса, ерости сизот сувлари анча кўтарилиб, ювилган тузлар чуқурроққа тушмайди. Натижада, ернинг яна қайта шўрланишига шароит яратилади. Шу боис, Инспекция вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан шўр ювиш тадбирларининг ўз вақтида ҳамда сифатли ўтказилиши юзасидан назорат тадбирлари олиб боришмоқда.

“Ўзгироинспекция” Навоий вилоят бошқармаси Матбуот хизмати.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС ХУРСАНДБЕК

Меҳнат инсонни улуғлайди.
Бугун юртимизда ҳар бир кунини
халқ хизматиға, хайрли ишларға
бағишлаган элдошларимиз кўп.
Улардан бири Хурсандбек Аллаёров.

Хоразм вилоятининг Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида зиёли оилада туғилиб, камол топган Хурсандбек мактаб таҳсилдан кейин ўз қизиқиши бўйича таълим олди. 2010 йилда Тошкент Давлат аграр университетининг Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультетини тугатиб, инженер-механик ихтисосига эга бўлди. Дастлабки иш фаолиятини “Боғот агросаноат касб-хунар коллежи”да усталикдан бошлади. Бўлим бошлиғи, ўқитувчи, директор ўринбосари каби поғоналарни бирма-бир босиб, тарбия масканида обрў-эътибор топди.

Қишлоқда ўсган йигитни ҳамиша кенгликлар ўзига тортарди. У далага интилар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқур ўрганар эди. 2016-2019 йилларда отаси раҳбарлик қилаётган “Аҳмаджон Аллаёров” фермер хўжалигида иш бошқарувчи бўлди. Бу ерда ишлаш унинг қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиқишини янада оширди.

2019 йилдан Хурсандбек Аллаёров янги ташкил қилинган “Боғот элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖга раҳбарлик қила бошлади. Қаерда бўлмасин, ўзига юклатилган топшириқ ва вазифаларни вақтида бажаришга интилди. Шу фазилатлари билан касбдошлари орасида ўз ўрнини топди.

2019 йилнинг февраль ойида мамлакатимизда 53 та элита уруғчилик хўжаликлари ташкил этилиб, уларга 5 минг 116 гектар сувли ер майдонлари ажратиб берилди. Бу ер майдонларининг 1 минг 23 гектарида, яъни 20 фоизда сабзавот, полиз, картошка, маккажўхори ва бошқа экинларнинг юқори авлодли уруғликларини етказиш режа қилинди.

“Боғот элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ тасарруфига 91,8 гектар ер майдони ажратилди. 2021 йилда бу ер майдонларининг 40 гектарига ғалла, 40 гектарига пахта, 11,8 гектарига бошқа экинлар экилди. Ғалла изидан экилган шולי 10 гектарга, асосий уруғлик шולי 5,8 гектар ер майдонига қадалди. Шунингдек, такрорий экилган кунгабоқар, маккажўхори, қовун каби маҳсулотлар ҳам етиштириб олинди.

Пандемия шароитида бўлса-да матонат билан меҳнат қилган хўжалик аҳли



учун 2021 йил омадли келди. Ўтган йилнинг 2 феввалида Президентимиз томонидан “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Маълумки, Хоразм гуручлари тўйимлилиги ва ширин таъми билан юртимиз бозорларида етакчи маҳсулот ҳисобланади. Шунинг учун гуруч етиштиришнинг барча қийинчиликлари ва машаққатларидан чўчимаган деҳқонлар жадал ишга киришиб, яхшигина натижаларга эришдилар.

МЧЖ тармоғида 13 нафар асосий ишчи-ходим меҳнат қилади. Мавсумда 40-50 нафардан зиёд қўшимча ишчи кучи жалб қилинади.

— Биз тўрт оға-ини бирлашиб иш олиб борамиз. Укам Умиджон муҳандис, Сардор механизатор, Сарвар ҳосилот, — дейди Хурсандбек Аллаёров. — Эрталаб келишиб ишларни тақсимлаб оламиз. Жамоамиз аҳил, ҳосилотларимиз Ғулом Исмоилов, Умиджон Аллаёров уруғликлар парваришига, сақланишига бирдай эътиборли. Далаларга қишинёзин сув тараш ишларига Қаҳрамон Латипов етакчилик қилади. Механизатор Умрбек Худойбергенов ҳам топширилган вазифани бекаму кўст бажаради.

Хурсандбек Аллаёровнинг туман халқи олдига ҳам қиладиган ишлари, мажбуриятлари талайгина. Миллий тикланиш партияси халқ депутатлари Боғот туман кенгаши депутати сифатида иш олиб бораркан, фидойилик ва ташаббускорлики давр талаби деб билди. Жойлардаги муаммоларни ўрганиб, халқнинг яхши ҳаёт кечириши, муносиб турмуш шароитларини яратиш, муҳтож оилалар аҳволидан ҳабардор бўлиш, моддий ва амалий ёрдам кўрсатишга интилади. Шунингдек, туман ва қишлоқ ин-

фратузилмасини яхшилаш, ички йўллар созлигини таъминлаш юзасидан тушган мурожаатлар йўналишида чора-тадбирлар белгилаш, ёрдам кўрсатиш ҳам унинг муҳим вазифалари қаторига киради.

Ўтган йили МЧЖнинг йиллик умумий даромади 2 млрд. 261 млн. сўмни, шундан соф фойда 430 млн. сўмни ташкил қилди.

— Интилганга толе ёр! Аста-секин ҳаракат қиляпмиз. Аввало, олинган фойда эвазига “МТЗ-80” ҳайдов трактори сотиб олишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди Хурсандбекка икки томчи сувдай ўхшайдиган акаси Сарварбек Аллаёров. — Элита хўжалигимиз учун зарур бўлган замонавий технология асосида аниқлик ва сифатни белгилловчи лаборатория жиҳозларини сотиб олишимиз керак...

Албатта, элита уруғчилик навлари етиштириш билан шуғулланадиган бу каби даргоҳларда замонавий лабораториялар бўлиши шарт. Шундагина ўзида етиштирилаётган хомашё навини аниқлашда қийинчиликларга дуч келмайди. Тайёр маҳсулотни барча кўрсаткичларини кўрсатган ҳолда белгиланган манзилга етказиб бериш имкониятига эга бўлади. Бу эса маҳсулотга бўлган ишончни оширади.

Хайрлашиш чоғида хўжалик аъзоларига ҳар йилнинг қутлуғ, омадли келишини, ўзлари доимо соғ ва омон бўлишини тиладик. Зеро, меҳнат қилган инсон ниятига етиб, фаровон ва тўкин яшашига ҳақлидир.

Сурамда: (чапдан) “Гурлан тумани элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ раҳбари Мирзо Болтаев ва Хурсандбек Аллаёров.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

КЎПТАРМОҚЛИЛИК – ДАРОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



Ўтган йили истиқлолимизнинг 30 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги ходимлари орденом ва медаллар билан тақдирланди. Уларнинг орасида Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги “Ўрмонобод” кўптармоқли фермер хўжалиги раҳбари Муроджон ака Отажонов ҳам бор. У “Шуҳрат” медали билан мукофотланди. Биз Муроджон ака билан учрашиб, муваффақиятлари сирлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Муроджон ака, ўзингиз ва фермер хўжалигининг тарихи ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Мен Тошкент Аграр университети Фарғона филиалининг иқтисод факультетини тамомладим. Илк иш фаолиятимни 1982 йилда “Ғаниобод” ширкат хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаганман. 1995 йили илк қалдирғоч хўжалик сифатида 6 гектар экин майдони билан “Ўрмонобод” фермер хўжалигини ташкил этдим.

Ўша пайтларда фермер хўжаликлари ўзига яраша қийинчиликларни бошидан кечирган эди. Хўжалик ташкил қилганмиз, аммо бирорта қишлоқ хўжалик техникамиз йўқ. Асосан, ширкат хўжалиги техникаларидан фойдаланардик. Техника учун навбат кутишлар, ёқилғи, кимёвий ўғитларнинг етишмаслиги натижасида экин майдонларимизга ўз вақтида агротехник ишлов бериш ишларида қийналардик. Тўрт нафар доимий ишчимиз билан кун-тун тинимсиз меҳнатларимиз ўз самарасини берди. Эгасизлик натижасида чарчаган ва унумдорлигини йўқотиш арафасига келган экин майдонларимиз ўз ҳолатини тиклаб, аста-секин мўл ҳосил бера бошлади.

Кўпгина фермер хўжалиги раҳбарлари ислохотларни биринчилардан бўлиб амалга оширишдан чўчишади. Бу, гўёки, уларнинг наздида амалга ошириш қийин бўлган ҳолат сифатида қабул қилинади.

2015 йилларга келиб давлатимиз томонидан кўптармоқлилик тарғиб қилина бошлади. Мен бу ҳолатни хўжалигимиз учун кенг имконият сифатида қабул қилдим. Тўғри-да, давлат имтиёзли кредит, ер, ишлаш учун шароит яратиб берса, яна нима керак?! Ўша йили 10 бош ҳисори қўй харид қилиб, хўжалик таркибига чорвачилик йўналишини бошладим. Қисқа вақт орасида қўйларимиз бош сонини 500 бошга етказдик. 2017 йилда 10 бош гольштин насли қорамолни харид қилдик. Зооветеринаримиз Зоҳиржон Отажонов билан биргаликда амалга оширган саъй-ҳаракатларимиз натижасида айни кунларда қорамолларимиз сони 150 бошга етди. Туман ҳокимлигига раҳмат, молхона, қўйхона ва чорва озуқасини сақлаш учун 1,5 гектар ер, чорва озуқа етиштириш учун 28 гектар экин майдони ажратиб берди.

— “Интиланга толе ёр” дейишади. Албатта, ушбу амалга оширилган тадбирлар натижасида шунга яраша даромад ҳам бўлса керак?

— Ҳозир чорвачилик бўлишимизда қишлоғимизнинг 10 нафар ёши фаолият юритади. Кунига 900 литр сут соғиб олиб, ички бозорга ва мактабгача таълим муассасаларига етказиб берамиз. Орттирган даромадларимиз ҳисобидан 70 нафар ишчимизга 2,5-3 млн. сўмдан маош тарқатамиз. Дала шийпонимизда 2 маҳал иссиқ овқат тайёрлаймиз.

— Деҳқончилик билан чорвачилик алоҳида-алоҳида соҳа бўлиши билан бирга, бу касбларнинг ўзига хос сирасорлари ҳам бор. Икки соҳани бир маромда ривожлантириш қийинчилик туғдирмайдими?

— Зооветеринаримиз билан чорвачиликни бошқарсак, деҳқончиликда ўғлим Файзулла Отажонов билан бамаслаҳат иш олиб борамиз. Турмуш ўртоғим Саддихон Отажонова ва 5 нафар фарзандларим ҳам ўз кўмаklarини аяшмайди. Ўтган 2021 йил 40 гектар ерга ғалланинг “Краснодар” ва “Память” навларини экиб, ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил кўтарган бўлсак, 40 гектар экин майдонига экилган пахтамыздан 42 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Албатта, бундай натижага эришишимизда механизаторларимиз Султонбой Мадумаров, Абдуворис Давронов ва сувчиларимиз Абдулазиз Дадажонов, Дилмурод Муродовларнинг ҳиссалари катта.

— Давлатимиз раҳбари бир маърузаларида “Юртда бой тадбиркорлар кўпайса, халқнинг турмуш тарзида жуда катта ижобий ўзгаришлар бўлади” деган эдилар.

— Ҳақ гап, жорий йил қишлоғимиз “Обод қишлоқ” дастурига киритилди. Албатта, бизнинг хўжалигимиз ҳам бу дастурга имконимиз борича ёрдам берди. Натижада, қишлоғимиз марказида мўъжазгина икки қаватли маҳалла комплексини бунёд этилди. Унинг биринчи қаватида маҳалла фуқаролар йиғини, участка нозири хонаси, гўшт ва озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, дорихона жойлашган бўлса, иккинчи қаватида Наргиза Отажонова бошчилигидаги тикув цехи жойлашган. Биргина шу бинонинг ўзида 30 нафарга яқин қишлоқ ёши доимий иш билан таъминланди. Бу эса, ўз навбатида, 30 дан зиёд оиланинг турмуш тарзи яхшиланганидан дарак беради.



Муроджон ака биз билан хайрлашар экан, “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали жамоасининг сеvimли журналларидан бири эканлигини таъкидлаб, таҳририят ходимларининг ижодларига барака тилади.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратларда: “Ўрмонобод” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Муроджон Отажонов.

Тикув цехи бошқарувчиси Наргиза Отажонова иш устида.

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК ДАВР ТАЛАБИ



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим ва устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Бугунги кунга келиб, ҳар бир идора ва ташкилотнинг эшиги одамлар учун очиқ, барча бўғиндаги амалдор ва мулозимларнинг фуқаролар билан очиқ мулоқотга қиршиши одат тусига кирди.

Кадастр агентлиги ҳамда Давлат кадастрлари палатаси Жиззах вилояти бошқармалари фаолиятида ҳам ана шундай ҳолат ҳукмрон. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг янада самарали бўлишини таъминлаш мана шу идоралар қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик кенгаши зиммасига юкланган. Таъкидлаш жоизки, ушбу кенгашнинг ўзи ҳам очиқ ва ошкора танлов асосида ташкил этилди. Унинг таркибида малякали, билимдон, асосийси, одамлар билан ишлай билиш лаёқатига эга мутахассислар бўлишига эътибор қаратилди. Мақсад - кадастр тизими вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳолининг соҳа фаолиятига бўлган ишончини орттириш, унинг ҳақидаги исталган маълумотларни олиши учун имконият яратишдан иборат бўлди.

Шу ўринда Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатаси Жиззах вилояти бошқармаларининг фаолияти ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда ҳам ўз аксини топаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Топонлар ҳамкорлигини таъминлаш ва ўзаро алоқа боғлаб туришлари учун “JIZZAX KADASTR” телеграм канали ҳамда “@Jizzaxkadastr_bot” ишлаб турибди. Фейсбук, Инстаграмдаги саҳифаларимизда вилоят бошқармалари фаолияти, соҳадаги янгилик ва ўзгаришлар кенг ёритиб бориляпти. Энг муҳими, улар орқали исталган шахс тизим фаолиятида кўзга ташланаётган ҳар қандай муаммо ёки коррупцион ҳолатлар ҳақида хабар бериши мумкин.

Келтирилган мулоҳазаларга ҳамоҳанг тарзда Жиззах вилояти кадастрчиларининг ортда қолган 2021 йилда амалга оширган ишлари ҳақида қисқача маълумот бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 7 сентябрда эълон қилинган «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу санадаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

қарори Жиззах вилояти кадастр тизими вакиллари фаолиятида дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Бу сўзлар тасдиғини биргина 2021 йилнинг ўзида ер ва кадастр назорати борасида тизимли равишда амалга ошириб борилган мониторинг ишлари натижаларида ҳам кўришимиз мумкин.

Жумладан, ушбу хизматларнинг туман (шаҳар) бўлимлари саъй-ҳаракати билан вилоят бўйича жами 179,9 гектар майдонда 814 та ноқонуний ҳаракатлар амалга оширилгани аниқланди. Масалан, 500 дан зиёд ҳолатда ёки умумий 36,8 гектарда ўзбошимчилик билан уй-жой ва нотура-жой бинолари қуриб олингани маълум бўлди. Шунингдек, рухсат олмасдан туриб кўп йиллик дарахтзорлар барпо этилиши, балиқчилик учун ҳавза барпо этиш, ер майдонларидан бошқа турли ноқонуний мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари кўзга ташланди.

Аниқланган ушбу ҳолатларнинг барчаси бўйича юридик ва жисмоний шахсларга ноқонуний эгаллаб олинган ерларни қайтариш ва қурилмаларни бартараф этиш бўйича огоҳлантириш хатлари чиқарилди. 86,2 гектар майдондаги 267 та ноқонуний ҳолат қонуний ечим топди. Бартараф этилиши кечикаётган ҳолатлар борасида эса, маҳаллий ҳокимликлар ва ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдимномалар киритилди.

Кадастр хизматлари фаолияти давомида ҳуқуқий ҳужжати бўла туриб, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиб келаётган 950 та жисмоний ва юридик шахслар ҳам борлиги маълум бўлди. Уларга нисбатан 913 миллион 880 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

Сайёра МАВЛОНОВА,
Кадастр агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси
ахборот хизмати бошлиғи.

ВЕТЕРИНАР ВА ЧОРВАДОР ЯҚДИЛЛИГИ



Нурободлик чорвадорлар

Юртимизда аграр соҳани, шу жумладан, чорвачиликни янада ривожлантиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда қабул қилинаётган Дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги хўжалик юритувчи субъектлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилиб, чорвачилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, қуёнчилик, паррандачилик хўжаликлари ташкил қилинмоқда. Албатта, бу борадаги ишлар самарасини оширишда ветеринария хизматининг ўрни катта. Бу борада Самарқанд вилояти Нуробод туманида ҳам қорамол наслини яхшилаш бўйича туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли 13 та ветеринария шохобчаси ҳамда сунъий уруғлантириш пунктларида ветеринария мутахассислари ва техник оссеминаторлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Туманда ўтган 2021 йилда сунъий уруғлантириш режасига асосан 9 минг 400 бош сигир сунъий уруғлантирилган.

– Туманимизда ҳозирги кунда қорамоллар сони 73 минг 948 бошни ташкил этса, 600 мингдан ортиқ майда шохли моллар мавжуд. Бугунги кунда чорва бош сонини кўпайтириш, мавжуд қорамоллар наслини яхшилаш, аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги сигирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган, барча махсус воситалар билан жиҳозланган 13 та участкамиз фаолият олиб бормоқда, – дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи З. Эшмурзаев.

Туманда йилдан-йилга амалга оширилаётган дастурлар ижросига асосан хориждан олиб келинаётган қорамоллар, майда шохли моллар ҳисобига гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришда ҳам ўсиш суръати кузатишмоқда. Бу борада тумандаги “Нуробод олтин чорваси” фермер хўжалиги аъзолари 2020 йил Дастури асосида Венгрия республикасида

160 бош насли қорамол олиб келган бўлса, “Бекзоджон тулпорлари” фермер хўжалиги аъзолари эса 2021 йил Дастури асосида кўшни Қирғизистон республикасида 560 бош насли кўй олиб келди.

– Президентимизнинг 2021 йил 3 мартдаги «Чорвачилик тармоқларини

давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида тақдим этилган имтиёзлар бизни қувонтирди. Ушбу қарорга асосан, чорвачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларида етиштирилган гўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўмдан тўланиши ва бошқа имтиёзлар биз фермерларга катта имкон яратди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Фармон Маллаев.

Дарҳақиқат, туманда аграр соҳанинг етакчи тармоқлари истиқболи учун амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар бозорларда чорва маҳсулотлари бўлган сут, гўшт сероблиги ва арзонлигини таъминлаб, аҳоли дастурхонига файз-барака киритиш билан бирга иқтисодиётнинг янада юксалишига хизмат қилади.



Суратда: Туман ветеринария бўлими бошлиғи З.Эшмурзаев ветеринар Қ.Қурбонов билан.

НАСЛИ ЧОРВА – БАРАКА ОМИЛИ

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадда қабул қилинаётган Дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги хўжалик юритувчи субъектлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари

ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилаётир. Бу борада Қарши туманида 2021 йилда чорвачилик хўжаликларини ташкил қилиш дастури бўйича жами 12 та лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, шу аснода 33 та янги иш ўринлари яратилган ва насли қорамоллар сони 628 тага кўпайган.



Суратда: (чапдан) Қарши туман “Чорванасл” маркази вакили Х.Ровшанов туман ветеринария бўлими бошлиғи А.Эшонкулов билан.

– Туманимизда бугунги кунда аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги сигирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган, барча махсус воситалар билан жиҳозланган 11 та участкамизда 33 нафар ветеринарларимиз фаолият олиб бормоқда. Ўтган 2021 йилда улар томонидан ҳудудларда жами 5 минг 561 та сигирлар сунъий уруғлантирилди. Жорий йил бошидан буён эса 300 бош сигирлар сунъий уруғлантирилди, – дейди туман ветеринария бўлими бошлиғи А. Эшонкулов.

Албатта бу ҳам туманда чорва наслини яхшилабгина қолмай, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайишига хизмат қилади. Тумандаги “Сардор-Ш” фермер хўжалиги аъзолари ҳам 2021 йил Дастури асосида Австрия Давлатидан 30 бош насли қорамоллар олиб келиб, янги иш ўринлари яратиш баробарида, сут маҳсулотлари кўпайишига ўз ҳиссасини қўшди.

Албатта, соҳага қаратилаётган эътибор ва изчил ислохотларнинг амалга ошиши натижасида аҳоли дастурхонига файз бўлувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ортмоқда.

**Саҳифани ўз муҳбириминиз
Шуҳрат НОРМУРОДОВ тайёрлади.**

ЧОРВАЧИЛИКДАГИ МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Хоразмда боқилаётган қорамол ва паррандалар, уй ҳайвонлари айна киш чилласидаги совуқ об-ҳаво шароитида яхши озуқа билан таъминлан-маса, касалликка чалиниши турган гап. Бунини яхши тушунган Азамат Тажиев ўз ишларини режалаштирар экан, ходимларига керакли топшириқларни берди. Кейин кечаги берилган вазифалар натижаси билан қизиқди...

Айни пандемия даври ҳар бир раҳбардан ишга масъулият билан ёндашишни талаб қилади. Ходимларнинг ишга қандай кириб келишидан тортиб соғлиги, фаолиятини у назардан қочирмаслиги керак. Раҳбар ўз ходимларига ҳар кунгидан кўпроқ ишлашни, аниқлик билан ҳаракат қилишни уқтириши лозим. Зеро, бугунги ҳар бир дақиқа ғанимат. Қишловдан соғ-омон олиб чиқилган чорва моллари ва паррандалар, табиийки, йил давомида гўшт мўл бўлишини таъминлайди.



1996 йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатиб, ветеринария врач мутахассислиги бўйича қўлига диплом олган Азамат Тажиев катта умидлар билан Хоразмга қайтди. Ўзи туғилиб ўсган Шовот туманида ветеринария врач бўлиб иш бошлади. Кейинчалик туман ветеринария бўлимининг “Шодлик” участкаси мудир, туман ветеринария бўлимида фелдшер, врач вазифаларида меҳнат қилди. Унинг касб малакаси ошди, соҳанинг кенг қамровли мутахассисига айланди.

2013-2015 йилларда Шовот туман ветеринария бўлими бошлиғи, кейинчалик “Қангли”, “Бўйрачи” бўлимларида мудир вазифаларида иш олиб бораркан, малакаси, тажрибаси ошди. 2019-2020 йилларда Бош Прокуратура ҳузуридаги агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Хоразм вилояти Шовот тумани бўлими катта инспектори, Шовот тумани ветеринария бўлими бошлиғининг ўринбосари вазифасида меҳнат қилиб, соҳанинг мидан сиригача ўрганди.

Бугунги кунда Шовот тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимини бошқариб келмоқда. У қатъияти, ходимларга эътибори, ҳар бир янгиликни ўз вақтида ўрганишга, касбининг нозик томонларини мукамал билиши интилувчи раҳбар сифатида танилган.

Маълумки, жорий йилнинг 17 январидан барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини эмлаш бўйича долзарб 90 кунлик тадбири бошлаб юборилди. Бу ишга Шовот тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимини ходимлари ҳам фаол киришдилар.

— Тадбир доирасида, асосан, қорамоллардаги куйдир-ги, ит ва мушукларда бўладиган қутуриш, йирик шохли қорамоллардаги оқсил, қорасон, нодуляр дерматит каби касалликларнинг олдини олиш мақсадида ёппасига эмлаш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди бўлимнинг ташхис маркази директори Мансур Олланазаров.

Шу кунларда ветеринария бўлимининг 17 та участкасида 38 нафар ходим эмлаш ишлари билан банд. Улар мавжуд 50 та чорва фермер хўжалиги, 30 мингдан зиёд аҳоли хонадонларидаги қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонлари, паррандаларини эмлаб чиқиши лозим. Ҳозиргача “Темирийўлобод” чорвачилик ва паррандачилик комплексидаги 2300 бош қорамол, “Сапар подачи”, “Нормат сувчи”, “Ибрат” каби фер-

мер хўжаликларидаги чорва моллари ҳам тўлиқ эмланди. “Бўйрачи”, “Катқалъа”, “Бешмарган” ветеринария участкалари мудирлари Отаназар Дўсчанов, Азим Қурбанбаев, Жамол Саидов, фелдшерлар Мурод Ибрагимов, Қудрат Расулов, Бектемир Рўзимовлар ветеринария тадбирларини сифатли ва ўз вақтида ўтказишда бошқа бўлимларга ибрат бўлмоқда. Ҳар бир ветеринария участкаси мудир ўз иш дафтарчасига қилинган ишларни қайд қилиб боради. Улардан ўз ҳудудини яхши ўрганиб чиқиш талаб этилади.

— Ишларимизни аниқ ва пухта йўлга қўйишимиз керак, шусиз ҳам пандемия даврида қийналаётган аҳоли мол боқиш баробарида ҳайвонларда учрайдиган турли касалликлар билан ҳасталанмасликлари учун эмлаш ишларини тугал олиб боришимиз шарт, — дейди Азамат Тажиев. — Аҳоли бозорга бориб қорамол ёки парранда сотиб олса, дарҳол ветеринария врачини чақириб кўрсатиши, касалликка қарши эмлатиши зарур. Шундагина хавфсизликка эришамиз. Ютуқ ҳам, камчиликлар ҳам ўзимизники, шунинг учун ҳар бир хўжалик эътиборимизда.

Ҳайвонлар касалликларининг олдини олиш бўйича мутахассис Рашид Юсупов, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғининг ўринбосари Икром Аҳмедовлар ҳар бир участкада бўлиб, олиб борилаётган ишларни назорат қилар экан, юқумсиз касалликлар ва чорва молларини сунъий қочириш бўйича қилинаётган ишларни ҳам кузатиб, амалий ёрдам ва маслаҳатлар беради.

Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва одамларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда ветеринария лабораторияларининг ўрни бекиёс, албатта. Бунинг учун бўлимда 2 та ветсанэкспертиза иш олиб бормоқда. Эмлаш ва даволаш ишлари самарадорлигини таъминлаш эса соҳа ходимларининг ҳар доимги масъулиятли вазифасидир.

Суратларда:

Шовот ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Азамат Тажиев ходимлари билан.

Ташхис маркази директори Мансур Олланазаров ва ходима Баҳора Мирзаева.

Шукржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

СЎЗИДА УСТУВОР ДЕҲҚОНЛАР

2021 йилги қўғоқчилик Бухоро вилоятига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Асл заршунослар, ишнинг кўзини билган фермерлар элга келган тўй, дея қараб туришмади. Мураккаб келган йилда ҳам мўл ва сифатли ҳосил йиғиштириб олишди.

Агротехник тадбирлар ўз вақтида олиб борилиб, пишиқ-пухта иш юритилганлиги боис, пахта, ғалла, пилла, соя ва бошқа зиммамизга бириктирилган вазифаларни ортиғи билан бажардик, — дейди Жондор туманидаги “Тешақул” фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Орзикулов. — Масаан, 60 гектар пахта майдонидан 40 центнердан, 32,5 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Бу билан чекланиб қолмадик, Украина давлатидан келтирилган 110 бош қора зотли молларимизни ҳам меҳр, эътибор билан рацион асосида парваришламоқдамиз. 15 бош йилқи, 1,20 гектар боғ, 100 та курка ҳам даромадимизга даромад қўшмоқда. Элдор, Ислонжонлар акаси Жаҳонгирга кўмакчи. Бири техникаларни назорат қилса, бири сувчиларга бош-қош. Келгусида аҳил ака-укалар 2 гектар ерга балиқхона қуриб, эл дастурхонини витаминларга бой маҳсулотлар билан бойитмоқчи.



Суратда: Жондор туманидаги “Тешақул” фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Орзикулов

Бухоро туманидаги “Ойбек” фермер хўжалиги раҳбари Саноқул Набиев ҳам илғор фермерлар сарасидан. У сўзида устувор, жонқурлардан десак, хато бўлмас. Ҳар йилги режаларни ортиғи билан бажаргани боис ёш фермерлар уни “устоз” дея эъзоз билан қаҳрадилар.

Ортада қолган 2021 йилда 40 гектар пахта майдонидан 42 центнер, 25 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йиғиб олиб, элининг фахрига айлангани айти ҳақиқат. 95 бош молига, 5 гектарлик боғига ҳам жони пайваста.

Қорақўл туманидаги “Феруза Гулиева” фермер хўжалиги раҳбари Аминжон Гулиев ҳам ўз ишини қойиллатиб қўядиганлардан экан.

Менга ҳамроҳлик қилган туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлигининг агротехникалар бўйича ўринбосари Шукрулло Бозоров йўл-йўлакай илиқ сўзлар билан фермерни мақтаб борди.

Фермерчилик қийин эмасми?

— Ишласа бўлади. Бой-бадавлат бўлиб яшаш ҳар кимнинг ўз қўлида, — дейди Аминжон, — фақат кунт, эътиқод,

ақл, меҳр бўлса бўлгани. Баҳоначига баҳона бисёр. Замонамиз тинч, техникаларимиз етарли. Раҳбарларимиз аҳилу доно, ишда қийинчилик туғилса ёрдамларини аяшмайди. Барака эса аҳилликда. Ҳақиқий эркак ваъда бердими, бажариши шарт.

Қаҳрамонимиз 2021 йилдаги мураккабликка қарамай 32,4 гектар пахта майдонидан 45 центнердан, 26 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йиғиб олган. Сифатли донлар уруғликка сотилган. 20 бош мол, 70 бош қўй, 55 яшиқ асаларилар, 35 сотихдаги балиқхона, 5 гектардаги шолидан ҳам яхшигина даромад топаётганига қараб, ҳавас қилсангиз арзийди. Қоровулбозор туманидаги “Бухоро агрокластер Чорва” МЧЖ раҳбари Шерзод Баҳриддиновнинг иш фаолиятини ҳам мақтасак, намуна сифатида элга танитсак арзийди.



Суратда: (Ўнгдан) Қоровулбозор туман “Бухоро агрокластер чорва” МЧЖ ветеринари Бекбой Ғаниев.

2020 йили Германия давлатидан 517 бош қорамол келтирган эдик, — дейди молларни назорат қилувчи врач Бекбой Ғаниев, — Рацион асосида парваришлаётганлигимиз эвазига улар сони кўпайди. Ўз ҳолича сақлаб иқлимга мослаб эъзозлаб қараяпмиз. Чорвачилик мажмуаси энг илғор технологиялар билан жиҳозланган. Дуодан дил сув ичади, дунёда дуодан улуғ имконият бўлмаса керак. 1060 бош қорамоллар маҳаллалардаги ночор оилаларга тарқатилибди.

2022 йилда Германия давлатидан яна 500 бош мол олиб келмоқчимиз, — дейди Бекбой, — 1,5 минг бошга мўлжаллаб замонавий сут соғиш зали тайёрланмоқда.

Ҳали режалари бисёр, самимий, уddaбурро раҳбарга омад кулиб боқаверсин.

Шофиркон туманининг ҳам ўз фидойилари, қаҳрамонлари кўп. Айнан шундай замондошларимиздан бири “Ислонбобо 2000” фермер хўжалиги раҳбари Илҳомжон Комилов. Тезкузар қишлоғи оралаб борар эканмиз, узокдан бир гўзал маскан кўринди.

— Икки томони кўлдан иборат ушбу бино фермер хўжаликнинг дала шийпони, — дея таништирди ҳамроҳим туман фермерлар кенгашининг раҳбари. — Меҳнаткаш, ҳалол инсон, 2021 йил “Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳа, содда, беғубор, ақл-идрокли Илҳомжон билан суҳбатлашиш мароқли.

— Ишляпмиз, бу меҳнат холос, — дейди фермер.

Деҳқончиликнинг қойилмақом йўллари биланлиги боис ҳар йилги режаларини ортиғи билан бажарар экан. 2021 йилда 20 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан 40 гектардаги пахта майдонидан 41 центнердан ҳосил йиғиб олган фермер 2022 йил ҳосил учун ҳам астойдил ишга киришган.



Суратда: “Исломбобо 2000” фермер хўжалиги раҳбари Илҳомжон Комилов.

— Алмашлаб экиб, мўл даромад оляпмиз, кўриб турибсиз, пахта майдони учун ерни шудгорлаб кўйдик. Ғалла майдонимиздаги кўм-кўк майсалар кўзни қувнатади. Меҳнатинг самарасини кўриб, дилинг яйрайди, — дейди Илҳомжон. — 2 гектарли кўлда турли хил балиқлар, 110 бош кўй, 30 бош қора мол, 32 оила асалари, 5 гектар боғни ҳам оби-тобида, меҳр билан парваришлаган фермерга укаси Рамозон, Илёс, Рафиқ, акаси Ражаббойлар доимо кўмакчи, маслаҳатчи. Механизатор Одилжон эса ўз касбининг устаси.

Хато қилишга ҳаққимиз йўқ, — дейди ерни кўздан кечи-раётдиб қаҳрамонимиз.

Ва ниҳоят тадбиркорлари, миришкорлари шашлигу, тухум барраклари билан машхур. Фиждувон туманида ҳам бўлди. Мени ушбу туманнинг қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассислари кутиб олишди. Ишни режалаштириб, қишлоқлар томон ошиқдик.

“Аҳмад-Азамат пахтакор” фермер хўжалиги раҳбари Акмал Ашуровнинг иш фаолияти билан танишдик, ўргандик, суҳбатлашдик.

— Кўрсаткичлар юқори экан, машаққати ҳам бисёр бўлса керак?

— 2021 йили 42 гектар пахта майдонидан 41 центнердан, 18 гектар ғалла майдонидан 65 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Даромад ҳам ўзига яраша бўлди, — дейди Акмалжон.

Хуллас, опа, астойдил меҳр билан 20 бош қорамол, 200 та товуқ, 120 бош кўй, 7 бош йилқи ҳам парваришлаб даромад тояпти.

Туман раҳбарлари тавсиясига кўра, тумандаги “Қосим-Назар-Раҳмоншоҳ” фермер хўжалиги раҳбари Назарбек



Суратда: “Аҳмад-Азамат пахтакор” фермер хўжалиги раҳбари Акмал Ашуров

Норов билан дилдан суҳбатлашиш нияти туғилди.

— Техниканинг ҳамма тури бор, — дейди фермер. — У бизнинг қанотимиз. Худога шукр, юртимиз обод, кундан-кун гўзаллашиб бормоқда. Фермерлик билан фаровон яшляпмиз. Астойдил меҳнат қилиб режаларни ортиғи билан бажаряпмиз. 2021 йил 40 гектар пахта, 21 гектар ерга ғалла эдик. Пахтанинг ҳар гектаридан 45 центнердан, ғалладан эса 70 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. 1000 бош кўй, 2,5 гектар боғимиз бор. Келажакда асаларичилик, балиқчиликни ҳам синаб кўриш ниятимиз бор.



Суратда: “Қосим-Назар-Раҳмоншоҳ” фермер хўжалиги раҳбари Назарбек Норов.

Бухоро вилоятининг қайси гўшасига қадам қўймайлик, деҳқону фермерлар билан суҳбатлашмайлик, уларнинг юзларидаги илиқлик, кўзларидаги меҳрни кўриб, суҳбатлашган сари суҳбатлашгимиз келаверди. “Дунё орттириб нима ҳам қилардик. Элимиз билан баҳам кўрсак, бизни Аллоҳ сийлайди, рози бўлади”, дейди улар.

Раъно ТОЖАЛИЕВА.
журналист.

Юксалишнинг нурли йўли

Йўлингиз тушиб, Сурхондарё вилоятига борсангиз, бағрикенг, фидойи, бир сўзли, содда, бегубор инсонларини кўриб, ҳавасингиз келиши табиий. Улар юксалишнинг нурли йўлларида эзгулик дея катта орзулар билан яшаётганликларини кўриб, офарин дегингиз келади. Ана шундай қаҳрамонларнинг айримларини сизга таништиргимиз келди.

Термизийдан нур олиб,
Алпомишдай кадр топиб,
Юксалар парвозлари,
Янграгай овозлари.
Удир Сурхон воҳаси,
Садоқат намунаси,
Таъзим сизга, яхшилар,
Навоси зўр бахшилар.

Шўрчи туманидаги “Соат Абдуолим” фермер хўжалиги раҳбари Абдусамат Қудратов 2021 йилда 57 гектар пахта майдонидан 42 центнердан, 61 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил олган.

Юксалиш сари интиляётган, тиниб-тинчимас фермер, 190 бош чет эл молларни ҳам рацион асосида парваришлаб, байрам, ҳайитларда элига ош дамлаб, бир пиёла чой устида гурунглашиб, дуою фотиҳалар олади.

— Дуодай улуғ нарса йўқ дунёда. Эл рози, Худо рози деган нақлни қанийди ҳамма ҳам тушунса, — дейди Абдусамат ака. — У дунёга қуруқ қўл билан кетамиз. Савобларимиз эса гуноҳларимизни енгиллаштиради.

— 2 гектар ердаги меваларни арзон нархда сотди, — дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Фазлиддин Абдурахмонов. — Озиқ-овқат магазинидаги маҳсулотларининг баҳоси ҳам жуда арзон.

Бойсун туманидаги “Турди Жўрақулов” фермер хўжалиги раҳбари Норқул Жўрақуловни сахий, саховатли фермер дея таништирди бизга туман қишлоқ хўжалигидаги мутасаддилар.

20 гектар ердаги боғни турли-туман мевали дарахтлар экиб, меҳр билан парваришлагани боис, кўзлаган натижадан кўра ҳосили мўл бўлгани, мевалардан яхшигина даромад топгани бор гап.

Турли хилдаги олмалар, узумлар ҳосилини кўтаролмай эгилиб қолди — дейди Норқул ака.

— Даромад ҳам яраша бўлибди-да?

Ҳа-да, икки қизим университет талабаси, кенжамиз олий маълумотли бўламан деб кечаю кундуз ўқияпти. Қизларим бахтли бўлса биз хурсанд бўламиз-да. Даромад шуларники.

Омин насиб қилсин, буюрсин. Фермернинг укалари Рауф, Фарҳод, Жалолиддин, Сухробжон доимо унинг ёнида кўмакчи, маслаҳатчи.

Сизни, элини, қўни-қўшнисини ҳурмат қилади, бир бурда нонини барча билан баҳам кўради, — дейишди туман раҳбарлари.

Юксалиш сари интиляпмиз, даромад топяпмиз, бу халқимиз, кексаларимиз дуоларининг ижобати. “Қўшнининг ҳаққи” деган нақл ҳақ сўз. Эл дардига малҳам бўлиш инсоний бурчимиз эмасми?

Конституциянинг 25 йиллигига, мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан олган нишон, мукофотлар ташаккурномалар, покиза қалбингиз, очиқ қўллингиз учун бўлса, не ажаб.

Ангор туманидаги “Холиқ Ангор боғи” фермер хўжалиги раҳбари Камолддин Чоршанбиев ҳам сурхонликларга хос қалби дарё йигитлардан эканлигини суҳбат асносида сезиш мумкин.

— 12 гектар ерда боғ яратдик, — дейди фермер. — Турли хил мевали дарахтлар эдик. Улар билан тиллашдик, диллашдик. Аллоҳга шукр, натижаси зўр. Олма, шафтоли, ғайноли, узум каби мевалардан етарлича ҳосил йиғиб олдик. 100 бош товуқ, 20 оила асарилар, 60 сотихдаги балиқларни ҳам авайлаб-асраб парваришляпмиз.




Суратда: (Чапдан) Шўрчи туман қишлоқ хўжалиги бўйича ҳоким ўринбосари Фазлиддин Абдурахмонов, “Соат Абдуолим” фермер хўжалиги раҳбари Абдусамат Қудратов, туман фермерлар кенгаши раиси Абдусаттор Бегматов

Ҳа, инсоф, диёнатни ҳамроҳ билган юртдошларимиз бисёр. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнапти. Кўз тегмасин, тинч-хуррам замонимизга, халқимизга.

ДИЛЛАРНИ ЯШНАТУВЧИ МАСКАН

Бир майизни қирқ бўлиб ейдиган аҳил, иноқ халқ қаерда бор, дейсизми? Ўзбекистонда. Поп тумани мисолида ушбу бағрикенгликни сизларга намоиш этишга қарор қилдик.

Туманнинг Юксалиш қишлоғида бир ажойиб аёл бор. Меҳнатидан роҳатланиб, дилларни яшнатиб, ўзи ҳам яшнаб, бир гапириб ўн кулиб, қалбингизга хуш кайфият бағишловчи опахон “Кавсар суви” фермер хўжалик раҳбари Муҳаббатхон Қурбонова. Опанинг зукколигини, тиниб-тинчимаслигини, меҳнатга иштиёқи баландлигини сезган туман раҳбарлари унга ишониб қолаётган қолган фермернинг ерларини олиб беришди. Ишнинг кўзини билган қаҳрамонимиз енг шимариб ишга киришди.



Суратда: “Кавсар суви” фермер хўжалиги раҳбари Муҳаббатхон Қурбонова.

— Қарасам, менга берилган ернинг аҳволи ёмон. Тошларини, ажриқларини, бегона ўтларини тозалладим, маҳаллий ва минерал ўғитларни аямай ер бағрига сепдим. Йил ўтди, Аллоҳга шукр, юзим ёруғ бўлди — дейди опа ҳам қулдириб, ҳам куйдириб. — 2017 йили ерни қабул қилиб олдим, шундан буён режаларни ортиғи билан бажаряпман. 2021 йилда 30 гектар пахта майдонидан 41 центнердан, 35 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил кўртардик. Давлат режасидан ортганини аъзоларим билан бўлишиб олдик. 10 та кам таъминланган оилага ҳам ёрдам бериб келяпман.

Техникалар учун эҳтиёт қисмлар магазинлари эл қорига яраб турганидан хурсанд бўлган опа даромаддан келажакда боғ яратмоқчи, балиқхона очмоқчи, асаларичиликни йўлга қўймоқчи.

Иш бошқарувчим Умиджон Ҳайдаров юмушларни кўнгилдагидай бажаради. Ёнингда ақлли ёрдамчинг бўлса яхши-да. Теримда, пахтага ишлов беришда ёрдамга

Юртимизнинг қайси вилоятида бўлманг, у ердаги ўзгаришлардан кўнглингиз яйрайди, қўлигул халқимизнинг ноёб истеъдодига, ижодкорлигига амин бўласиз. Бугун гуллар шаҳри Наманганнинг зеболиги, нозик ифори вилоят қишлоқларига ҳам кўчган. Бободехқонларнинг ўзлигини англаб, фермерчилик ҳаракатидаги ютуқларидан завқланаётганини, “Ҳорманг” деган сўзингизга “Бор бўлинг” дея ажойиб жавоб бераётганидан ҳузурланиб кетасиз.

келган хотин-қизларни хоҳишларига қараб саёҳатга олиб бораман, мукофотлар бераман, — дейди Муҳаббатхон.

Хуллас, қаҳрамонимизнинг бағрикенглик фазилатларидан баъзи қўштирноқ ичидаги “фермер”лар ўрناк олса, ёмон бўлмасди.

Дарвоқе, ажойиб, билимли қизи Орзухон Жанубий Корея давлатида аъло баҳоларга таҳсил олмоқда. Ўзбекистонимиз учун керакли кадр бўлиб қайтишига ишонамиз.

Ой юзли Санам юзларида ибони кўрдим.

Сўзлари бол, кўзларида маънони кўрдим.

Қойил қоласиз мардона қарашларига, Нодира, Тўмарис, гул юзли Зебони кўрдим.

Шижоатли, меҳрибон ўрни келганда қайсар Муҳаббатхонга доимо омад ёр бўлаверсин.

Чуст туманидаги “Чуст–Отабек–Ойбек” фермер хўжалиги раҳбари Осилжон Ҳайдаровни ёш бўлишига қарамай, анчагина ҳурматга лойиқ илғор, ваъда бердими, уддалай оладиган фермерлар тоифасидан дея таништирди туман қишлоқ хўжалиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Акмалжон Султонов. 18 гектар пахта майдонидан 40 центнердан, 28 гектар ғалла майдонидан 72 центнердан хирмон кўтариб, айрим қоқоқ фермерларга намуна бўлаётган экан. 5 сотихли иссиқхонасидаги лимонлари ҳосилга кирган. Келажакда чет элдан мол, қўй олиб келиб, кўптармоқли фермер мақомини олмоқчи.



Суратда: (чапдан) Чуст тумани қишлоқ хўжалиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Акмалжон Султонов ва “Чуст–Отабек–Ойбек” фермер хўжалиги раҳбари Осилжон Ҳайдаров

Норин тумани ҳам ўз салоҳияти, обрў-эътиборига эга туманлардан. Ушбу туманнинг “Отажон ота ўғли Козимжон” фермер хўжалиги раҳбари Дилшодбек Сулаймонов туман фермерлари орасида илғорлар сафидан жой олгани аини ҳақиқат.

Фермер ҳар йили режаларини ортиғи билан бажариб келяпти. 2021 йили 29,1 гектар ердаги пахта майдонидан 41 центнердан, 27,5 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан олий навли ҳосил топширди.

Айни кунда кўптармоқли фермер бўлиш учун изланаяпман. Молхона, балиқхона қуриб, халқимиз эҳтиёжидан келиб чиқиб бозордан арзонроқ, сифатли маҳсулот етказиб беришни ният қилиб, режалар тузаяпман, — дейди фермер.



Суратда: (ўнгдан) Норин туман “Отажон ота ўғли Козимжон” фермер хўжалиги раҳбари Дилшодбек Сулаймонов, “Тегирмонбоши” фермер хўжалиги раҳбари Камолжон Мадраҳимов.

Ушбу туманнинг “Тегирмонбоши хазинаси” фермер хўжалиги раҳбари Камолжон Мадраҳимов дўсти Дилшодбек каби меҳнатнинг мағзини чаққанлардан. 31 гектар пахта майдонидан 40 центнердан, 20 гектар ғалла майдонидан 65 центнердан ҳосил йиғиб-териб олибди.

Бу йил 30 гектар майдонга чигит экмочимиз, 21 гектар ерга ғалла уруғларини сепдик. Кўриб турибсиз, майсалариитз кўзга кўриниб қолди. Ҳамма гап меҳрда, ақл ва жасоратда, — дейди у ўз еридаги кўм-кўк товланиб турган майсаларга қараб.

Наманганлик фермерларнинг айримлари билан, уй-ниятлари ҳақида суҳбатлашдик. Ишларига муваффақият тилаб, қалбу дилингиз чароғон бўлсин, дея хайрлашдик.

Қўшсаҳифани ўз мухбиримиз Раъно ЮСУПОВА тайёрлади.

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИНГ ИЖАРАСИ

Давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳамда ўрмон фонди ерлари инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилиши мумкин.



Деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкалари эгалари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ижара ёки мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг бир қисmini қишлоқ хўжалиги маҳсулотни етиштириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин. Ер участкасидан вақтинча фойдаланиш тартиби тарафларнинг келишуви асосида белгиланади. Бунда деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқи сақланиб қолади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш туман (шаҳар) ҳокими ва ижарага олувчи ўртасида тузилган ер участкасининг ижарасига оид шартнома асосида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси томонидан белгиланган тартибда электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда очик ҳолда эълон қилинади.

Улуғбек КУРБАНОВ,
Сирдарё туманлараро
иқтисодий суди раиси.

Қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган суғориладиган ерлар ва лалми ерлар — Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига, ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари — жисмоний ва юридик шахсларга, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган инвесторларга ўттиз йил муддатга белгиланган ўлчамларда ижарага берилади.

Давлат органларига, муассасаларига ва корхоналарига доимий фойдала-

ниш ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатига — хусусий шерикка, ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномаларнинг амал қилиш муддатига — нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бошқа юридик шахсларга ижарага берилиши мумкин.

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Надёжная полимерная продукция от производителя

(+998) 94-638-33-33

(+998) 95-142-31-19

(+998) 97-342-50-08

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

polimergalantery@mail.ru

www.polimergalantery.uz

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ФАОЛИЯТИ

Инсоннинг энг муҳим фаолият турларидан бири интеллектуал фаолиятдир. Бундай фаолият тури давлатнинг илмий-техникавий салоҳиятига оид бўлиб, амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг ўсиш суръатлари ва натижаларини белгилайди. Давлатнинг вазифаси илмий-техникавий салоҳиятни ўстириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга кенг инвестицияларни жалб қилиш учун шароитларни таъминлаш ва бунинг натижасида рақобатбардош маҳсулотни яратишдан иборат. Шундай қилиб, давлатнинг вазифаси интеллектуал фаолият натижаларини ҳўжалик оборотига кенг жалб қилиш учун энг мақбул шароитларини яратишдир. Интеллектуал фаолиятнинг энг муҳим соҳаларидан бири ихтирочилик фаолияти бўлганлиги сабабли давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсишини таъминлашда ихтирочиликни ҳуқуқий тартибга солиш, ихтирочиларнинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, ихтиролардан фойдаланиш ёки уларни сотиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи бўлиб инсоннинг илмий-тадқиқот фаолияти, инсон яшаб турган жамиятнинг бу фаолиятга, айниқса, билимига, илмига, умуман фанга техникавий ривожланишга бўлган муносабати ҳамда мамлакатнинг илмий ва технологик салоҳияти ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда интеллектуал мулкнинг яратилиши ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича ишларининг ташкиллаштириш дунё мамлакатларида давлат миқёсида – муҳим давлат ишлари сифатида олиб борилади. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш даражаси ундаги интеллектуал мулк бўйича ишларнинг қандай даражада олиб борилишига, унинг янги техника-технологиялар яратилишига, жамият ва табиат қонунларини ўрганиб, ҳаётга татбиқ этганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, ер юзидаги минглаб илмий муассаса ва корхоналарда мунтазам равишда миллионлаб илмий тадқиқот натижалари олиниб, таҳлил этилиб, инсон ҳаёти – амалиётга татбиқ этилиб – башарият цивилизациясининг ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда. (1)

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ўзининг ривожланган интеллектуал мулк материал базаси кенг илмий фонди, илмий ишлари дунё миқёсида тан олинган юқори малакавий илмий кадрлари билан Марказий Осиёдаги катта салоҳиятга эга бўлган илмий марказ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг — Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида Қонунига (янги таҳрири 29.08.2002 й. да тасдиқланган) мувофиқ қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар турлари, аввалдан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг янги вазифада қўлланилиши ихтиролар сифатида тан олинади.

Ихтирога бўлган ҳуқуқ патент билан тасдиқланади. Патент эгасига ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишнинг мутлақ ҳуқуқи берилади.

Ихтиро патентланиши учун янги, саноатда қўлланила олиши ва ихтирочилик даражасига эга бўлиши лозим (сўнгги талаб таклиф қилинаётган техник ечим ушбу соҳадаги мутахассис учун яққол аён бўлмаслиги кераклигини англатади).

Патент бу – патент эгасининг ихтиро, саноат намунаси, фойдали модел, селекция ютуқларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Патент ҳар бир мамлакатнинг ваколатли давлат органи ёки бир неча мамлакатларнинг регионал патент идораси томонидан берилади. Патент чекланган муддат давомида, одатда патентни кучда сақлаб туриш учун белгиланган патент божлари ўз вақтида тўлаб турилган ҳолда патентга талабнома топширилган санадан эътиборан 20 йил амал қилади. Патент маълум бир мамлакат ёки регионнинг географик чегаралари билан чекланган ҳудудий ҳуқуқдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасида ихтирога патент талабнома топширилган санадан эътиборан 20 йил амал қилади (2)

Патент лексикасидан фойдаланган ҳолда, одатда, ихтирога техник муаммонинг янги ва инновацион ечими дея таъриф берилади. Ихтиро янги маҳсулот ёки усулни яратишга оид бўлиши ёки маълум бўлган маҳсулот ёки усулни янада такомиллаштиришдан иборат бўлиши мумкин. Табиатда мавжуд бўлган нарсани шунчаки кашф қилиш одатда ихтиро деб ҳисобланмайди, чунки ихтиро яратилиши учун инсоннинг идроки ва топқирлиги, ижодий қобилияти ва ихтирочилиги бағишланган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунининг 6 моддасига мувофиқ ҳар қандай соҳада маҳсулотга (хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турларига) ёки усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнига) тааллуқли бўлган техник ечим ихтиро сифатида эътироф этилади. Замонавий ихтироларнинг кўп қисми йирик ишларнинг ва илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига (ИТТКИ) киритилган узоқ муддатли инвестицияларнинг натижаси бўлган ҳолда ҳам, бошқа кўпчилик ихтиролар оддий ва арзон бўлиб, лекин катта фойда келтирадиган техник такомиллаштиришлардан иборат бўлса ҳам ихтирочиларга ёки компанияларга катта даромад ва фойда олиб келади.

Интеллектуал мулк объектлари: фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, интеграл микросхемалар топологияси, Ихтироларни патентлашнинг асосий сабаблари:

-Бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш ва рақобатдаги афзалликлар.

-Инвестициялардан янада юқорироқ фойда ёки даромад олиш.

-Лицензия фаолиятдан ёки патентни бошқа шахс ихтиёрига ўтказишдан келадиган қўшимча киримлар.

-Янги бозорларга кириш

-Ҳуқуқларни бузиш хавфи камаяди

-Мақбул процент ставкалари бўйича субсидиялар ва инвестицияларни жалб қилишда имкониятларнинг ошиши

-Ҳуқуқ бузувчиларга нисбатан чора кўриш учун кучли восита.

-Компаниянинг ижобий имиджи

Ушбу фаолиятни Қишлоқ ҳўжалиги йўналишида ёўзани томчилатиб суғориш тизими бўйича боғлаб қарайдиган бўлсак, томчилатиб суғориш бўйича бир қанча олимлар томонидан патентлар олинган, жумладан, Жўраев Фазлиддин Уринович, Каримов Ғолиб Ҳожиқурбонович томчилатиб суғориш тизими бўйича Ўзбекистон Республикаси Патенти, № FAP 01336, 2015 йил. Фойдали моделнинг моҳияти томчилатиб суғориш тизими ўзаро бир-бири билан боғланган насос, сигим, филтёр, вертикаллар, тақсимловчи ва магистраль қувурлар ва томчилатгичларни ўз ичига олган. Насосга уланган ер остига вертикал

ўрнатилган қўшимча сизот суви учун қувур ҳамда инвертор ва аккумулятор батареясига эга қуёш панели ва бошқарув вентили ва пултига эга контроллер билан таъминланган (3). Усмоналиев Б., Азаров И.Н. томчилатиб суғориш учун қувур Ўзбекистон Республикаси Патенти, № IAP 03072, 2006 йил. Усмоналиев Б., Азаров И.Н., Умурзақов Ў.П. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда томчилатиб суғориш тизими. Ўзбекистон Республикаси Патенти, № IAP 03400, 2007 йил (4).

ЎЗРФА Умумий ва ноорганик кимё институти томчилатиб суғориш самарадорлигини ошириш учун F-145 реагенти ишлаб чиқишди, унинг қисқача мазмуни томчилатиш ускуналари даврий равишда сув таркибида мавжуд турли туз ва қўшимчалар билан ифлосланиб тегилиб қолади. Бу механик, биологик ва кимёвий сабабларга кўра содир бўлиши мумкин. Механик ва биологик сабабларга қарши филтёрлардан фойдаланиш мумкин. Сувнинг қаттиқлиги ва фертигация (суғорилаётган пайтда сувга ўғитлар қўшиш) сабабли юзага келадиган кимёвий тегилишларга қарши сувнинг қаттиқлигини 5-7 ораликда тутиб турувчи кислотали қўшимчалар қўлланиш мумкин. Шу мақсадда ишлаб чиқилган 145 реагенти томчилатиб суғоришда кимёвий тегилишларнинг олдини олиш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширувчи восита сифатида тавсия этилади. Ўзбекистон Республикаси патентини олишга талабнома бериш учун ҳужжатлар тайёрланмоқда (5). Хорижий давлатларда эса, Волгоград Давлат Аграр Университети Россия Федерацияси патенти томчилатиб суғориш усули бўйича RU 2749463 C 1-2021 йил, Сергей Валерьевич Николаенко, Сергей Германович Бурдин, Татьяна Николаевна Ларина томчилатиб суғориш усули бўйича Россия Федерацияси Патенти RU 2652829 C1-2017 йил, Выборнов Владимир Владимирович, Майер Александр Владимирович, Салдаев Александр Макарович, Шенцева Екатерина Викторовна, Сухарев Юрий Иванович томчилатиб суғоришнинг томизғичига, ушбу томизғич 0,02 МПа гача бўлган сув босимида, томчи-

латиб суғоришни таъминлайди ва суғориш қувуридаги сув босимида 0,05-0,008 МПа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини майда дисперсли суғоради Россия Федерацияси Патенти RU 2300877-2007 йил (6).

Мамлакатларнинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўсимликларнинг янги навлари патент тизими доирасида ёки ўсимликларнинг янги навларини муҳофазалашнинг махсус тизими орқали ёки уларнинг биргалигида муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикасида ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвон зотларини селекция ютуқлари доирасида муҳофазалайдиган махсус тизим қабул қилинган.

Ўзани томчилатиб суғориш тизими бўйича ғўза навларига ҳам патентлар олинган. ЎЗРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигида экилаётган янги ғўза навларига патентлар олинган, улардан “Армуғон-2” ғўза навига 2015 йил 7 сентябрда берилган 53/4-329 сон хулосага мувофиқ нав патент олишга лойиқ эканлиги тўғрисида маълумот олинган. Ушбу “Армуғон-2” ғўза нави тур ичида дурагайлаш йўли билан линия Л-9263 х Л-777 ўзаро частиштириб, кўп маротаба яққатанлаш йўли билан олинган, ҚР Республикаси, Тошкент ва Андижон вилоятлари учун истиқболли. Экологик тоза табиий равишда ўсишдан тўхтайдиган ва барги тўкиладиган, толаси IV-саноат типига мансуб ғўзанинг “КЕЛАЖАК” навига № NAP 20130008-2013 йил (5), ғўзанинг “Таффакур” навига NAP 20170014-2017 йил, ғўзанинг “Саховат” навига NAP 20170015-2017 йил, ғўзанинг “Барака” навига NAP 20160016-2016 йил олинган (10).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил бўлиб, соҳани такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ва ривожланаётганлигини турли йўналишларда кўришимиз мумкин.

Мадинахон МАЛИКОВА,
ТИҚХММИ МТУ магистри.

АДАБИЁТЛАР

1. А.Жумахўжаев. Патентшуносик. Тошкент-Мехнат 2001 йил
2. КЕЛАЖАКНИ ИХТИРО ҚИЛИБ. Интеллектуал мулк бизнес учун
3. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги. Расмий Ахборотнома. Тошент. 2018 йил.
4. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2011 йил.
5. Инновацион ғоялар, технологиялар ва ярмаркасига намойиш этиш учун таклиф этилган қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишидаги ишланмалар саралови. Тошкент давлат аграр университети. 2015 йил.
6. <https://patents.google.com/patent/RU2749463C1/ru>
7. <https://genomics.uz/patenty>

ЎЎТ: 633.511:632:631.572

ТАДҚИҚОТ

ЎЗАНИНГ ЯНГИ ТИЗМАЛАРИДА ВИЛТ КАСАЛЛИГИ БИЛАН БОШҚА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛАНИШИ

Слабые, средне-слабые и положительные корреляции болезни вилта с выходом волокна, длина волокна, крупность коробочки, отмечены в опытных линии хлопчатника, созданных в результате простой и сложной гибридизации.

Weak, middle-weak and positive correlation of wilt disease with fiber output, fiber length, boll size have been remarked in the experiment lines of cotton plant created in the result of simple and complicate hybridization.

Селекция жараёнини қисқартириш ҳамда янги навлар аксарият белгилар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлиши учун ўсимликлар авлодини тўлиқ ўрганиш ва белгиларни

босқичма-босқич тартибда ажратиш ҳамда турли дурагайлаш натижасида яратилган комбинацияларини камайтириш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, белгиларнинг бир-бирига

боғлиқликларини ўрганиш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки, яккатанловлар натижасида белгиларнинг бир-бирининг ижобий ҳолатдаги корреляцияси муҳим ҳисобланади. *G.hirsutum* L. ғўза навларида айрим қимматли хўжалик белгиларнинг корреляциясини ўрганишган. Тажрибаларда кўсаклар йириклиги билан қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни аниқланиб, бунда *G.hirsutum* L. турининг маҳаллий “Ғолиб”, “Султон”, “Андижон-35” ва “Наманган-77” навларида тола чиқими билан асосан кучсиз салбий ва ижобий 1000 дона чигит вазни билан эса ўрта ижобий боғланганлиги келтирилган (1).

Тола чиқими бўйича бир-биридан кескин фарқ қилувчи ғўза навлари ўзаро чапиштирилганда, бу белгининг дурагайларда ирсийланиши генларнинг ўзаро мураккаб таъсири натижасида амалга ошади [2]. Тезпишарлик билан вилтга чидамлилик ўртасида кучсиз боғланиш мавжудлиги аниқлаган (корреляция даражаси $r = 0,3$, эҳтимоллик 95%) Корреляция даражаси навлар линиясида ўзгариши ва айрим ҳолларда кучли боғланиш борлигини кўрсатган. Тезпишарлик ва вилтга чидамлилик ўртасида айрим ҳолларда тескари боғланиш ҳам бўлар экан. Бу тажриба майдони касалланиш даражасининг нотекислиги, бошланғич ашёнинг вилтга турлича чидамлиги билан боғлиқ эканлиги кўрсатилган [3].

Тажрибаларда ўрта толали ғўзанинг оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларнинг вилт касаллиги билан умумий даражада зарарланиш миқдорининг тола чиқими, бир дона кўсак вазни, маҳсулдорлик ва вегетация даври белгилари билан коррелятив боғлиқлиги аниқланди. Вилт касаллиги билан умумий даражада зарарланиши ва тола чиқими белгиси бўйича оддий ва мураккаб дурагайлардан олинган барча тизмаларда ижобий ҳолатда эканлиги аниқланди. Бунда оддий дурагайлардан олинган тизмаларда +23 дан +43 гача боғлиқликлар бўлган бўлса, мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда эса +0,07 дан +0,13 гача коррелятив боғлиқликлар бўлганлиги аниқланди. Оддий дурагайлардан олинган тизмалардан Т-1, Т-7, Т-21 ва Т-31 тизмаларида вилт билан зарарланиш бошқа тизмаларга нисбатан юқори бўлганлиги сабабли тола чиқими юқори

бўлганлиги аниқланди. Вилт касаллиги билан зарарланиши унинг тола узунлигига таъсири борлиги коррелятив боғлиқлиги бўйича олинган маълумотларда кузатилди.

Тола узунлиги вилт билан зарарланиши бўйича боғлиқликлар барча ўрганилган тизмаларда салбий ҳолатда бўлди. Янги яратилган тизмаларда вилт касаллиги билан зарарланиши миқдори бир дона кўсак вазни билан кучсиз салбий боғланганлиги қайд этилди. Бунда оддий дурагайлардан олинган тизмаларда кўрсаткичлар -0,08 дан -0,18 гача, мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда эса -0,07 дан -0,13 гача бўлди.

Ўрта толали ғўзанинг мураккаб дургайларидан олинган тизмаларда оддий дурагайлардан олинган тизмаларга нисбатан вилт касаллигини умумий даражада кам зарарланганлиги сабабли, уларда ўрганилаётган касалликнинг тола узунлиги, кўсак вазни, маҳсулдорлик белгилари билан кучсиз ва ўрта салбий боғланганлиги, тола чиқими, вегетация даври билан эса ушбу тизмаларда кучсиз ва ўрта ижобий боғланганлиги кузатилди. Тажрибаларда вилт касаллиги билан айрим қимматли хўжалик белгилари таҳлилларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларда оддий дурагайлардан олинган тизмаларга нисбатан вилт касаллиги нисбатан бардошлилиги сабабли уларда касалликнинг тола чиқими, тола узунлиги, кўсак вазни, маҳсулдорлик ва вегетация даври белгилари билан кучсиз ва ўрта салбий ҳамда ижобий боғланганлиги қайд этилди.

Баҳриддин ЎРОЗОВ,
қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Паридун ИБРАГИМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Фозилбек ТОРЕЕВ,
қ.х.ф.н., ТошДАУ доценти,
Дилфуза ТЎРАЕВА,
қ.х.ф.ф.д., докторант,
Сайёра ЭРГАШЕВА,
қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Жўрақулова Ғ., ва А.Мамажонов А. “Ғўза ва бошқа экинлар биохилма-хилликларни ўрганиш, ривожлантириш сақлаш ва самарали фойдаланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент. 2020 йил (20-21 декабр) 255-256 б.
2. Искандаров Х. Эффективность различных доз гамма-облучение на продуктивность и качество волокна отдаленных гибридов вида *G.hirsutum* L. Автореф. дис... канд. с.х. наук. Ташкент-1972. С.18-19.
3. Ибрагимов П.Ш., Аллашов Б.Д., Амантурдиев Ш.Б. Ғўза селекциясида мураккаб дурагайлаш. Монография. “Фан”. Тошкент, 2010. 127 б.

УЎТ: 631.81.036

ТАДҚИҚОТ

БУҒДОЙДА ЎСИШНИ БОШҚАРУВЧИ МОДДАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

The article presents the results of studies to identify the effectiveness of retardants against lodging of wheat cultivated under irrigated conditions in Uzbekistan. Treatment of winter wheat plants with a mixture of 5% Mepiquat chloride with 72% Etefon at a rate of 1 l / ha before booting and before heading revealed a noticeable reduction in stem internodes and increased resistance to lodging.

Юмшоқ буғдойда ва бошқа бир йиллик ғалла экинларида поянинг ётиб қолиши донни механик йиғиб олишга халақит бериб, хосилдорликка салбий таъсир этувчи

асосий омиллардан бири. Бунинг сабаблари тупроқда намликнинг ошиб кетиши, сут пишиш фазасида бошқода сувнинг кўпайиши, кучли шамол ва поянинг нимжонлиги

**Юмшоқ буғдойнинг “Паҳлавон” навига ретардант препаратлари билан ишлов берилганда
ўсимлик бўғим оралиғи ва бошоқ узунлиги**

Поя бўғинлари	Назорат	Туплаш фазасида ретардант препарати қўлланилган	Бошоқлаш фазасида иккинчи ретардант қўлланилган
	Бўғин оралиқлари, см		
1	8,35	7,35	7,88
2	18,84	15,53	15,38
3	26,9	28,43	25,58
4	44,1	49,75	43,75
Поя узунлиги	98,14	101,06	92,59
Бошоқ узунлиги	8,78	9,24	9,58
Ўсимлик бўйи	106,92	110,3	102,17

сабаб бўлади (Stacheckl, 2004). Ётиб қолишнинг олдини олишда ўсимлик ривожланишини секинлаштирувчи табиий ёки синтетик кимёвий препаратлар ретардантлардан фойдаланилади. Бу препаратлар билан ўсимликка тўғридан-тўғри ишлов берилганда ўсимликларда гармонал мувозанат бузилиб, физиологик жараёнлар секинлашади (Mateus et.al. 2004, Wang, et al, 2011), поянинг мустаҳкамлиги ошади, ўсимлик бўйини пасайтиради ва ётиб қолишнинг олдини олади (Berry, 2004). Баланд пояли донли экинларда гиббереллинлар фаоллигини камайтирувчи ингибиторлар Мепикват хлорид ва хлормекватхлорид (2-хлорэтил –N,N,N – триметиламмоний хлорид, CCC) (Salazar-Cerezo, 2018) қўлланилганда поя ўсишини қисқартиради.

Тадқиқот усуллари. Юмшоқ буғдойнинг “Паҳлавон” нави учта вариантда: назорат – фақат минерал ўғитлар ва гектарига 5 кг дан карбамид берилган; вариантда 28,43 ва 49,75 см.ни, умумий ўсимлик поясининг узунлиги биринчи вариантда 98,14 см ни, иккинчи вариантда эса 100,06 см.ни ташкил этди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ушбу препарат ўсимлик ривожланишини фақат маълум вақтга тўхтатиб туриши ва кейинчалик эса ўзининг стимуляторлик, яъни ўстирувчи вазифасини ҳам бажариши мумкин эканлиги аниқланди (1 жадвал).

Тажрибанинг учинчи вариантида ўсимлик тупланиш фазасида “туп” препарати билан, бошоқлашдан олдин эса “бошоқ” препарати билан ишлов берилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, ўсимлик поясининг умумий узунлиги олдинги икки вариантга нисбатан кам бўлиб, 92,52 см ни ташкил этган. Ўсимлик пояси узунлигининг камайиши охир-

ги тўртинчи бўғим, яъни байроқ баргдан бошоқчага бўлган бўғим оралиғининг қисқариши ҳисобига бўлганлигини қузатиш мумкин. Бу ҳолатда ишлатилган “бошоқ” препарати ўзининг ретардантлик хусусияти ҳисобига ўсимликнинг ўсишини шу фазада қисқартириб олдинроқ бошоқ чиқаришга сабаб бўлган. Буни шунда кўриш мумкинки, биринчи вариантда тўртинчи бўғимнинг ўртача узунлиги 44,05 см ни, иккинчи вариантда 49,5 см.ни ташкил этган бўлса, учинчи вариантда бу кўрсаткич 43,75 см.ни ташкил этиб, байроқ барг ва бошоқ оралиғи анча қисқарганлиги кузатилди.

Олинган натижалардан хулоса қилинганда, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш фазаларида ишлов берилган “туп” ва “бошоқ” препаратлари ўзининг ретардантлик хусусиятлари, яъни ўсимлик ўсишини маълум вақтга тўхтатиб туриши билан бирга стимуляторлик хусусиятига ҳам эга эканлиги аниқланди. Бу ҳолат ўсимлик биомассасининг ортиши ўсимлик поясининг йўғонлашиши ҳисобига бўлса, “бошоқ” препаратининг таъсири ўсимлик байроқ барг чиқаргандан кейин бошоқлаш фазасининг тезлашганлиги ва ўсимлик барча озуканинг катта қисмини бошоқдаги дон тўлишига сарф қилганлиги оқибатида эса дон ҳосилдорлиги ортганлиги аниқланди.

Мухтабар ТАШМАТОВА,
ТошДАУ докторанти,
Мухаммад СУВОНҚУЛОВ,
«Semrug' Cluster» МЧЖ раҳбари,
Олимжан ИКРОМОВ,
ЎзМУ магистри.

АДАБИЁТЛАР

1. Stacheckl S., Praczyk, T., Praczyk K. Adjuvant effects on plant growth regulators in winter wheat // J. Plant Prot. Res., 2004.V. 44, No. 4, p. 365-371.
2. Wang Y., Wang X., Yang L., Li P., Zhu J., Kazuhiko K., Wang Y. Ozone stress increases lodging risk of rice cultivar Liangyoupeijiu: A FACE study. Shengtai Xuebao/Acta Ecol. Sin. 2011;31:6098–6107.
3. Lamas, F. M. Estudo comparativo entre cloreto de mepiquat e cloreto de chlormequat aplicados no algodoeiro. Pesq. Agropec. Bras., v. 36, n. 2, p. 265-272, 2001.
4. Mateus, G. P.; Lima, E. V.; Rosolem, C. A. Perdas de cloreto de mepiquat no algodoeiro por chuva simulada. Pesq. Agropec. Bras., v. 39, n. 7, p. 631-636, 2004.
5. Berry P., Sterling M., Spink J., Baker C., Sylvester-Bradley R., Mooney S., Tams A., Ennos A. Understanding and reducing lodging in cereals. Adv. Agron. 2004;84:215–269.
6. Salazar-Cerezo S., Martínez-Montiel N., García-Sánchez J., Pérez-y-Terrón R., Martínez-Contreras R.D. Gibberellin biosynthesis and metabolism: A convergent route for plants, fungi and bacteria. Microbiol. Res. 2018;208:85–98.

ҲОСИЛДОР МАККАЖЎХОРИ ДУРАГАЙЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маккажўхори (*Zea mays*) дунё деҳқончилигида экиладиган асосий қишлоқ хўжалик экинларидан бири ҳисобланади. Унинг дони дунёдаги дон балансида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Маккажўхори етиштирадиган мамлакатларда 90-йилларда маккажўхори экилган майдон 109 минг гектарни, ҳосилдорлиги эса гектаридан 36,5 центнерни, ялпи дон ҳосили эса 472 млн тоннани, яъни ҳосилдорлик бўйича дунё дон балансида учинчи ўринни эгаллайди. Асрнинг бошларида маккажўхоридан дон ҳосили етиштиришни 500 млн тоннага етказиш назарда тутилган.

Маккажўхори халқ хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ундан узоқ йиллардан буён инсоният озиқ-овқат ва чорва моллари учун озукабоп экин сифатида фойдаланиб келмоқда.

Ўзбекистонда дон етиштириш учун баҳорда маккажўхори экиладиган майдон 40 минг гектарни ташкил этади. Бу кўрсаткич 80-йилларга нисбатан уч баробар камдир. Лекин бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга ёзги такрорий экин сифатида маккажўхори экиб кўпайтириш имконияти мавжуд. Республикамизда 1999 йилда маккажўхори дон учун экиладиган майдон 37.4 минг/га, ўртача ҳосилдорлик 20,4 ц/га ташкил этган.

Материаллар ва методлар. Тадқиқотлар 2021 йилда Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали тажриба даласида олиб борилди. Тадқиқотнинг объекти ҳисобида маккажўхорининг Сербиянинг ZP фирмасидан келтирилган эртапишар, ўртапишар ва кечпишар (222, 366, 606, 707) ФАО дурагай уруғлари экилиб ўрганилди.

Илмий-тадқиқот ишларида кузатиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎЗПИТИ, 2007), фенологик кузатувлар ва биометрик таҳлиллар Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг услуби (1989), бўйича аниқланган.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. 2021 йилги тажриба даласида Сербиянинг ZP фирмасидан келтирилган ФАО 606

дурагайи тизмасининг уруғлари беш хил фонда NPK 120:90:60 кг/га, st NPK 150:110:75 кг/га ва NPK 180:130:90 кг/га, NPK 210:150:105 кг/га, NPK 240:180:120 кг/га ўсимликнинг кўчат қалинлиги st 60 минг/га, 70 минг/га ва икки хил вариантда бир кунда экилди ва майсалар бир кунда униб чиқди. 606 дурагайининг оталик тизмасида рўвак чиқариши ва оналигида попул чиқариш муддатларини кузатиш шуни кўрсатадики, NPK 120:90:60 кг/га, кўчат қалинлиги гектарига st 60 мингдан - 70 минггача оширилганда рўвак чиқариш 44 кундан 46 кунгача бўлган бўлса, попул чиқаришига 51 кундан 53 кунгача вақт керак бўлди. Ўғит меъёрини st NPK 150:110:75 кг/га кўпайтирилганда, ушбу қонуният сақланди, кўчат қалинлиги гектарига st 60 мингдан - 70 минг/гача оширилганда, оталикда рўвак чиқариш 45 кундан 47 кунгача, попул чиқариш эса 52 кундан 54 кунгача фарқ қилди. NPK 240:180:120 кг/га, ўсимликлар кўчат қалинлиги гектарига st 60 мингдан - 70 минг бўлганда рўвак чиқариши, 48 кундан 50 кунга ва попул чиқариши энг кўп, 55 кундан 57 кунгача фарқ қилди.

Тажриба натижаларига кўра, NPK 240:180:120 кг/га ошиб бориши, st NPK 150:110:75 кг/га нисбатан рўвак чиқариш ва попул чиқаришни сезиларли узайишига таъсир кўрсатди. Шунингдек, тажриба давомида Сербиянинг ФАО 606 дурагайи оналик тизмасини пишиш кунига ўсимликларнинг кўчат қалинлиги ва азот ўғит меъёрларининг таъсирини ўргандик. Тажриба даласида биринчи фонда NPK 120:90:60 кг/га, ўсимлик кўчат қалинлиги гектарига st 60 мингдан - 70 минггача ошиб борганда, пишиш даврини 1-4 кунга кечикишини кўришимиз мумкин. Иккинчи фонда эса st NPK 150:110:75 кг/га, кўчат қалинлиги гектарига st 60 мингдан - 70 минггача ошиб бориши пишиш куни 2-6 кунга кечикишини такрорлайди. Бешинчи фонда NPK 240:180:120 кг/га бўлганда энг узоқ пишиш даври кузатилди, яъни дурагайнинг кўчат қалинлигининг 70 минг/га ошиб бориши, st 60 минг/га нисбатан 3-7 кунга узайиши кузатилди. 2021 йилги илмий-тадқиқот ишлари-мизда ҳам Сербиянинг ФАО 606 дурагайида рўвак чиқариш,

1-жадвал.

Сербиянинг ZP фирмаси ФАО 606 дурагайининг ўсув даври (2021 й.)

NPK меъёри, кг/га	Кўчат қалинлиги, минг/га	Майсаларнинг униб чиқишидан то сўта пишишигача, сана				Майсаларнинг униб чиқишдан то сўта пишишигача, кун		
		Майсаларнинг униб чиқиши	Рўвак чиқариши	Попул чиқариши	Сўтанинг пишиши	Рўвак чиқариши	Попул чиқариши	Сўтанинг пишиши
120:90:60	60 st	18/IV	1/VI	8/VI	01/VIII	44	51	110
	70	18/IV	3/VI	10/VI	04/VIII	46	53	113
150:110:75 st	60 st	18/IV	2/VI	9/VI	03/VIII	45	52	112
	70	18/IV	4/VI	11/VI	07/VIII	47	54	116
180:130:90	60 st	18/IV	3/VI	10/VI	05/VIII	46	53	114
	70	18/IV	5/VI	12/VI	09/VI	48	55	118
210:150:105	60 st	18/IV	4/VI	11/VI	07/VI	47	54	116
	70	18/IV	6/VI	13/VI	11/VI	49	56	120
240:180:120	60 st	18/IV	5/VI	12/VI	09/VI	48	55	118
	70	18/IV	7/VI	14/VI	13/VI	50	57	122

попук чиқариш ва пишиш даврига ўғит меъёри ва ҳар хил кўчат қалинлигини таъсирини ўрганганимизда Сербиянинг ФАО 606 дурагайининг оталик тизмасида рўвак чиқариш ва оналик тизмасида попук чиқариш муддатларини кузатиш шуни кўрсатадики, ўғит меъёри НРК 120:90:60 кг/га, кўчат қалинлиги гектарига st 60 мингдан - 70 минггача оширилганда рўвак чиқаришга 44 кундан - 46 кунгача керак бўлган бўлса, попук чиқаришга 51 кундан - 53 кунгача керак бўлди. Ўғитлар меъёри НРК 120:90:60 кг/га - НРК 240:180:120 кг/га оширилганда, ушбу қонуният сақланди, оталикда рўвак чиқариш гектарига st 60 мингдан - 70 минг/га оширилганда 48 кундан 50 кунгача бўлган бўлса, попук чиқиши эса 55 кундан 57 кунгача фарқ қилди. Тажриба натижаларига кўра, ўғит меъёрини НРК 120:90:60 кг/га дан - НРК 240:180:120 кг/га ошиб бориши рўвак ва попук чиқишини сезиларли узайтишига олиб келди (1-жадвал).

Сербиянинг ФАО 606 дурагайи оналик тизмаси донининг пишиб етилиш давригача кўчат қалинлиги ва азотли ўғит меъёрларининг таъсирини ўрганганимизда, олдинги натижаларини такрорланганлигини кўрамиз. НРК 120:90:60 кг/га ҳамда кўчат қалинлиги гектарига st 60 минг/га бўлган

вариантда 110 кунда пишиш кузатилса, кўчат қалинлиги 70 минг/га 113 кунни ташкил этди. Бу эса кўчат қалинлигининг 70 минг/га ошиб бориши, st 60 минг/га нисбатан 2-5 кунга кечикишини кўрсатди.

Хулоса: Тадқиқотлар натижасида, маккажўхорининг юқори лизинли Сербиянинг ФАО 606 дурагайи уруғини етиштиришда кўчат қалинлигини гектарига 60 мингдан 70 минг тупга оширилиши ўсимлик баландлигига, ҳўжалик учун фойдали биринчи сўтанинг жойлашишга, ўсув даврига ҳамда ўсув даври охирида сақланиб қоладиган ўсимлик кўчат сонига ўз таъсирини кўрсатди. Ўсимликларнинг қалинлашуви доннинг пишишини муайян қонуният асосида 1-4 кунга кечиктириб, асосий ривожланиш фазаларини (попук чиқиши ва рўвак чиқиши) бошланишини ва ўсув даврини сийрак экилган вариантга нисбатан 2-5 кунга узайтиради.

Ғулом ҒАЙБУЛЛАЕВ,
доцент, қ.х.ф.д.,
Абдувоси ЯЛГАШЕВ,
магистр,
ТДАУ Самарқанд филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Массино И.В., Массино А.И. Юқори лизинли маккажўхори дурагайларининг ҳосилдорлиги ва сифати. // Тўплам «Чорвачиликни иқтисодий ислохотлар асосида ривожлантириш». — Тошкент, 1998. — С. 92-95.
2. Массино И.В., Ахмедова С.М., К.Ашуров. Фермер ҳўжаликларида озуқабоп экинлар етиштириш технологияси бўйича тавсиянома. — Тошкент, 2007. — 24 Б.

УЎТ: 633.18: 631.543.3, 631.816.355

ТАДҚИҚОТ

ШОЛИ НАВЛАРИНИНГ САҚЛАНУВЧАНЛИГИГА БАРДАН ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА ЭКИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Planting methods have been found to have a significant positive effect on rice plant conservation. According to it, when planting rice seedlings manually and mechanically, the conservation before harvest which planted from seed was 38.4-40.1% higher the Lazurniy variety and 37.4-40.3% higher the Iskandar variety.

Қишлоқ ҳўжалиги экинларидан, шу жумладан, шоли ўсимлигидан юқори ва сифатли дон ҳосилдорлиги етиштириш маълум даражада далада юқори ҳосилни таъминловчи кўчат ундириб олишга боғлиқ. Шу туфайли агрономияга оид барча илмий тадқиқот ишларида ўрганилаётган агротехник омилларнинг дала экинлари кўчат қалинлигига таъсирини аниқлаш асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши ҳар йили барча ўсув давларида бир хил бўлмайди. Ўсимликнинг вегетация даврида баъзи босқичлар жадал ривожланса, баъзи босқичлар жуда секин ўтади. Қишлоқ ҳўжалиги экинларида ўсишнинг бошланиши, ривожланиб бориши ва тўлиқ пишиб етилишгача бўлган жараёнлар биргаликда ўсув даврини ташкил қилади.

Барча қишлоқ ҳўжалик экинлари қатори шолининг ҳам вегетатив органларининг ўсиш динамикаси юқоридаги босқичларнинг алмашилиб келиши аниқ қонуният, ташқи муҳит таъсири (об-ҳаво, агротехник, тупроқ) ва агротехник тадбирлар ҳамда навнинг эртапишар, ўртапишар ва кеч-пишарлигига, навларнинг биологик хусусиятлари асосида ўзгариб боради [30; 236 б]

Бироқ, шолчиликда микроўғитлар билан илдиздан ташқари озиқлантиришнинг шоли кўчат қалинлиги, маҳсулдор тупланувчанлигига таъсири етарлича ўрганилмаган, бу борада илмий маълумотлар кам.

Шу туфайли биз 2018-2020 йиллар давомида Тошкент вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида турли микроўғитлар билан суспензия тарзида илдиздан ташқари озиқлантиришнинг шоли навлари кўчат қалинлигига ва маҳсулдор поялар сонига таъсирини ўргандик. Микроўғитлар қўллашнинг шоли навлари кўчат қалинлигига таъсири тўғрисидаги тажриба маълумотлари жадвалда келтирилган.

Шолининг “Лазурный” навида 1 м² майдондаги ўсимликлар сони бўйича сочма усулида олиб борилган вариантларда 1 м² майдондаги ўсимликлар сони экиш даврида 279-281 дона/м², ўримдан олдин 162-164 дона/ м² уруғ сочма усулда экилган вариантларда қайд этилди. Кўчат усулида экилган вариантларда ўсимликнинг кўчат қалинлиги экиш даврида 78 дона/м², ўримдан олдин 75 дона/м² ташкил этган. Шоли кўчатлари механизмда экилган шароитда 1 м² майдондаги ўсимликлар сони экиш даврида 83-84 дона/м², ўримдан олдин 81 дона/м² ташкил этди.

№	Вариантлар	Экиш усули	Ўсимликлар сони, дона/м²		Кўчатнинг ўримгача сақланиши, %
			Экиш даврида	Ўримдан олдин	
Лазурный					
1	N ₁₈₀ P ₁₅₀ K ₁₅₀	қўлда кўчат	78	75	96,6
2		механизмда кўчат	83	81	98,0
3		уруғидан сочма	279	162	57,9
4	N ₁₃₅ P ₁₁₃ K ₁₁₃ + Kristalon 6 кг/га	қўлда кўчат	78	75	96,2
5		механизмда кўчат	83	81	97,2
6		уруғидан сочма	280	164	58,5
7	N ₁₃₅ P ₁₁₃ K ₁₁₃ + Logopuser 1 л/га	қўлда кўчат	78	75	96,2
8		механизмда кўчат	84	81	96,8
9		уруғидан сочма	281	162	57,7
Искандар					
1	N ₁₂₀ P ₁₂₀ K ₁₅₀	қўлда кўчат	78	75	95,7
2		механизмда кўчат	83	81	97,6
3		уруғидан сочма	280	161	57,9
4	N ₉₀ P ₉₀ K ₁₁₃ + Kristalon 6 кг/га	қўлда кўчат	78	75	96,2
5		механизмда кўчат	82	81	98,4
6		уруғидан сочма	279	162	58,1
7	N ₉₀ P ₉₀ K ₁₁₃ + Logopuser 1 л/га	қўлда кўчат	77	75	97,0
8		механизмда кўчат	83	81	97,6
9		уруғидан сочма	276	162	58,3

Шолининг “Искандар” нави сочма усулида экилган шароитда 1 м² майдондаги ўсимликлар экиш даврида 276-280 дона, вегетация даври охирида, ўримдан олдин 161-162 донани ташкил этди. Кўчат қалинлиги бўйича энг юқори кўрсаткич 162 дона шолининг “Искандар” нави N₉₀P₉₀K₁₁₃ фонида Kristalon 6 кг/га ва N₉₀P₉₀K₁₁₃ фонида Logopuser 1 л/га микроўғити фонида уруғлар сочма усулда экилган шароитда қайд этилган. Кўчат қалинлиги бўйича энг паст кўрсаткичлар 1 м² майдондаги ўсимликлар шоли кўчат усулида экилган вариантларда кузатилган. Шоли кўчати қўлда экилганда 1 м² майдондаги ўсимликлар сони экиш даврида 77-78 донани, ўсув даври охирида ўримдан олдин 75 донани ташкил этган.

Шоличиликда кўчатларни ундириб олиш билан бир қаторда кўчатларни сақлаб қолиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу туфайли тажрибада кўчатларнинг вегетация даври охирида сақланиб қолиши ҳам ўрганилди.

Тажриба натижаларига, кўра сақланувчанлик кўрсаткичи уруғ сочма усулда экилган вариантларда 57,7-58,5%, механизмда экилган вариантларда 96,8-98,0%, кўчати қўлда экилган шароитда 96,2-96,6% ни ташкил этди.

Кўчатларнинг сақланувчанлиги бўйича нисбатан паст кўрсаткичлар 57,9% минерал ўғитлар N₁₂₀P₁₂₀K₁₅₀ кг/га меъёрда озиклантирилиб, уруғ сочма усулида экилган шароитда қайд этилди. Кўчатларнинг сақланувчанлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар 98,4% кўчат механизмда экилиб, N₉₀P₉₀K₁₁₃ фонида Kristalon 6 кг/га қўлланилган шароитда кузатилди.

Шолининг сақланувчанлиги бўйича нисбатан паст кўрсаткичлар 57,9-58,3%, шоли уруғлари сочма усулда экилган шароитда, энг паст кўрсаткич эса 57,9% шолининг “Искандар” нави уруғ сочма усулида экилиб N₁₂₀P₁₂₀K₁₅₀ кг/га меъёрда озиклантирилган шароитда қайд этилди. Тажрибада N₉₀P₉₀K₁₁₃ фонида Kristalon 6 кг/га қўлланилган вариантда кўчатларнинг сақланувчанлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар шоли кўчатлари механизм билан экилган вариантларда кузатилди. Бу вариантларда кўчатларнинг сақланувчанлиги 98,4% ни ташкил этди. N₉₀P₉₀K₁₁₃ фонида Logopuser 1 л/га қўлланилган вариантда шоли кўчатларининг сақланувчанлиги бўйича нисбатан кўчатларда юқори кўрсаткич 97,6% шоли кўчатлари махсус механизмларда экилган шароитда қайд этилди.

Экиш усулларини шоли ўсимлигининг сақланувчанлигига сезиларли ижобий таъсир этиши аниқланди. Бунга кўра, шоли кўчати қўлда ва механизмда экилганда уруғидан экилганга нисбатан ўрим-йғимгача сақланувчанлиги “Лазурный” навида 38,4-40,1%, “Искандар” навида 37,4-40,3% юқори бўлганлиги

қайд этилди.

Динара САИТХАНОВА,
Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг
таълим докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Зеленский, Г.Л. Рис: биологические основы селекции и агротехники: Монография. Краснодар: КубГАУ, 2016. – 236 с.
2. Исхаков Т.Э., Тилаев У.Х. Шолини кўчат усулида етиштиришда навларнинг аҳамияти. Шоличилик ва дуккакли дон экинларини ривожлантиришнинг истиқболлари: нав яратиш уруғчилик янги технологияларни жорий қилиш. Тошкент. Меҳнат. 1998. 18-20 б.
3. Отамирзаев Н.Ф. “Шолининг “Искандар” навини қуруқликда ва сувда ҳамда кўчат усулида экишни тадқиқот этиш.” 2011 йил, илмий ҳисобот ЎЗШТИ, Тошкент-2011 йил, 12-20 б.

УЎТ: 633.18: 631.543.3, 631.816.355

ТАДҚИҚОТ

АҲОЛИНИНГ ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЯ ЭКИНИНИНГ АҲАМИЯТИ

В статье проанализирована работа, проделанная в возделывании сои для обеспечения потребности населения в масличных культурах, а также площади и урожайность выращиваемых культур на сегодняшний день. Были внесены предложения по увеличению производства сои, повышению качества и урожайности.

The article analyzes the work done in the cultivation of soybeans to meet the needs of the population in oilseeds, as well as the area and yield of cultivated crops today. Proposals were made to increase soybean production, improve quality and yield.

Мамлакатимиз аҳоли сонининг ортиб бориши билан бир қаторда аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳам бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиб, мамлакатимизда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни талаб этмоқда. Соя экин экиладиган майдонлар ва сув чекланган ресурслар бўлганлиги сабабли озиқ-овқат, жумладан, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда интенсив усулдан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Аҳолини ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлашда соя экинлар экиш ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш катта аҳамиятга эга.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда соя экинлар етиштириш муҳим аҳамиятга эга. “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун илмий-тиббий жиҳатдан асосланган озиқ-овқат меъёрлари бўйича тавсиялар”да аҳолининг ўсимлик мойига бўлган тиббий меъёр талаби бир йилга ўртача 6,9 кг эканлиги белгиланган.

Республика ҳукумати томонидан соя экинлари майдонларини кўпайтириш ҳамда такрорий экин сифатида экиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чоралари қўрилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “2017-2021 йилларда Республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2832-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги — Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 105-сонли қарорлари қабул қилинди.

Бу қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида соя биринчи марта катта майдонларда экилганлиги сабабли, 2017 йилда 5756 га фермер хўжаликларнинг жами 12 минг 300 гектар майдонида экилиб, ундан 13 минг 658 тонна ҳосил олинди. Бу эса, ўртача гектаридан 11 ц/га дан тўғри келди. 2018 йилда асосий майдонларда 18 минг 500 гектар соя экини экилиб, жами 32 минг 375 тонна ҳосил олинди. 2020 йилга келиб эса бу кўрсаткич 28,2 минг гектарга етди ва сояни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотлар миқдори икки баравардан зиёдга ортди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Республикада 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 9 минг 700 гектар ортиқ майдонга соя экилиб, 152,4% га ошган. Ҳосилдорлиги эса 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 4,8 ц/га ҳосил олиб, 127,4% га ошган.

Ҳозирги кунда соя экинларини етиштиришга алоҳида урғу берилаяпти. Соя донидан мой, маргарин, соя пишлоғи, соя

Республика бўйича асосий турдаги соя экини бўйича экин майдони ва ҳосилдорлиги ҳамда унинг ўзгариши таҳлили

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2020 йил	2020 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши, %
Майдони, га	12300	18500	28200	152,4
ҳосилдорлик, ц/га	11	17.5	22.3	127,4

уни, қандолат ва консерва маҳсулотлари олинади. Бундан ташқари, унинг донида 52 фоизгача оқсил, 25 фоизгача мой, уларнинг таркибида турли витаминлар, сомонида эса 4-5 фоиз оқсил ва 5 фоизгача ёғ олинади.

Соя экинларини етиштириш ва ривожлантириш аҳолини ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабини бир маромда қондириш, ички истеъмол бозори маҳаллий ёғ-мой маҳсулотлари билан қафолатланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда соя экинлар етиштиришни кўпайтириш, сифатини ва ҳосилдорлигини ошириш учун қуйидагиларга эътиборни кучайтириш лозим:

- соя экинларини ишлаб чиқаришдан бошлаб пировард истеъмолчиларга етиб боргунча бўлган босқичларда

йўқотишларнинг олдини олиш;

- фермер хўжаликлари ва бошқа соя экинлари етиштирувчи хўжаликларда ҳосилдорлики янада ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- замонавий технологиялар ва миллий анъаналар асосида мойли экинларни қайта ишлаш натижасида олинadиган маҳсулотларни кўпайтириш ва аҳолини йил мобайнида ушбу маҳсулотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Музаффар РАХМАТАЛИЕВ,
ТИҚХММИ МТУ катта ўқитувчиси,
Гулноза ТОШХЎЖАЕВА,
ТИҚХММИ МТУ ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2832-сонли қарори.

2. А.С.Исраилов. “Ёғ-мой саноати мажмуини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари”. Мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлаш: ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. ТошДАУ. 2018 йил 21 апрель. 4-5 б.

УЎТ: 631.51:635.651.

ТАДҚИҚОТ

ИНДОВ – СОҒЛИК ГАРОВИ

В статье представлены литературные данные и новые результаты исследований масличных культур индав (Eruca sativa Gars, Brassicaceae).

In studies on a complex of production and biological characteristics, yield promising new varieties of indav (Eruca sativa Gars, Brassicaceae)

Кейинги йилларда республикаимизда мойли экинлар жами 110-120 минг гектар атрофида экилишига қарамасдан, аҳолининг кунлик мойга бўлган истеъмоли, айнан пахта мойи ҳисобидан қопланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2016-2017 йилларда жами ишлаб чиқарилган ўсимлик мойининг 95,6 % ини пахта ёғи ҳисобидан ҳамда атиги 4,4% ини эса, бошқа экинлардан олинган мойлар ташкил этган.

Республикаимизда лалмикор майдонларида мойли экинларни етиштириш ерлардан унумли фойдаланишга имкон яратиш билан бирга, асосий тармоқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни аҳолининг ёғ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш муаммосини ечишга кенг йўл очади.

Шундай мойли экин турларидан бири қадимдан лалмикор майдонларда экиб келинган, табиий шифобахш мой олинadиган индов экинидир (маҳаллий манбаларда ундов деб юритилади).

Халқ хўжалигидаги аҳамияти: Индов экини руккола ёки эрма эрука деб номланиб, у карамгулдошлар оиласига мансуб. *Eruca sativa* Gars, Brassicaceae бир йиллик ўзидан чангланувчи мойли ўсимлик тури ҳисобланади. Унинг сариқ ва қўнғир рангли уруғларга эга бўлган хиллари мавжуд. Уруғи таркибида 25-32% ярим қурийдиган мой бўлади.

Ажратиб олинган мойидан салатлар тайёрлашда ва сабзавот сифатида гўштли овқатлар ва пасталарга қўшимча сифатида қўшилади.

Индов мойи таркибида эрук (20-42%), линол (12-24%), линолен (17%), олеин (18%) ва инсон саломатлиги учун зарур бўлган гликозидлар мавжуд.

Халқ табobatiда тери касалликларида, ошқозон яллиғланганда, гематомани даволашда кенг қўлланилиб,

қадимда уни мусаффо ҳид тарқатувчи ўсимлик сифатида билишган.

Индов бой, ўткир ҳидга эга бўлганлиги сабабли ўсув даврида, айниқса, гуллаш даврида ўзидан кучли ҳид таратади ва атрофига зарарли ҳашаротларни яқинлаштирмайди.

Шунингдек, чорва молларида учрайдиган қўтир касаллигини даволашда индов бебаҳо малҳам ҳисобланади. Мойи озиқ-овқатда ва техника соҳасида ишлатилади. Қорамтир, ўткир хидли, тахир бўлиб, совун ишлаб чиқаришда, тўқимачилик ҳамда лак-бўёқ саноатида ишлатилган.

Кўп ҳолларда мойли экин сифатида экма индов мой олиш учун кўп экилган.

Ажратиб олинган мойидан салатлар тайёрлашда ва сабзавот сифатида гўштли овқатлар ва пасталарга қўшимча сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Индов мойли экинлар ичида қурқоқчиликка ўта чидамлилиги билан фарқланади. Бу экин тури Ўрта Ер денгизининг ғарб томонларида, Европанинг жанубида ва Ҳиндистонда 4-5 тури учрайди. Марказий Осиёда (Тожикистон, Қирғизистон, жанубий Қозоғистон) ёввойи ҳолда дала-даштарда учрайди.

Морфологик белгилари: Пояси тик ўсувчан, 12-25 тагача шохлайди, ёншоҳлари яхши ривожланган, туксиз, баландлиги 30-80 см бўлади, илдизи ўқилдиз бўлиб, тупроқнинг 1-1,5 метр қатламигача кириб боради.

Меваси тўрт қиррали, кўп уруғли, узунлиги 20-22 мм, қўзоқча шаклида бўлиб, етилганда чатнамайди. Мевалари юқори томонга йўналган бўлади. Уруғи майда шарсимон, сариқ, қўнғир рангда 2-3 мм, 1000 дона уруғининг вазни 2,5-3,0 г. Бўлади.

Етиштириш агротехникаси: Индовни баҳорги экинлар билан бир вақтда март ойининг сўнги ўн кунлигида экиш мумкин. Кечки муддатларда экилганда кам шохлаб,

ҳосилдорлиқнинг сезиларли пасайишига олиб келади.

Экишдан олдин ер эрта баҳорда 20-22 см чуқурликда ҳайдалиб, ундан сўнг сифатли қилиб бороналади. Ерга ишлов беришда ер юзи текис бўлиши талаб қилинади. Уруғи майдалигини ҳисобга олган ҳолда очик далага уруғ олиш мақсадида экилганда қатор ораси 60-70 см, ўсимлик ораси 10-12 см ораликда 1-1,5 см чуқурликка экилади. Экиш меъёри 4-5 кг/га.

Уруғлари 6-12°C да 8-10 кунда майсалайди. Ўсимликнинг яхши ўсиб ривожланиши учун 16-22°C ҳарорат мақбул ҳисобланади. Майсалари 6-7°C совуқ ҳароратга ҳам бардош беради. Ўсув даври қисқа бўлиб, 85-90 кунни ташкил этади.

Ўсув даврининг дастлабки ривожланиш даврида бегона ўтлардан тозаланиб, ягона қилинади ва нимжон майсалари юлиб ташланади. Унинг таркибида эфир мойлари кўп бўлганлиги ва ўзидан кучли ҳид чиқарганлиги туфайли касаллик ва зараркунандалар унга зарар келтирмайди. Пишиб етилганда дони тўкилиб кетмаслиги учун ўрим ишларини ўз вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Индовнинг уруғ

маҳсулдорлиги юқори бўлиб, ҳосилдорлиги лалми ерларда 8-12 ц/га ни ташкил этади.

Бугунги кунгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат рестрига янги навлар бўлмаганлиги сабабли индов навлари киритилмаган.

Лалмикор Деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида ундовнинг янги навларини яратиш борасида кўп йиллик илмий изла-нишлар олиб борилганлиги самараси натижасида яккатанлаш йўли билан танлаб олинган янги "Малҳам" нави яратилди ва бугунги кунда ушбу навнинг бошланғич уруғчилик тизими тўлиқ йўлга қўйилиб, қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига топшириш учун тайёрланмоқда.

Шерали ОРИПОВ,

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Мойли экинлар генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири, қ.х.ф.ф.д., к.и.х.

УЎТ: 636.28/22.72.75.10

ТАДҚИҚОТ

СИММЕНТАЛ ЗОТИГА МАНСУБ СИГИРЛАРНИНГ ПУШТДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Сутчилик қорамолчилигида поданинг маҳсулдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Ҳайвонларни озиклантириш ва сақлаш билан бир қаторда долзарб муаммоларни ҳал этиш учун подани такрор кўпайтириш масаласи ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Сигирларнинг пуштдорлик хусусиятлари улардан сутбоп подада фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Урғочи таналарни кучайтирилган озиклантириш даражасида жадал парваришлашнинг организмнинг шаклланиши ва кўпайиш хусусиятларига таъсирини ўрганиш ишларидан мақсад тез етилувчан ҳайвонларни етиштиришга қаратилди.

Келтирилган жадвалда, парваришлаш даврида организмда моддалар алмашинуви юқори даражада кечиши ва ўсиш энергиясининг ортиши уларнинг юқори даражадаги кўпайиш хусусиятларига мос келди, тажриба гуруҳи урғочи таналарининг биринчи марта куюкиши ўртача 228,4 кунлигида, баъзи ҳайвонларда 199 кундан 241 кунгача бўлган ораликда, назоарт гуруҳда эса ўртача 241,3 кунлигида, 226-261 кунлар оралигида содир бўлди.

Тажриба гуруҳидаги урғочи таналарнинг биринчи марта куйга келиш ёши назорат гуруҳига нисбатан 5,4% га камай-тиришга эришилди. Самарали уруғлантириш ёши тажриба гуруҳида 50 кунга мос камайиши уларнинг уруғланиш даражасида ҳам намоён бўлди. Уларнинг уруғланиш индекси тендошларига нисбатан камроқ муддатни ташкил этди.

Ҳайвонларнинг биринчи марта куйга келиши уларнинг тирик вазни миқдори билан боғлиқ. Тажриба гуруҳ таналарнинг биринчи куйга келишдаги тирик вазни 215,2 кг.ни, ва назорат гуруҳда 197,2 кг.ни ташкил этди. ($P>0,999$) Бу ҳолат юқори даражада озиклантирилган бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиши сутдан кейинги даврда ҳам жадал давом этиб ўзларининг тендошларига нисбатан тезроқ ривожланди. Тажриба гуруҳидаги таналарининг назорат гуруҳига нисба-тан эртароқ уруғланишларига сабаб бўлди. Тажриба гуруҳ таналари ўртача 469,0 кунлик ёшида, баъзи ҳайвонларда

450-491 кун оралигида, назорат гуруҳидаги таналар ўртача 519,0 кунлик ёшида, 510-560 кун оралигида уруғландилар.

Биринчи марта уруғлантириш пайтидаги тирик вазн миқдори тажриба гуруҳида 394,1 кг.ни, назорат гуруҳида 360,2 кг.ни ташкил этган. Шу ўринда, таъкидлаш керакки, тажриба гуруҳ урғочи таналари биринчи марта 469,0 кунлигида, на-зорат гуруҳи 519,0 кунлигида уруғланди.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоизки, тажриба гуруҳидаги ғунажинлар ўртача 751,3 кунлик, 735-786 кун оралигида, на-зорат гуруҳидагилар ўртача 811,5 кун, 704-840 кун оралигида

1-жадвал.

Тажриба гуруҳидаги таналарнинг пуштдорлик хусусиятлари кўрсаткичлари, (n-15)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	Назорат	Тажриба
Биринчи куюкишдаги ёши, кун	241,3±4,7	228,4±3,9
Биринчи куюкишдаги тирик вазни, кг	197,2±1,77	215,2±1,65
Қочирилгандаги ёши, кун	519±5,1	469±4,7
Қочирилгандаги ўртача тирик вазни, кг	360,2±3,7	394,1±3,2
Бўғозлик даври, кун	282,7±0,62	282,3±0,56
Туғишдаги ёши, кун	801,7±5,1	751,3±4,5
Туғишдан кейинги ўртача тирик вазни, кг	510,8±3,1	593,9±2,9
Уруғлантириш даражаси, %	83,6	83,5
Бузоқ олиш, %	100	100
Сервис даври, кун	59±2,1	46±1,77

бўлган вақт оралиғида бузоқ олинди. Шу билан бирга, тажриба ғунажинлари назорат гуруҳга нисбатан ўртача 51,2 кунда назорат гуруҳига нисбатан эрта туғди.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳайвонлар кўпайиш органларининг функционал ривожланиши ва шаклланиши – организмларнинг ўсиш ва ривожланишига боғлиқ. Бу борадаги хулосаларимиз – ўсаётган ёш молларнинг жинсий қобилияти нафақат уларнинг ёши билан белгиланади, балки, унга тез етилиувчанлик, ҳайвоннинг ривожланиш даражаси, озиқлантириш даражасига ҳам боғлиқ, демакки, жинсий жиҳатдан етилиш тананинг катталиги ва вазни билан ҳам боғлиқлигини кўрсатиб ўтган қатор тадқиқотчиларнинг хулосаларига мос келмоқда (Аширов М.И. 2015; М.Аширов, 2017; Н.Р.Рузиев 2016).

Тадқиқотларда назорат гуруҳи ва тажриба гуруҳи таналарининг биринчи оталанишдаги ёши тажриба гуруҳи таналарига нисбатан 12,6 кун ($P>0,99$) қисқа ҳамда тирик вазни 18 кг.га ($P>0,999$) кам бўлди. Тажрибадаги симментал зотига мансуб қорамолларни озиқлантириш рационини тўйимлилик қийматини 20-30% га оширилган гуруҳда қочириш ёши назорат гуруҳи хўжалик рационига боқилган тенгқурларига нисбатан 50 кун олдин сунъий уруғлангирилди. Қочирилгандаги ўртача тирик вазни бўйича 33,9 кг-га ортиқча бўлиб, туғиш ёши бўйича 50,4 кун тенгқурлари назорат гуруҳига нисбатан эрта туғди.

Тажриба гуруҳидаги симментал зотига мансуб сигирларнинг туғишдан кейинги ўртача тирик вазни $593,9 \pm 2,9$ кг.ни ташкил этиб, тенгқурлари назорат гуруҳига нисбатан 83,9 кг-га ёки 14% га ортиқча бўлди.

Тадқиқотларда Сирдарё вилоятининг чўл ҳудуди симментал зотли ёш урғочи бузоқларни йил фаслларида қатъий назар яйратиш майдончаларида юқори озиқлантириш даражасида ўстириш уларнинг ўсиш даврларида юқори ўсиш суръатини ва туққандан кейинги лактациянинг дастлабки 100 кунли мобайнида юқори сут маҳсулдорлигини таъминлашни кўрсатади.

Хулоса: Юқоридагиларни ҳисобга олиб, подани тўлдиришга мўлжалланган урғочи бузоқларни парвариш-лашнинг замонавий технологиялари яхши озиқлантириш ва сақлаш шароитларида жадал парваришлагга асосланиши лозим. Чунки, бу тадбир сигирлар етиштириш муддатларини қисқартиришга, подани тақрор кўпайтиришнинг тезлаштиришга ҳамда сутчилик ферма ва комплекслари подаларининг тезроқ шаклланишига ёрдам беради.

Усмон АСРАЕВ,

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти докторанти,

Фаёзиддин БАХРИДДИНОВ,

Фарғона ДУ (DSc) докторанти, қ.х.ф.ф.д.

АДАБИЁТЛАР

1. Аширов М.Э. Сутдор қорамоллар селекцияси. Тошкент, 2017, 379 б.
2. Рўзиев Н.Р. Қизил чўл ва англери зотлари генотипидаги сигирларнинг селекция белгиларини тирик вазни ва ташқи муҳит омилларидан фойдаланиб такомиллаштириш. 2016 й. Қ.х.ф.д. диссертацияси.
3. Аширов М.И. Современный свицкий скот и его продуктивность Ж. «Зооветеринария», №7, 2015, с 26-28.

УЎТ: 633: 631.6

ТАДҚИҚОТ

СИЗОТ СУВЛАРИ САТҲИ НАЗОРАТИ – ДАВР ТАЛАБИ

This article provides information on groundwater, groundwater, their mineralization, groundwater level, the role of water management in the prevention of salinization and swamping by taking them into account when conducting irrigation works.

Ҳаётни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қадимдан сувни тоза сақлашга, ундан оқилана фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келинган ва ҳар доим инсонларни сув билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бўлиб келган. “Сув ва сувдан фойдаланиш” тўғрисидаги қонунда “Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки – умуммиллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилана фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади” деб эътироф этилган

Республикамизда ягона сув фонди - дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ерусти ҳавзалари ва сув манбалари, ерусти сувлари ва музликлардан иборат. [2].

Сув таъминоти манбалари сифатида ерусти ва ерусти сувларидан фойдаланилади (1-жадвал).

Иқлим бўйича содир бўладиган ҳамма ўзгаришлар ва суғориш сувлари сизот сувлари сатҳини ўзгартиради. Ёғин кам бўлган йилларда сизот сувларининг сатҳи пасаяди, ёғин кўп йиллари эса уларнинг сатҳи, аксинча, кўтарилади. Сизот сувларининг сатҳи атмосфера босимига ҳам боғлиқ бўлади.

Сизот сувлари ўзларининг таркибида органик ва минерал моддаларни ва коллоидларни жуда кўп миқдорда сақлайди ва миқдори 5 - 200 г/л ва ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Уларга силикатлар, карбонатлар, бикарбонатлар, хлоридлар, сульфатлар, нитратлар ва ишқорий ер металлари киради. Сизот сувларнинг минерализацияси тупроқ ва унинг қатламларида тузларнинг тўпланиши ва аралашishiда катта аҳамиятга эга [1, 3].

Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишда суғориладиган майдонларнинг гидрогеологик шароитлари ва рельефи катта эътибор бериш лозим. Бунда ерусти сувлари чуқурлиги ва минерализация даражасига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлинади (2-жадвал).

Қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда тупроқнинг механик таркиби, экин тури ва сизот сувлар сатҳини эътиборга

1-жадвал.

Сув таъминоти манбалари

Ерусти сув манбалари	Ерусти суви манбалари
Дарёлар	Грунт сувлари
Каналлар	Ерусти сувлари оқимлари
Сойлар	Артезиан сувлар
Кўллар	Булоқлар
Сув омборлари	

Ерости сувларининг чуқурлиги ва минерализация даражаси

2-жадвал

Ерости сувлари чуқурлиги бўйича гуруҳланиши	Ерости сувларининг минерализация даражаси бўйича гуруҳланиши
0,5 м дан юқори	1 г/л дан кичик бўлса чуқуқ сув
0,5-1 м гача	1 - 3 г/л - жуда кучсиз минераллашган
1-1,5 м	3 - 5 г/л - кучсиз минераллашган
1,5-2 м	5 - 10 г/л - ўртача минераллашган
2-3 м	10 - 20 г/л - кучли минераллашган
3-6 м	20 - 40 г/л - жуда кучли минераллашган
6-10 м	40 - 50 г/л - намақобга яқин
10 м дан чуқур	50 г/л дан катта бўлса - намақоб

олиб суғориш (муддати, сони, меъёрлар ва бошқ.) ни ишлаб чиқиш лозим. Акс ҳолда, суғориладиган тупроқларнинг иккиламчи шўрланиши ва ботқоқланишига олиб келади. Ерни шўрланиш ва ботқоқланишининг олдини олиш ва уларга қарши курашда қўлланиладиган сув-хўжалик тадбирлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сув-хўжалик тадбирларининг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади: 1. Сувдан режали фойдаланиш - бунда хўжалик (фермер, деҳқон ва агрокластерлар), туман, вилоятларда сувдан фойдаланиш режалари тузилади ва шу режада экинларни суғориш муддати, суғориш сони, меъёрлари ва тармоқдан лимит бўйича сув олиш кўрсатилади; 2. Суғоришнинг сувни тежайдиган янги усулларини қўллаш (эгатлаб, ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усуллари); 3. Каналлар ва суғориш тармоқларидан сувнинг фильтрацияга

исроф бўлишини камайтириш (асосий, химиявий ва оддий тадбирлар); 4. Суғориш тармоқларини лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш; 5. Хўжаликда сув алмашинувини жорий қилиш; 6. Хўжаликда сутка давомида сувдан фойдаланиш; 7. Суғорилмайдиган даврларда суғориш тармоқларини беркитиб қўйиш; 8. Сизот ва ерости сувларидан экинларни суғоришда ва шўр ювишда фойдаланиш; 9. Хўжаликда сув ўлчаши ишларини ташкил қилиш.

Бундан ташқари, шўрланган ерларда етиштириладиган экинларни суғориш нормаси шўрланмаган ерлардаги экинларнинг суғориш нормаларидан 20-25% кўп бўлиши керак. Чунки вегетация даврида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ва минераллашган сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашиши натижасида улар тез буғланади ва суғоришлар орасидаги даврларда тузлар тез тўпланиб қолади. Шу тўпланган тузларни чуқур ювиш учун ортиқча сув сарфланади.

Ҳозирги вақтда Республикамизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доираси дарахт экиш тадбирлари кенг қўламда амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ихота дарахтларининг аҳамияти шундаки, улар сув ресурсларини кўпайтиради, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилади, сизот сувлар сатҳини пасайтиради, суғориладиган, далаларда микроклим вужудга келтиради.

Ихота дарахтлари асосан далаларнинг четларига ва суғориш тармоқлари бўйлаб экиш тавсия этилади. Улар 5-6 қатор экилиб, уларнинг умумий кенглиги 12 - 15 м бўлади. Дарахт полосалари орасидаги масофалар эса 400-500 м бўлиши керак. Ихота дарахтлари таркибига тол, терак, қайрағоч, дуб, тут, жийда, оқ акация киради. Ботқоқланган ерларга кўпроқ тол ва терак, шўрланган ерлари эса жийда ва оқакция экиш яхши натижа беради.

Шавкат УСМОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги

Бошқарма бошлиғи,

Шамшиддин ТЎРАЕВ,

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш

бошқармаси ихтисослашган бўлим ирригатори,

илмий тадқиқотчи,

Бобур ШОНИЁЗОВ,

ТошДАУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Сизот сувлари сатҳи юқори жойлашган шароитда қишлоқ хўжалиги ерлари шўрланишини камайтириш тадбирлари бўйича қўлланма. ҚСХВ, ЎФК.
2. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун. 837-XII – сон. Тошкент. 1993 й. ЎРҚ - 733, 2021 й.
3. Гофурова Л.А., Абдуллаев С.А., Намозов Х.Қ. Мелиоратив тупроқшунослик. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Тошкент, 2003. – 190 б.

УДК: 691.58:626:826

ИССЛЕДОВАНИЕ

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БЕСПИЛОТНОЙ АЭРОФОТОСЪЕМКИ ДЛЯ СОЗДАНИЯ ТРЕХМЕРНЫХ МОДЕЛЕЙ МЕСТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

This article discusses the improvement of the well-known waterproofing composition in order to ensure the technological advantage in the production of material in the field.

Сегодня во всем мире очень активно идет использование беспилотной аэрофотосъемки, потому что она опережает все возможные методы инженерных изысканий. В отличие от косми-

ческих снимков — это большое разрешение, возможность перспективной и панорамной съемки, съемка на малой высоте, что дает возможность не учитывать облачность; в отличие от съемки

на пилотируемых самолетах — безопасность экипажа, низкая стоимость, отсутствие необходимости в аэродромном базировании, в отличие от полевых геодезических методов — оперативность. На самом деле, нет, наверное, области в современном мире, где бы нельзя было эффективно применить беспилотники.

Аэрофотосъемка как вид дистанционного зондирования Земли (ДЗЗ) — это наиболее производительный метод сбора пространственной информации, основа для создания топографических планов и карт, создания трёхмерных моделей рельефа и местности [3]. Аэрофотосъемка выполняется как с пилотируемых летательных аппаратов — самолётов, дирижаблей и аэростатов, так и с беспилотных летательных аппаратов (БПЛА). Задача получения ортоскопического фотографического изображения определённого участка местности (ортофотоплан) и объёмной модели местности разделяется, как правило, на две задачи. Первая задача — это планирование и выполнение фотографирования заданного участка местности с воздуха со строго оговоренными требованиями к размеру, качеству и взаимному расположению фотографий. Вторая задача — это фотограмметрическая обработка массива фотографий и данных телеметрии с целью получения готовой продукции. Готовой продукцией могут быть как ортофотопланы, так и трёхмерные модели местности — растровые и векторные, — созданные в определённых форматах распространённых программных средств.

Преимуществом БПЛА [3] перед пилотируемыми воздушными судами является, прежде всего, стоимость производства работ, а также значительное уменьшение количества регламентных операций. Само отсутствие человека на борту самолёта значительно упрощает подготовительные мероприятия для проведения аэрофотосъёмочных работ. Во-вторых, особенно при использовании электрической двигательной схемы, отсутствует необходимость в квалифицированной технической помощи в обслуживании летательного аппарата; не так сложны мероприятия по обеспечению безопасности на объекте работ. В-третьих, отсутствует или намного увеличен межрегламентный период эксплуатации БПЛА по сравнению с пилотируемым воздушным судном. Современный БПЛА — это совершенное техническое устройство, использующее все самые современные разработки в области микроэлектроники и программирования, химии полимеров и композитных материалов, навигационного и фотографического оборудования.

Аэрофотосъёмочное оборудование на беспилотном летательном аппарате (БПЛА) устанавливается в зависимости от класса БПЛА и цели его использования. На микро и мини БПЛА устанавливаются компактные цифровые фотокамеры, комплектные сменными объективами с постоянным фокусным расстоянием (без трансфокатора или «зум»-устройства) весом 300–500 грамм, доработанных 645D (матрица 40 МП, CCD-сенсор 44x33 мм) и им подобные, весом 1,0–1,5 кг. Таким образом, возможности БПЛА не уступают возможностям пилотируемой техники.

Носитель аэрофотосъёмочной аппаратуры [2] должен предельно точно следовать проектному положению маршрутов аэрофотосъёмки, выдерживать заданный эшелон (высоту фотографирования), обеспечивать требования по соблюдению предельных отклонений по углам ориентирования фотокамер. Кроме того, навигационная аппаратура должна обеспечивать

точное время срабатывания фотозатвора и определять координаты центров фотографирования.

Полученный в результате выполнения аэрофотосъёмочного задания массив данных подлежит фотограмметрической обработке с помощью специального автоматизированного программного обеспечения Agisoft PhotoScan.

В результате обработки материалов фотосъёмки в Agisoft PhotoScan могут быть получены:

- трёхмерные модели местности в TIN и DEM форматах (рис.1);
- трёхмерные модели местности с текстурой из исходных фотографий;
- трёхмерные модели местности в виде облаков точек;
- ортофотопланы заданного пользователем разрешения в пользовательских границах и нарезке.



Рис.1. Трёхмерная модель местности на территории ансамбля ХАСТИ-ИМОМ.

В 2019 году с помощью беспилотного летательного аппарата GEOSCAN-201, специалистами УЗГАШКЛИТИ, была выполнена беспилотная аэрофотосъёмка на территорию ансамбля ХАСТИ ИМОМ и создана 3D модель (рис.1) с использованием программного комплекса Agisoft PhotoScan.

В программе Agisoft PhotoScan нет ограничений на величину фотографий [4] и число одновременно обрабатываемых изображений.

В настоящее время в Узбекистане идет активное использование беспилотной аэрофотосъёмки для целей создания картографической основы.

Так, например, начиная с 2016 года, когда топографо-геодезическими предприятиями были приобретены беспилотные летательные аппараты типа Geoscan 201, гексакоптер MMC A6 PLUS, квадрокоптер Pontom4pro, в Узбекистане стали стремительно использоваться цифровые методы создания топокарт и планов.

Используются беспилотники как самолетного, так и мультироторного типа. Появилась доступная альтернатива получения качественных ортофотопланов и трёхмерных моделей местности в связи с развитием микроэлектроники и применением новых материалов в конструкции БПЛА. Появилась реализация новых алгоритмов обработки фотоизображений — программа Agisoft PhotoScan, которая позволила автоматизировать традиционно трудоёмкие фотограмметрические процессы. Ключевыми преимуществами БПЛА [3] является невысокая стоимость (в сравнении с применением пилотируемой техники) и оперативность организации полётов.

Ольга ЩУКИНА, и.о.доц.,
НИУ-ТИИИМСХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Барбасов В.К., Гаврюшин М.Н., Дрыга Д.О. и др. Многороторные беспилотные летательные аппараты и возможности их использования для дистанционного зондирования Земли // Инженерные изыскания. - 2012. - № 10. - С. 38–42.
2. Зинченко О.Н. Беспилотные летательные аппараты: применение в целях аэрофотосъёмки для картографирования.
3. Щукина О.Г. Цифровая фотограмметрия и дистанционное зондирование Земли, учебник. — Ташкент, 2021.
4. WWW.Google Ручководство пользователя AgisoftPhotoScan

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

This article discusses the problem of classification of transaction costs, taking into account the specifics of the agro-industrial complex and factors that directly affect the process of managing transaction costs.

Хозирги кунда республикаимизда “иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур” [1]. Иқтисодиётимизда, айниқса, қишлоқ хўжалигида трансакция харажатлари ўзига хос хусусиятларига эга. Бу ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг пастлиги, ишлаб чиқариш хизматлари нархининг юқорилиги, юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги ва бошқа омиллар билан изоҳланади [2]. Шу боис, аграр тармоқда ташқи самараларни қўшимча харажатларини келтириб чиқаришини инобатга олган ҳолда трансакцион харажатларни пасайтириш механизмларини тартиблаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб ўтилди. Бунда мавжуд назарий билимлар асосида трансакция харажатларининг таснифи шакллантирилиб, уларнинг таркибий қисмлари тақомиллаштирилди (1-жадвал).

Таҳлил натижаларидан кўринадики, [3] қишлоқ хўжалигида трансакцион харажатлар бошқа соҳаларга нисбатан анча юқори бўлиб, кўплаб мураккаб жараёнлардан ташкил топади. Бу эса ушбу харажатларга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Чунки айланма маблағларни молиявий бошқариш тизимида трансакция харажатлари қарор қабул қилишдаги қийинчиликларни келтириб чиқаради. Хусусан, қишлоқ

хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар умумий харажатларидан трансакция харажатларини ажратиш анча мураккаб бўлиб, харажатларнинг бундай унсури бухгалтерия ҳисобида кўзда тутилмаган ҳолда содир бўлади. Шунингдек, айнан қишлоқ хўжалигида ушбу харажатларнинг аксарият қисми норасмий тарзда намоён бўлади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги тузилмаларининг шартнома тузиш босқичларига асосланган ҳолда трансакция харажатларини таснифлаш уларни ҳам микро, ҳам макроиқтисодий даражада миқдорий баҳолаш масаласини ойдинлаштиришга имкон беради. Трансакция харажатларини гуруҳлаш ва ҳисоблаш учун таклиф этилган алгоритм ҳар бир унсур учун ҳам, уларнинг умумий миқдори учун ҳам идентификациялашни ва мониторингни осонлаштиради, бу эса узоқ муддатли шартномалар тузиш харажатлари ҳақида объектив маълумот олиш имконини беради.

Юқорида келтириб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда трансакцион харажатларнинг тўғри ҳисобини юритиш корхонанинг келгусидаги рискларини камайтириш, фойда нормасини ошириш, маҳсулот сифатини юқорилигини, бозорда ўз имиджи ва харидорларига эга бўлишини таъминлайди.

Жанибек САУХАНОВ,

и.ф.н., Қорақалпоқ давлат университети доценти.

1-жадвал.

Трансакция харажатлари таснифи ва уларнинг таркибий қисмлари

№	Харажат номи	Ҳисоблаш формуласи	Ўзгарувчилар шарҳи
Ex ante харажатлар – битим тузилгунга қадар келиб чиқадиган харажатлар			
1.	Ахборотни кидириш, қайта ишлаш ва уни сақлаш харажатлари (DSAS).	$DSAS = AdC + PSIA + QSQ + SASP + BTC + CSP + DALC$	AdC – реклама харажатлари; PSIA – ахборот агентликлар хизмати учун тўловлар; QSC – сўровномалар ўтказиш харажатлари; SASP – савдо агентлари хизматлари учун тўловлар; BTC – хизмат сафари харажатлари; CSP – алоқа хизматлари учун тўлов (телефон, Internet); DALC – ахборотларни қайта ишлаш ва сақлаш жараёнидаги ишчи кучи харажатлари.
2.	Музокара олиб бориш харажатлари (NC).	$NC = RE + SASP + BTC + UCIN$	RE – вакиллик харажатлари, яъни хулоса ва шартномаларни рўйхатдан ўтказиш харажатлари; UCIN – музокара олиб боришда вужудга келадиган кўзда тутилмаган харажатлар.
3.	Ўлчаш харажатлари (MC)	$MC = CFS + EFC + OCTID + SSC + UCQM$	CFS – назорат қилувчи ходимлар учун харажатлар; EFC – маҳсус асбоб-ускуналар, ўлчов асбобларини лаборатория синовларидан ўтказиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар; OCTID – техник назорат бўлими (сифат бўлими)нинг устама харажатлари; SSC – маҳсулот ёки хизматни муайян стандарт ёки хусусиятларга жавоб беришини тасдиқлаш учун сертификатлашни ўтказиш харажатлари; UCQM – ўқазилган сифат таҳлилларини тан олинмаслиги ёки қўшимча сифат тестларини ўтказилишини талаб қилишини натижасида келиб чиқадиган қўшимча харажатлар.
Ex post харажатлар – битим тузилгандан кейин келиб чиқадиган харажатлар			
1.	Мониторинг харажатлари (MonC)	$MonC = CSPDC + CAA + EMC + CM + CTS$	CSPDC – маҳсулотни йиғиб олиш ва омондорга жойлаш жараёнидаги гуруҳлаш ва саралаш харажатлари; CAA – бухгалтер ва аудитор хизматлари учун тўлов; EMC – омондордаги маҳсулотлар мониторингини олиб борувчи ходимларга тўловлар; CM – менежер хизматлари учун тўлов; CTS – транспорт хизматлари учун тўлов.
2.			Тўлиқ олинмаган тушум шаклидаги харажатлар
3.	Ўзига хослик ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш харажатлари (SRPC)	$SRPC = SDP + PFSB + PLS + FPE + InP$	SDP – давлат божи тўлови; PFSB – суд ижрочилари хизматлари учун тўлов; FPE – жарималар, пеня ва бошқалар; InP – сугурта бадали ва сугурта хизматларидан фойдаланиш учун тўловлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь – <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг институционал асослари ва истиқболи. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2013. – Б. 67-80.
3. Сауҳанов Ж.К. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида трансакция харажатларини оптималлаштириш. // “Рақамли иқтисодиёт шароитида минтақа иқтисодиётини ривожлантириш масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. 12 октябрь 2021 йил. Нукус. –Б.141-145.

БОҒБОНЛАР ИЛМИЙ ДАРГОҲИНИНГ ТАРИХИ



Ўрта Осиёда боғдорчилик ва узумчилик қадим замонларда вужудга келган. Ўша даврларда Шош (ҳозирги Тошкент), Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида боғдорчилик ва узумчилик ривожланган, боғ ва токзорлар остида кенг ерлар эгаллаб олинган. Х асрга оид манбаларда Амударё водийси ва Хоразм воҳасидаги токзорлар ва боғлар ҳақида гап боради. Археологик қазिशмалар навларнинг хилма-хиллигини ва ўша давр маданиятининг мураккаблигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда мева экинларининг суғориладиган майдонларда тақсимланиши асрлар давомида иқлим шароити таъсирида ривожланиб келган.

Тошкент-Оренбург темир йўли қурилгандан кейингина саноат аҳамиятига эга бўлган боғлар барпо қилиниб, Россия томонларга ҳўл мева юбориш миқдори аста-секинлик билан ошиб борган. Кейинчалик Тошкент воҳасига Қрим, Франция, Америкадан янги мева навлари олиб келиниб, боғлар барпо этила бошлаган. Келтириб экилган мевалар Тошкент шароитига анча яхши мослашди. Натижада Тошкентда Европадан келтирилган олма ва бошқа хил мева навлари кенг тарқала бошлади. Тошкентдан аста-секин республикамизнинг бошқа областларига ҳам мева навлари кенг тарқала бошлади.

Ўзбекистонда боғдорчиликни ривожлантиришда 1855 йилда ташкил этилган Бутуниттифоқ Россия боғдорчилик филиали катта ижобий таъсир кўрсатди. Бу филиал 1889 йилга келиб Туркистон қишлоқ хўжалиги органига айлантирилди ва бунга кўп йиллар давомида академик Р.Р.Шредер раис бўлиб ишлаган. 1917 йилда 22 минг гектар боғлар мавжуд бўлган бўлса, 1984-1985 йилларга келиб 200 минг гектардан ортиқ бўлган.

1947 йилда мева экинларни зотли-навли районлаштириш ва узумни навли районлаштириш, узумчилик мактабларини ташкил этиш, боғдорчилик ва узумчиликни тиклаш ва янада ривожлантириш тўғрисида қарор қабул

қилинди. Ниҳоят, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1955 йил сентябр ойида қабул қилинган қарори билан 1956-1960 йиллар мобайнида 28500 гектар майдонда узумзор, 29000 гектар майдонда янги боғлар барпо этиш ва 1000 гектар ерга (ягода) резаворлар экиш режалаштирилган. 1954 йилда Ўзбекистондаги боғлар майдони 1915 йилда 22000 гектарга нисбатан 48100 га, узумзорлар 30900 гектар (1915 йилда - 18300 гектар) га етган.

1985 йилда янги ташкил қилинган ихтисослаштирилган хўжаликлар хисобига суғориладиган зоналарда, жумладан, Тошкент областида 5 минг, Фарғона областида 4 минг, Наманган областида 4 минг, Андижон областида 1,9 минг, Сурхондарё областида 2 минг, Жиззах областида 1,5 гектар янги боғлар барпо этиш мўлжалланган.

1956-1957 йилларда институт тарихида янги босқич бошланди Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва республика ҳукуматининг қарори билан республикада боғдорчилик бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган барча илмий муассасалар институт тасарруфига ўтказилиб, Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига

айлантирилди. Бу боғдорчилик, узумчилик ва виночилик бўйича барча асосий тадқиқот ишлари жамланган ягона йирик илмий марказнинг яратилишига ёрдам берди. Бу даврда институт республиканинг барча тупроқ-иқлим зоналарида жойлашган 10 та филиал, тажриба станциялари ва таянч пунктларини ўз ичига олган. Институт таркибига 13 та мева-сабзавотли фермер хўжаликлари, карантинли питомник, 200 кишилик боғбонлар ва виночилар бир йиллик мактаби, 500 кишилик совхоз-техникум ҳамда аспирантларни ўқитиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг сони 30 кишини ташкил қилган. Институтнинг 10 000 гектарга яқин ери бўлган. Институтнинг бир қатор филиаллари ва улгуржи станцияларида янги тажриба базалари яратилди, мева етиштирувчи совхозларнинг ердан фойдаланиши ва моддий-техник базаси яхшиланди, институтнинг барча муассасаларида 300 дан ортиқ илмий ва илмий-техник ходимлар фаолият юритди, охириги 10 йил ичида илмий иш учун ажратмалар 103 минг рублдан 850 минг рублгача ошди. Институт томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар мева-резавор экинлар ва узум биологияси, уларнинг агротехнологиясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, юқори маҳсулдор, совуққа чидамли, иммунитетли янги навларни ишлаб чиқиш, иқтисодиёт ва ташкилот масалаларини ўз ичига олган, боғдорчилик узумзорлари, мева турлари ва узумни зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш, боғ ва узумзорлардаги ишларни механизациялаш, меваларни сақлаш ва қайта ишлаш, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун янги ерларни ўзлаштириш, паст ўсадиган боғлар ва декоратив гулчилик, субтропик ва цитрус экинларини етиштириш бўйича ишларни ўз ичига олган. Институт томонидан ишлаб чиқилган, ҳар хил тупроқ ва иқлим зоналари билан фарқ қиладиган боғ ва тоқзорларни етиштириш технологияси республиканинг кўплаб хўжаликларида кенг жорий этилган бўлиб, улар шу асосда юқори барқарор ҳосил олганлар. Ушбу технологияни ишлаб чиқишга институтнинг Марказий тажриба базаси, Самарқанд ва Бўстонлиқ филиаллари, Фарғона ва Жанубий Ўзбекистон тажриба станциялари олимларининг илмий ишлари асос қилиб олинган. Ясси ва ҳажмли тож шаклидаги вегетатив равишда кўпайтириладиган интенсив боғларни етиштириш технологияси ишлаб чиқилган. Институт иқтисодчилари Ўзбекистонда узоқ муддатга боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, жойлаштириш ва ихтисослаштиришнинг умумий схемаси ва прогнозини ишлаб чиққанлар. Совуққа чидамлилиги, туз ва совуққа чидамлилиги билан ажралиб турадиган, мавжуд ассортиментни сезиларли даражада яхшилайдиган ва тўлдирувчи 135 та янги юқори сифатли мева ва узум навлари жорий этилди. Зотли-навли районлаштиришда институт томонидан тавсия этилган навлар 33% ни эгаллайди. Жанубий Ўзбекистон тажриба станцияси олимларининг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон учун янги навлар - хурмо, лавр

барги ва шакарқамиш етиштириш йўлга қўйилган. Селекция ишларини янада ривожлантириш учун институт ва унинг илмий муассасалари мева турлари ва узумларнинг бой коллекцияларини, шу жумладан 2600 навини яратдилар, ҳамда бу вақтда катта гибрид фонд мавжуд бўлган. Самарқанд филиали узум мевасининг ҳажмини 70-100% га оширадиган, узумнинг уруғсиз навларида гиббереллинни қўллашни тавсия қилди; узумчиликни интенсивлаштиришга қаратилган бир қанча технологик усуллари ишлаб чиқди. Институтнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси мева турлари ва узум зараркунандаларига қарши курашнинг прогрессив усуллари ишлаб чиқди - бу паст ҳажмли пуркаш, қобиғининг токсиклиги ва нитроэмульсиялардан фойдаланиш, бу боғ зараркунандаларига қарши курашни 3 баробар камайтирган бўлиб, пестицидлар истеъмолини 40-45% камайтирган. Институт механизаторлари боғ ва узумзор машиналарига НЮ-39, НЮ-19, НЮ-18, КСЛ-5 учун агротехник талабларни ишлаб чиққанлар ва бу талаблар серияли равишда ишлаб чиқилган. Шунингдек, биринчи марта боғ ва узумзорлар учун янги майдонларни - тоғ ва тоғ этагидаги зоналарни, тошлоқ ерларни, оч дашт ва Марказий Фарғонанинг суғориладиган ерларини ўзлаштириш муаммоси қўйилган ва кенг ишлаб чиқилган бўлиб, янги навларни экиш тавсия этилган. Бунга институтнинг Марказий базаси, унинг Бўстонлиқ ва Самарқанддаги филиалларининг ҳиссаси катта бўлган. Мева ва узумни қуритишнинг янги технологик усуллари ишлаб чиқилган. Виночилик тармоғи бешта янги вино турини ишлаб чиқди, улардан икkitаси Болгарияда бўлиб ўтган Халқаро вино танловида олтин медаль билан тақдирланган (1972), учтаси сифат белгиси билан тақдирланган. Умуман олганда, сўнгги 10 йил ичида институт ва унинг илмий муассасалари йилига ўртача 3 миллион рублдан ортиқ ишлаб чиқариш бўйича 30 дан ортиқ илмий тавсияномаларни ишлаб чиққанлар. Колхоз ва совхозлар мутахассисларининг малакасини ошириш учун институт ходимлари курслар ва семинарлар ўтказганлар, яратилган аспирантура юқори малакали илмий кадрлар тайёрган. Ҳар йили институт ва унга бўйсунувчи муассасалар республика колхозлари ва совхозларига 18 миллионга яқин мева, субтропик, мева навлари ва узумнинг энг яхши тавсия этилган навларини, шунингдек, 1,5-2 миллионга яқин гул ва ўрмон хўжаликларининг кўчатларини етиштириб берганлар. Институт республиканинг кўчатга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирган. Бундан ташқари, кўчатларнинг катта қисми қардош Марказий Осиё республикаларига ва мамлакатнинг бошқа вилоятларига етказиб берилган. Бу йилларда республикада боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг барча асосий босқичлари институт фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган.

Саодат КУЧКАРЕВА,
*Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт
ҳужжатлари миллий архиви катта илмий ходими.*

ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЁННАЯ НАУКЕ

12 февраля 2022 года исполняется 100 лет со дня рождения Григория Карповича Дубовского. Г. Дубовский, первый профессор Андижанского государственного университета, Заслуженный работник народного образования Узбекистана, награжден орденом Дружбы народов, медалями. До последних своих дней работал на кафедре Зоологии в Андижанском государственном университете.

За долголетнюю и безупречную работу, активное участие в совершенствовании и подготовке высококвалифицированных кадров, вклад в науку награжден орденом и медалью, знаком «Отличник просвещения», медалью имени академика Кары-Ниязова, почетными грамотами Правительства и Верховного Совета Республики, Почетной грамотой Министерства просвещения.

Он опубликовал более 300 научных трудов, выпустил 4 учебника, 4 монотематических сборника научных работ, издал 3 учебных пособия, в том числе, учебное пособие на узбекском языке в 3 томах «Зоологиядан ўқув қўлланма». В последние дни своей жизни завершил рукопись четвертого тома вышеуказанной книги.

Был заместителем председателя секции биологии учебно-методического совета Минпроса Республики, председателем конкурсной комиссии университета, членом ученого и научно-методического советов, неоднократно являлся официальным оппонентом кандидатских и докторских диссертаций в Специализированном Совете по защите кандидатских и докторских диссертаций, при Среднеазиатском научно-исследовательском институте защиты растений.

Будучи молодым, Г.Дубовский в 1947 году поступил на биологический факультет Самаркандского университета, в то время он носил название Узбекский государственный университет (УзГУ). После окончания университета был оставлен ассистентом кафедры «Зоологии беспозвоночных». В 1957 году, успешно защитив свою научную работу, получил учёную степень кандидата биологических наук.

С ноября 1957 года и до последних дней жизни он работал в Андижанском государственном педагогическом институте (ныне университет), сначала старшим преподавателем кафедры «Зоологии», а с июля 1958 года – заведующим этой кафедры. С сентября 1962 года был переведен на должность

старшего научного сотрудника для завершения докторской диссертации.

В 1966 году опубликовал монографию «Цикадовые Ферганской долины». В феврале 1968 года защитился и получил ученую степень доктора биологических наук, в 1970 году стал профессором кафедры.

В 1983 году Г.К. Дубовский опубликовал вторую монографию «Цикадовые Каршинской степи».

Многие годы Г. Дубовский заведовал кафедрой Зоологии. По словам профессора С.Зайнабиддинова, в то время ректора Андижанского государственного университета: «Все свои силы, обширные знания, богатый педагогический опыт Григорий Карпович щедро отдавал подготовке и воспитанию будущих педагогов и научных работников». Под руководством Г. Дубовского выполнено и защищено 10 кандидатских и докторских диссертаций. Григорий Карпович также принимал активное участие в общественной жизни.

Необходимо особо отметить, что с результатами своих исследований он регулярно выступал с докладами на различных международных симпозиумах, республиканских и региональных конференциях. Важное место уделяя пропаганде и значению энтомологических знаний для благосостояния страны.

Профессор Т.Мадумаров отмечает, что: «Григорий Карпович Дубовский отличался трудолюбием, принципиальностью, высокой ответственностью». С большим уважением его вспоминают его ученики доцент К. Зокиров и доцент Х.Сулайманов: «Светлая память о Г.К. Дубовском, замечательном ученом, прекрасном педагоге и человеке навсегда сохранится в сердцах его учеников, товарищей, друзей».

Г. Дубовский описал для науки свыше 500 видов цикадовых, подготовил десять кандидатов и докторов наук. До последних дней он работал заведующим кафедрой «Зоологии» Андижанского государственного Университета.



Основными направлениями научной деятельности Г.Дубовского являлось проведение фундаментальных энтомологических научно-исследовательских работ, изучение вредных и полезных видов, а также влияние вредителей и переносимых ими болезней на сельскохозяйственные культуры. Нет необходимости говорить о важности и перспективности проведения подобных научных работ.

— Я, следуя по научным стопам отца, поступила в аспирантуру в Среднеазиатский научно-исследовательский институт защиты растений, — говорит дочь Г.Дубовского, ныне профессор Ташкентского государственного аграрного университета Алевтина Григорьевна Кожевникова. — Под руководством учёного с мировым именем академика С. Алимухамедова защитила сначала кандидатскую, а в 2000 году – докторскую диссертацию. Впервые определила более 70 новых видов цикадовых – вредителей сельскохозяйственных растений, разработала научные основы защитных мероприятий, направленных против них.

Применение научных изысканий Г.Дубовского в области энтомологии и защиты сельскохозяйственных культур позволяют рационально использовать природные ресурсы, сохранять окружающую среду, получать высокие урожаи, решать проблемы государственной важности. Память о великом учёном навсегда сохранится в наших сердцах.

Андижанский государственный университет.

ТАБАРРУК ЁШИДА ҲАМ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА



Яқин 2-3 йилда 1000 ойлик юбилейи нишонланиши кутилатган бу Инсон Иккинчи жаҳон уруши йилларида дунёга келди. Ўша даврларда “нон шаҳри” деб ном олган шаҳардаги мактаблардан бирида ўқиди. У ҳам бошқалар қатори қийинчиликлар ичида катта бўлди, очарчилик, қаҳатчилик даврларини бошидан ўтказди. Мактабни тугатгач, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга кирди ва уни 1965 йилда тамомлаб, иш фаолиятини пойтахт вилоятининг суғориш тармоқлари бошқармасида муҳандис-гидрометрликдан бошлади.

“Бўладиган бола ёшидан” деганларидек, ёш Лутфулла муҳандис-гидрометр вазифасида бир йил ишлар-ишламас, 1966 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота (собиқ Калинин) тумани суғориш тармоқлари бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди ва ушбу лавозимида 1982 йилгача хизмат қилди. Ўша даврда у туман суғориш тармоқларини тартибга солди, янгидан 20 дан ортиқ сув тақсимлаш тармоқларини қурдириб, ишга туширди. Энг муҳими, Лутфулла Муҳаммадназаров вилоятнинг Зангиота ва Янги-йўл туманлари ер майдонларини сув билан таъминлайдиган Калкауз, Дамаши, Рамадон, Юқори Тошкент каналларининг сув ўтказиш қобилиятини 2 бараварга кўтариш учун шу каналларнинг тўлиқ қайта қурилишида иштирок этди. Натижада Калкауз каналининг сув ўтказиш қобилияти секундига 15 кубометрдан 25 кубометрга кўтарилди. Унинг раҳбарлигида туман ҳудуди мелиорация ҳолатининг яхшиланиши учун йирик коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва бу ишлар натижасида 4000 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Сабзавот экинларидан олинадиган ҳосилдорлик 100-110 центнердан 230-240 центнерга кўтарилди. Вилоятда ягона бўлган “Рамадон” насос станциясини лойиҳалашга, унинг қурилишига ва эксплуатация қилинишига бошчилик қилди. Бажарилган ишларнинг пировард натижаси ўлароқ 2000 гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотида киритилди.

1982 йилда Лутфулла ака ҳаётида янги ўзгаришлар содир бўлди. У қўшни Афғонистонга ишга жўнатилди. Бу сафарни қандайдир маънода хизмат сафари деб ҳам аташ мумкин. Чунки у ерда Лутфулла ака ўзининг соҳаси бўйича меҳнат фаолиятини олиб борди. Батафсилроқ айтилганда,

муҳандис-гидротехник Лутфулла ака Афғонистон халқиға, деҳқонларига ёрдам берди; соҳаси бўйича катта-кичик ўқув даргоҳларида афғон ёшларига дарий-форсий тилда маърузалар ўқиб, назарий-амалий машғулотларда устозлик, раҳбарлик қилди; Афғонистон заминининг мелиорация ҳолатини яхшилашда хизмати сингди, коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ишларида бош-қош бўлди, гидротехник иншоотлар қурилишида бунёдкорлик қобилиятини намойён этди. Афғонистон давлатининг Сув хўжалиги ва энергетика вазирлигида маслаҳатчилик вазифасини бажарди.

Қўшни Афғон диёрида икки йилдан кўпроқ вақт хизматда бўлган Лутфулла ака 1985 йилнинг февраль ойидан бошлаб, собиқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг эксплуатация бош бошқармасида бўлим бошлиғи ҳамда кейинчалик бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 1987 йил апрель ойидан бошлаб Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи вазифасида ишлади. Тошкент шаҳрининг йирик ирригация тармоқлари бўлган Салор, Қорасув, Оққўрғон, Кўкча, Чигатой, Майқўрғон каналларини қайта қуриш ишларини амалга оширди. Тошкент шаҳридаги йўлларнинг тагидан ўтган юзлаб дюкерларни қайта қуриб, уларнинг сув ўтказиш қобилиятини оширишда хизмат қилди. Натижада шаҳар ерларининг аксар қисми водопровод суви билан эмас, оқим сувлар орқали суғориладиган бўлди. У киши 1990 йилнинг февраль ойидан бошлаб Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигида эксплуатация бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, 1991 йилдан бошлаб бош бошқарма бошлиғи вазифасида хизмат қилди.

Лутфулла Муҳаммадназаров Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги сув ресурслари ва эксплуатация қилиш

бош бошқармасининг бошлиғи вазифасида ишлаган вақтида қўшни давлатлардан оқиб келадиган давлатлараро дарёларга муҳим аҳамият қаратди, сувдан унумли ва тежамкорлик билан фойдаланишига эътибор берди.

Қаерда бўлмасин, қачон бўлмасин, у киши бутун иш фаолияти давомида ерларни текислаш, янги гидроиншоотларни қуриш, каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини яхшилаш, уларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ишларида фаол қатнашди, халқпарвар, меҳнатсевар эканлигини астойдил кўрсатди. Шу сабабли Лутфулла ака кўп йиллик самарали меҳнати, сув хўжалигини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари учун “Дўстлик” ордени, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи каби кўп мукофотлар билан тақдирланган.

Битта мақола орқали Лутфулла Муҳаммадназаровнинг қилган ишлари, кўрсатган натижалари ҳақида тўлиқ ҳикоя қилишнинг иложи йўқ, бунинг учун яхшигина бир китоб ёзса арзийди.

Энди у кишининг оиласи ҳақида икки оғиз сўз. Лутфулла ота ва Муҳайё она 2 қиз ҳамда 2 ўғилни тарбиялаб воёга етказди, 10 дан ортиқ набиралари бор, уларнинг ҳаммаси ўқимишли. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли, давлатимиз ва халқимизнинг хизматида.

Бугунги кунда Лутфулла ота Муҳаммадназаров муборак 80 ёшни қаршилаётган бўлишига қарамай, ҳали бардам-бақувват, бир қанча лавозимларда ғайрат-шижоат билан меҳнат қияпти. Биз у кишини таваллуд куни муносабати билан табриклар эканмиз, халқ хизматидаги бу инсонга янаям узоқ, хайр-баракали умр, қилаётган ишларида омаду зафарлар тилаймиз.

Шавкат ҲАМПАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги

ИЛМДА – ОЛИМ, ИЖОДДА – АДИБ

Техника фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Тошболтаев 75 ёшга кирди. Табиатан ниҳоятда самимий, ақлан ўта билимдон, қалбан шоиртабиат бу инсон ҳақида ёзар эканман, Муҳаммаджон аканинг илмий фаолиятига кўпроқ тўхталсамми ёки бадиий ижодига урғу берсаммикан деб ўйлаб қолдим. Чунки у ёшлигида журналист бўлишни орзу қилган. Лекин тақдир тақозоси билан муҳандис бўлиб етишган. Бу орада техника йўналишида тинмай илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб бориб, фан доктори, профессор бўлди. Кўплаб ихтиролар муаллифига айланди. Англашимча, қалбинининг тўридаги бадиий ижодга бўлган тўғён 50 ёшидан кейин яна алангалана бошлаган. Дастлаб кичик-кичик қатрлар, ҳикматнамо қораламалари билан республика матбуотида чиқиш қилиб турди. Ва, ниҳоят, кейинги йилларда унинг бир талай бадиий китоблари нашр этилди.



Муҳаммаджон аканинг илм ва адабиётдаги изланишларини тарози палласига қўйсақ, бадиий ижоди ҳам бироз юкли бўлиб бормоқда. Ижодкорнинг “Фикрат ҳосилалари”, “Олим, илм, кашфиёт ва тараққиёт”, “Кулдиргилар ва куйдиргилар”, “Тўдаликлар”, “Мушоҳада ҳосилалари”, “100 та митти ҳикоя” каби бадиий китоблари кенг ўқувчилар орасининг эътиборини торта олган асарлардир.

Биз журналистлар адабиётга яқин халқмиз. Шунинг учун дастлаб олимнинг бадиий ижоди хусусида тўхталдик. Ваҳоланки, Муҳаммаджон ака қарийб ярим аср мобайнида 800 га яқин илмий мақолалар ёзган. 82 та монография, китоб ва рисоалар, 49 та ўқув қўлланмалари муаллифидир. Унинг изланиш ва ихтиролари маҳсули бўлмиш 73 та муаллифлик гувоҳномалари ва патентлари бор. Ҳар қалай, илмдаги ютуқлари ўта залворли.

Энди олимнинг ҳаёт йўлига мухтасар тўхталиб ўтамиз. У 1947 йил 18 февралда Фарғона вилоятида туғилган. 48 йилдан буён деҳқонбop қишлоқ хўжалиги машиналарини яратиш, машина-трактор паркларидан улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, машиналарга техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш тизимларини такомиллаштиришга доир назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқда.

У ҳамиша деҳқоннинг оғирини енгил қилиш ўй-хаёли билан яшайди. Масалан, сўнгги йилларда “Тошкент қишлоқ хўжалик техникалари” заводида МХ-1,8 пахта териш машиналарини қайтадан серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида машина теримини ташкил этишда фаол қатнашиб келмоқда. Бу пахта териш аппарати конструкцияси такомиллаштирилди, у икки теримда ғўза тулларидаги ҳосилнинг 95-97 фоизини (талаб энг камида 90%) териб олади. Пахта йиғим-

терими мавсумида Муҳаммаджон ака аксар ҳолларда далада бўлади. Механизаторлар билан янги ускунанинг ишлаш жараёнини мунтазам кузатиб боради. Натижа эса ҳозирча қониқарли.

Илмий ёки ҳаётий бўлишидан қатъий назар, олим ёшлардан ўз ёрдамини, маслаҳатини аямайдиган инсон. У 12 нафар фан номзоди ва магистрларга раҳбарлик қилган. Айни дамда 7 нафар докторант, мустақил тадқиқотчи ва магистрга устозлик қилмоқда.

Унинг кўп йиллик меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. 2007 йилда олим “Фидокорона хизматлари учун”, 2017 йилда эса “Меҳнат шухрати” орденлари билан мукофотланди.

Ҳозирда М.Тошболтаев 3 та фундаментал, амалий ва инновация лойиҳаларнинг раҳбари сифатида ресурстежамкор машиналашган янги агротехнологияларни яратиш ва жорий этиш, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш ва сервис кўрсатиш даражасини ошириш каби долзарб илмий-амалий масалалар билан фаол шуғулланмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, мақсад деҳқоннинг юмушини енгиллаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий кенгаши, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети қошидаги Илмий кенгаш ҳамда 4 та илмий журнал таҳрир ҳайъатлари аъзоси сифатида М.Тошболтаев “фан – таълим – ишлаб чиқариш” самарасини оширишга, олий маалака илмий кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда қаҳрамонимиз Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича дирек-

тор ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.

Унинг ибратли хислатлари жуда кўп. Масалан, яхшини ошириб, ёмонни яшириб яшайди. Ўзи билган, таниган одамларнинг ютуқларидан хурсанд бўлади, завқланади. Хатоларидан ўқиниб юради.

Яна бир жиҳати, у олимлар жамоасида билимдонлиги билан ўз нуфузи, ҳурматида эга инсон. Далаларда, меҳнаткашлар орасида эса оддий суҳбатдош.

Кўпчилиكنинг фикрича, у турли банд-паст лавозимларда ишлаган бўлса-да, ҳеч қачон калондимонлик, ҳасадгўйлик қилмаган, ўзидан пастдагиларни камситмаган, ҳамиша жамоада соғлом муҳит яратиб фаолият юритган.

Муҳаммаджон ака кўзга кўринган олим бўлишига қарамай, ўта камтарин, меҳрибон ўғил, эътиборли ота, суюкли бувадир. У ёши улуг бўлишига қарамасдан, ёш олимлар билан тил топиша олади, уларни доим янги изланишлар сари руҳлантириб туради. Ёшларни эркин фикрлашга даъват этади. Айнан шу фазилатлари, уни ёш кўрсатса, ажаб эмас.

Муҳаммаджон аканинг яна бир хислатига тўхталиб ўтмасам бўлмайди. У бор давра ҳамиша шушқақчақ ва завқли. Бунда у киши, албатта, давранинг бе-заги бўлади, ўзидаги кўтаринкилик ва хурсандчилиكنи ҳаммага юқтира олади. Айниқса, “Дилхирож”га ниҳоятда берилиб рақсга тушади. Унда зинҳор иззатталабликни кўрмайсиз. Мана шундай самимий ва беғубор инсон – Муҳаммаджон ака.

Спортчилар 40 га кирмай нафақага чиқади. Ҳақиқий олимлар эса борган сари билимдон, доно бўлиб боради. Муҳаммаджон ака ҳам гарчи 75 ёшга кирган бўлса ҳам, бугунги ғайрати, илмдаги изланишлари, бадиий ижоди билан янада улғайиб бораётир. Бу йўлда унга сиҳат-саломатлик, толмас ғайрат тилаб қоламиз.

Тоҳир ДОЛИЕВ.

УМРГА УМР ҚЎШДИ БУ ДАВР...



Таниқли журналист, таржимон ва шоир Махмудхон ТОИРОВ журналимизнинг фахрий аъзоси, фаол иштирокчисидир. Унинг кўплаб долзарб мавзудаги турли мақолалари, суҳбат, битик ва шеърлари журналимиз саҳифаларида мунтазам чоп этиб келинмоқда. Биз билан ҳамкорлик қила бошлаганидан буён унинг “Ҳаёт сўқмоқларида”, “Сен ва мен” (шеърый тўплам), “Ҳаёт битиклари” ва “Тафаккур неъматлари” (“Мысли вслух”) китоблари нашрдан чиқди. Таҳририятимиз Махмудхон акага ижодий баркамоллик тилар экан, у бундан буён ҳам нашримиз билан фаол ҳамкорлик қилиб қолади, деган умиддамиз.

БИР КАЛОМ БИЛАН

Ўзида куч топиб нафсини тийган
Ҳар эзгу мақсадга етиши мумкин.
Эгнига ўлгунча шоҳи зар кийган
Дунёдан кафансиз ўтиши мумкин.

Юракдан айтилган бир салом билан
Жоҳилни ҳақ йўлдан юргизиш мумкин.
Топиб айта билсанг бир калом билан
Хастани оёққа тургизиш мумкин.

Имонинг бўлмаса майли юз карра
Кўнган омадингдан нолишинг мумкин.
Этикод топилса танангда зарра,
Арслонни измингга солишинг мумкин.

БАХТ

Бахт излар одамзод бир умр бўйи,
Олисга етаклар ҳаёлот ўйи.
Бахтини излайди у ҳар бир жойдан,
Ҳатто, топмоқ бўлар самодан, ойдан.

Азиз дўстим, айтай чин бахтнинг сири,
Юракнинг тубида удир яширин.
Чин бахт кўнгилни қаритмас экан,
Дилдан ҳаёт шавқин аритмас экан.



САБР

Яна ўтди бир қиш, яна бир баҳор,
Ойни ой синади, кунларни кунлар.
Қанча сувлар оқиб куйлади анҳор
Ўтди қанча соҳир заҳматли тунлар.

Умрга умр қўшди бу давр,
Тажриба орттирди ҳар бир дақиқа.
Бизга етишса-чи, озгина сабр
Ўтаркан ҳар мушкул, тўю ақиқа...

ДЎСТИМГА

Тилагим сенга шудир,
Кўкрагинг осмон бўлсин.
Ҳар бир қилар ишингни
Мушқули осон бўлсин.
Оламда бахтинг тўлиқ,
Қалбингга иймон тўлсин.
Истагим шу: дўстларинг
Юксак бир хирмон бўлсин!



ЯХШИДУР

Осмондаги турнадан қўлга қўнган читтак яхши,
Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши.
Бахилнинг зар тўнидан эгнингда яқтак яхши,
Ҳосил бермас дарахтдан, нафи бор тўнка яхши.

Дўстинг бўлса гар нодон, ундан бир душман яхши,
Душманни дўст тутгандан, дўстсиз ҳам ўтган яхши.
Ойга бўлиб махлиё, бўлмаса гар ой рухсор,
Ундан кўра севмасдан омадни кутган яхши.

БИР КАМ ДУНЁ

Ҳаёл дарёсида жимжит оқаман,
Орзулар барқ урган нигоҳда сирим.
Ярим қолган шамга маҳзун боқаман,
Дафтардаги шеърим ҳам қолди-ку ярим.

Бир кам дунё экан, ками кўп экан,
Дунёнинг бор экан шундайин номи.
Дилнинг бахтдан кўра ғами кўп экан,
Сира тўлмас экан бахтнинг бу жоми.

Дунё кўп қизиқ-да, қошу ёй ярим,
Яримдир шахд-шиддат, ярим туйғулар.
Ҳаттоки осмонда, қаранг, ой ярим,
Туш аро уйқулар, яримдир тунлар.

Ҳаммаси майлига, бир кам дунё бу,
Гумбаз эрур-ку бош узра осмон.
Кўнгилга солмасин ушбу сўз қутку,
Муҳими дилингда бут бўлсин имон.

Махмудхон ТОИРОВ.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ
ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV
Jamshid XO'JAYEV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2022-yil,
Fevral №2.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq va
suv xo'jaligi" jurnalidan olindi",
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида.....	1
Э.АБДУЛИМОВ, И.ХОЛМИРЗАЕВ, Б.БАЛЛАСОВ. Беш йиллик раванг	6
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Баҳор эшик қоқмоқда	9
М.ТОШБОЛТАЕВ. Ерни экиш учун сифатли ҳолга келтириш.....	12
М.МУҲАММЕДОВА. Ҳамкорликда ҳикмат кўп	13
Ж.АХРОНҚУЛОВ. Гидрометрия хизмати тақомиллаштириш даври талаби.....	14
Ветеринария сервис хизматида "маҳаллабай" ишлаш тизими жорий этилди	15
Фермер аёллар ўқуви	16
Томчилатиб сугориш – ҳосилдорлик гарови	17
Шўр ювиш — муҳим агромегиоратив тадбир	17
Ш.ЖАББАРОВА. Давр билан ҳамнафас Хурсандбек	18
К.ЭРГАШЕВ. Кўптармоқчилик – даромад ва муваффақият гарови.....	19
С.МАВЛОНОВА. Очиқлик ва шаффофлик — давр талаби	20
Ветеринар ва чорвадор яқдиллиги	21
Ш.НОРМУРОДОВ. Наслди чорва – барака омили.....	21
Ш.СОДИҚОВА. Чорвачиликдаги масъулиятли давр.....	22
Р.ТОЖАЛИЕВА. Сўзида устувор деҳқонлар	23
Юксалишининг нури йўли	25
Р.ЮСУПОВА. Дилларни яшнатувчи маскан.....	26
У.КУРБАНОВ. Ер участкаларининг ижараси	27
М.МАЛИКОВА. Интеллектуал мулк фаолияти.....	28
Б.ЎРОЗОВ, П.ИБРАГИМОВ, Ф.ТОРЕЕВ, Д.ЎРАЕВА, С.ЭРГАШЕВА. Ўзанинги янги тизмаларида вилт касаллиги билан бошқа қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро боғланиши	29
М.ТАШМАТОВА, М.СУВОНҚУЛОВ, О.ИКРОМОВ. Бугдойда ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш	30
Ғ.ҒАЙБУЛЛАЕВ, А.ЯЛГАШЕВ. Ҳосилдор маккажўхори дурагайлари етиштириш технологияси	32
Д.САИТХАНОВА. Шоли навларининг сақланувчанлигига баргдан озиклантириш ва экиш усулларининг таъсири	33
М.РАХМАТАЛИЕВ, Г.ТОШХЎЖАЕВА. Аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда соя экинининг аҳамияти	35
Ш.ОРИПОВ. Индов – соғлик гарови	36
У.АСРАЕВ, Ф.БАХРИДИНОВ. Симментал зотида мансуб сигирларнинг пуштдорлик кўрсаткичлари	37
Ш.УСМОНОВ, Ш.ЎРАЕВ, Б.ШОНИЁЗОВ Сизот сувлари сатҳи назорати – давр талаби	38
О.ЩУКИНА. Перспективы развития беспилотной аэрофотосъемки для создания трехмерных моделей местности в Узбекистане	39
Ж.САУХАНОВ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида трансакция харажатларини оптималлаштириш механизмлари	41
С.КУЧКАРЕВА. Боғбонлар илмий даргоҳининг тарихи.....	42
Жизнь, посвященная науке	44
Ш.ҲАМРАЕВ. Табаррук ёнда ҳам халқ хизматида	45
Т.ДОЛИЕВ. Илмда – олим, ижодда – адиб	46
М.ТОИРОВ. Умрга умр қўшиди бу давр... ..	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjurnal.uz
E-mail: uzqx.jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: uzqxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2022-yil 2-fevral.
Bosishga ruxsat etildi: 2022-yil 2-fevral. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma №3. Nuxsasi 1400 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV

АССОЦИАЦИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЮЖНОГО КАВКАЗА



Ассоциация научно-исследовательских ассоциаций Центральной Азии и Южного Кавказа (АСНИОЦАК) была организована решением собрания Руководящего комитета в г. Тбилиси, Грузия 15 сентября 2009 г.



Страны-члены АСНИОЦАК: Азербайджан, Грузия, Армения, Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан, Туркменистан и Узбекистан в ноябре 2011 года приняли Региональную стратегию по преобразованию и усилению систем сельскохозяйственных исследований и инноваций в целях развития для Центральной Азии и Южного Кавказа.

Председателем АСНИОЦАК является Академик Гурам Алексидзе, исполнительным секретарём Алишер Ташматов, техническим советником Батыр Досов, ассистентом Эльбек Абдукадыров.

Основной целью Ассоциации научно-исследовательских ассоциаций Центральной Азии и Южного Кавказа (АСНИОЦАК) является содействие региональному сотрудничеству для развития сельскохозяйственных исследований.

Задачами АСНИОЦАК являются:

обеспечение платформы для диалога по важнейшим вопросам сельскохозяйственных исследований и инноваций, также совместных действий в рамках национального, регионального и международного партнерства;

- содействие расширению и улучшению обмена информацией и знаниями в области сельскохозяйственных исследований и инноваций в целях развития;
- оказание помощи в укреплении кадрового,

организационного и управленческого потенциала учреждений и организаций для развития сельскохозяйственных исследований;

- укрепление связей между национальными, региональными и международными научно-исследовательскими институтами и центрами развития, а также другими заинтересованными лицами посредством участия в планировании и реализации совместных исследований и учебных программ.

АСНИОЦАК представляет Глобальный форум по сельскохозяйственным исследованиям (ГФСХИ) в регионе, и в том числе организации гражданского общества, университеты, фермерские, женские и неправительственные организации, профессиональные общества, организации частного сектора в сельском хозяйстве, заинтересованные в инновационном развитии сельского хозяйства и сельскохозяйственных исследований.

Членство в АСНИОЦАК открыто для всех национальных и международных научно-исследовательских организаций и центров развития, организаций гражданского общества, университетов, фермерских, женских и неправительственных организаций, профессиональных обществ и организаций частного сектора в сельском хозяйстве Центральной Азии и Южного Кавказа.



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz

www.chorvador.uz